

Барбара Картлен

Шарқдаги муҳаббат

Биринчи боб.

1876 йил.

Ўзининг Парк-лейндаги ота маконига яқинлашар экан, Шона Уэнтертонни ушбу савол исканжага олди: унинг қайтиши жоизми ўзи?

Қачонлардир бу ерда бахт ҳукмрон эди. Энди эса бу ер кўпроқ турмани эслатади.

Каретадан тушганиданок, унга эшик саройники каби ланг очилди ва уни итоаткорона табассум билан кутиб олишди.

- Сизни яна кўришдан мамнунман, мисс. Ўрнингиз жуда билинди.

- Раҳмат, Хоскинс. Онам яхшими?

- Мухтарама хоним кейинги вақтда анча мадордан қолдилар. Ҳозир дам оляптилар, аммо ишончим комилки, сизни кўриб бошлари кўкка етади.

Шона унга жилмайиб қўйди. Хоскинс ота-онаси уйда ўн беш йилдан бери хизмат қилади. Агар бирор ёрдамга мухтож бўлса, бу қари хизматкорга суяниш мумкинлигини Шона биларди. Зинадан кўтарилиб бораркан, қиз бу хизматкорнинг ёрдამисиз унга қийин бўлиши мумкинлигини ўйлади.

Агар отаси тирик бўлганда, ҳаммаси бошқача бўларди! Шонанинг отаси адабиётни юксак кадрлайдиган ва китобсевар, бир неча тилларни билгувчи эди. У қиз боланинг муваффақиятли турмуш қуриш имкониятини қўлдан бой бермаслик учун жуда ақлли кўринмасликлари лозим, деган кенг тарқалган бидъатга эътибор қилмас, аксинча, Шонанинг заковатидан ғурурланар, ўзи билган ҳамма нарсани унга ўргатишга ҳаракат қиларди.

Отаси саёҳат қилишни хуш кўрар, имконият бўлганда чет элга ўзи билан хотини ва қизини ҳам олиб кетарди. Бу саёҳатлар қанчалар ажойиб эди!

Аммо уч йил олдин юрак хуружи уни бир неча дақиқада ҳаётдан олиб кетди.

Шона онаси билан бирга жуда қайғуришди, шундай бўлсада, ярим йил ўтгач бева қолган онаси яна турмушга чиқди. Ва қиз тушундики, энди бу уйда у бахтли бўла олмайди. Ўғай отаси полковник Локвуд ўткир идрокли ва оғир вазмин отасининг акси - ҳазилкаш ва хушчакчақ эди.

Шона онаси ётоғи эшиги олдида тўхтаб қолди ва оксочига юзланди:

- Эффи, мен онажоним билан кўришишим керак. Унга қадар марҳамат қилиб ваннани тайёрласанг.

Эффи бекасининг топшириғини адо этмоқ учун шошиб узоклашгач, Шона эшикни тақиллатди ва ичкаридан “киринг”, деган паст овоз эшитилди.

Шона ичкарига кирган хамонок краватида жимжимадор тўрли тунги кўйлақда ўтирган Хелен хонимга разм солди: озгин юзи жудаям рангпар эди.

Эллик ёшида Хелен ўзини заиф кампирдай тутишга ўрганиб қолган, қизи бу ҳолатни онасининг кечириб бўлмас иккинчи никоҳи оқибати, деб ҳисобларди.

Хелен хоним эрини ошқора танқид қилишга ботинмасди. Чунки биргина эътирози бу никоҳ унинг бемаъни хатоси эканини тан олишини англатарди. Унинг биргина эътирози у астойдил сақлашга ҳаракат қилиб келаётган оила бахтига путур етказиши мумкин эди. Шунинг учун ҳар қандай муаммодан Хелен хоним ўзи учун энг қулай усул – қочиб ҳимояланарди.

Шона эса онаси уни яхши кўришини биларди, аммо, ўгай отаси билан низолашиб қолганида онаси ҳеч қачон унинг тарафини олмаганлигини ҳам унутмаганди.

Қизини кўриб Хелен хонимнинг юзи ёришиб кетди ва қучоғини очди:

- Шона, азизам! Ниҳоят сен уйингдасан!

Онасининг қувончида Шона аллақандай носамимийликни ҳис этди, бу унинг юрагига оғир ботди. Чамаси, онаси қандайдир хафвни яшириш мақсадида қизи олдида ўзини энгил ҳис қилаётганини намоёиш қилаётганди.

- Болагинам, Донвортлар оиласи сенга ёқдими? – сўради Хелен хоним.

- Жуда ёқди. Уларнинг уйида ҳамиша қувонч ҳукмрон. Ҳар окшомги кўнгилчоғлик қилиш, рақсга тушишни айтмайсизми! Тўғриси, кўнгилхушликлардан баъзан жуда чарчаб ҳам кетаман.

Хелен хоним қизининг сўзларини эшитиб, қулиб қўйди. Ёшлигида бундай кўнгилхушликларни у ҳам жуда яхши кўрарди. Хелен хоним – балларнинг тенгсиз маликаси, ҳар окшом рақсга тушар, ўз орзусидаги эркакни учратиб ва унга турмушга чиққунга қадар ноз-карашмалари билан жуда кўп йигитларнинг хушини ўғирлаганди.

Нозик ва латофатли Хелен хоним ҳали ҳам ўз хуснини йўқотмаган, қизи унга жуда ўхшарди: қизғиш товланиб турувчи майин сочлар, катта-катта мовий кўзлар, юз тузилишлари деярли айнан эди.

Фақатгина Шонанинг юзида акс этиб турувчи қатъият онасида етишмасди. Қизнинг энгаги кўркам ва зодагонларга хос, айтиш мумкинки, унинг иродасини намоён этиб турарди. Нафис ва лўппи лаб чизиқлари унинг журъати ва кучли руҳият эгаси эканлигини акс эттирарди.

Шона Уэнтертон ўз табиати билан кимдир унга ҳукмронлик қилишига йўл қўймас, аммо атрофида унинг бу феълени англаб етмаганлар ҳам бор бўлиб, улардан бири – ўгай отаси эди.

- Вақтинг хуш ўтганидан жуда хурсандман, - деди Хелен хоним.

- Мен у ерда яна жон деб қолган бўлардим, - деди Шона, - лекин ўгай отамнинг ёзишича...

- Азизам, нега сен уни бундай атайсан? Ишончим комил, агар сен “ота” деб атасанг у жуда бахтиёр бўлган бўларди.

- Мен бундай қилолмайман, - секингина сўз қотди Шона. – Менинг отам ўлган. Мен бошқа одамни унинг номи билан атай олмайман.

Хелен хоним чуқур нафас олди.

- Қизгинам, афсуски, сен жуда қайсарсан. Полковник Локвуд жуда яхши одам. У сенга ёрдам бериш учун қўлидан келган ҳамма нарсага тайёр.

- О, йўқ, онажон. Мен бунга ҳеч қачон ишонмайман. У менга ёрдам кўрсатиш замирида ҳам ўз манфаатини кўзлайди. Мен ҳатто унинг яхши одамлигига ҳам ишонмайман...

- Жим! – қичқириб юборишига оз қолди Хелен хонимнинг. – У ҳақда бундай дейишга қандай ҳаддинг сиғди!

- Кечиринг, онажон. – итоаткорона жавоб берди Шона.

Қиз биларди, онасига бу нохуш ҳақиқатни очишга уринишнинг фойдаси йўқ эди, зеро онаси кўриниб турган нарсани ҳам тан олишни истамасди. Шундай бўлсада, Шона ҳақиқатни айтишга яна бир бор уринишдан ўзини тия олмади.

- Полковник ўз унвонини оширишни мўлжаллаган. Бунга эришиш учун менинг ёрдамимдан фойдаланмоқчи.

- Бу сафсата...

- Бу сафсата эмас, она. Нима деб ўйлайсиз, нега мен уйга барвақт қайтдим? Ўғай отам мендан Лондонга қайтишимни илтимос қилди, чунки мени таништириш ниятида “мафтункор инсонлар”ни таклиф этибди. Жумладан, у граф Харрингтон номини ҳам тилга олиб ўтибди.

- Ҳа, граф ҳақиқатан ҳам мафтункор, - деди она, қизининг кўзларида ялт этиб ўтган ғазаб учқуни туфайли бир оз тутилиб.

- Йўқ, онажон, у умуман мафтункор эмас. У қўпол, беодоб ва жуда маишатпараст. Ўғай отам унга пули ва унвони учун турмушга чиқишимни истайди. У бу истагини амалга ошириш учуш ҳеч нарсадан тоймайди. Ўйлайманки, ўғай отам қанчалик тиқиштирмасин, лорд Харрингтон ҳатто менга эътибор ҳам бергани йўқ. Аммо ер юзидаги энг охири эркак бўлганда ҳам мен унга тегмайман.

- Азизам, бундай қайсарлик ҳақиқий хонимга ярашмайди.

- Агар шундай қайсар бўлмаганимда кўз очиб-юмиб улгурмасдан, аллақачон меҳроб ёнида бўлган бўлардим, - жавоб берди Шона. – Нима деб ўйлайсиз, нима учун мен Донвортларникига кетдим? Чунки улар Лондондан хавфсиз даражадаги йироқда бўлган Эссексда истиқомат қилишади. Бундан ташқари, мен у ерда ўғай отамнинг беъмани таклифларидан узоқ бўлишга умид қилгандим. Аммо янглишибман. У менинг бугун кечки овқат дастурхонида бўлишимни талаб қиляпти. Мен унга узил-кесил рад жавобини бериш учун ҳам уйга қайтдим.

Хелен хоним чинқириб юборди:

- Азизам, сен ахир ўз отангга қўполлик қила олмайсан!

- Ўғай отамга. - Унинг сўзини кесди Шона. – У менга ота эмас ва ҳеч қачон бўлмайдими ҳам! Узр, онажон, мен хонамга бориб, кийимларимни алмаштиришим керак.

Шона онасини ўпиб, шошиб хонадан чиқиб кетди.

Хонасида Шонанинг жомадонини жойлаб бўлгач, бекасига ванна тайёрлаб турган Эффи кутиб турарди. Эффи йигирмага кириб қолганди. У мазкур хонадонда ўн беш ёшидан бери оқсочлик қилар, бу вақт оралиғида қизлар дугона бўлиб улгуришганди.

- Сизга жуда кўп таклифномалар келди, мисс, - деди Эффи. – Бир қаранг-а!

Шона таклифномаларга бепарволик билан кўз югуртирар экан, герцогиня Грешем резиденцияси – Греш-Хаусдаги бугунги қабул таклифномаси унинг эътиборини тортди. Шона бу хонадонни ёқтирарди.

- Аммо розилик бериш учун кеч бўлди, - надомат ила ўйлади Шона.

Ванна қабул қилаётиб, Шона мураккаб вазият тўғрисида, хусусан ярамас ўғай отаси ҳақида мулоҳаза юритди.

- Эҳ, - ўйлади у. – нега онам шунга турмушга чиққидийкин-а? Бир ҳисобда уни айблаш ҳам олмайман: отам вафотидан сўнг у жуда ёлғизланиб қолганди. Лекин нега энди айнан Локвудни танлади?!

У полковникдан устун дея ҳисоблайдиган ўнлаб эркакларни санаши мумкин эди. Уни танлаётганда онасининг ақлу-хуши жойидамиди? Ё бу эркак унинг бош-кўзини айлантириб олганмиди?

Полковник уларнинг уйига кириб келган биринчи кунданок Шона унинг қандайдир муҳим режаси борлигини сезганди, чунки у Хелен хонимга ҳаддан ортиқ мулозамат кўрсатарди. Нафратини яширмаган ҳолда қиз англагандики, унинг таклифи ва онасининг розилиги вақт тоқазоси эди холос.

Шунингдек, полковник Хелен хонимга ҳамиша яхши муносабатда бўлганини ва унинг кўнглига қараганини Шона тан олишга мажбур эди, зеро Локвуд, агар истаса, жозибадор эркак бўла оларди. Аммо, тез орада Шона унинг авантюрист эканини, у аслида онасининг давлати ва жамиятдаги мавқеи кўз олайтирганини англаб етди. Шона бу одамга на меҳр кўёлди ва на ишонди.

Никоҳдан сўнг Шона тушундики, полковник учун янги рафиқасининг қизи ошиқча бош оғриғи эди холос. Локвуд бу хонадоннинг Лондондаги ва шаҳар четдаги уйларида хукмронликни шахсан ўз қўлига олишни истарди. У тез орада Шонадан қутулишнинг ягона йўли – уни эрга бериш, берганда ҳам бирор мартабаси баланд эркакка узатиш ва унинг ёрдамида ўз мавқеини ҳам кўтариб олиш лозим, деган хулосага келди.

Шонанинг отаси жангу-жадалда ном қозонган генералнинг ўғли эди, аммо у урушдан сўнг зодагонлар оламига кира олмади. Хелен хоним эса графнинг қизи эди.

“Уни онамнинг насл-насабигина қизиқтирган, - ўйлади Шона. – У олифта ва худбин, у ҳамиша худбинлигича қолади.”

Локвуд оксуяклар даврасига кўшилиш учун хотинининг насаби ва мавқеидан имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қилар, аммо бунга ҳали эриша олмаганди.

Алал-оқибат Локвуднинг бу уринишлари шу билан якунланди: Зиёли ва амалдор одамлар уни яқинларига ҳам йўлатмадилар. Шу боис у ўзининг эски ҳамтовоқлари – келиб чиқиши ва наслу-насабига қарамай, жентльмен деб аташ мумкин бўлмаган, назокатдан йироқ эркаклар даврасига қайтди. Қартабоз, ичкиликбоз, маишатпараст ва нодонлар – Локвуд муносабатда бўлган гуруҳда ана шундайлар тўпланганди. Энди эса у шундайларнинг бирига ўғай қизини унаштириш учун жонини жабборга бериб уринаётганди. Граф Харрингтон бу гуруҳдан охирги номзод эди. Аммо, Шона ҳар гал у билан учрашишдан қочишни уддалаб келаётганди. Одатда граф тушликка таклиф қилинса, Шона от миниш сабоғи баҳонасида кечикиб келар, кечки овқат вақтига келса, Шона ё чарчаганини рўқач қилиб ухлашга ётар ё сездирмасдан бирор ерга қочиб қоларди.

Энди эса бу уринишлар ёрдам бермай кўйди. Полковник Локвуд жон-жаҳди билан жуда қатъий туриб олганди.

Шона зинадан пастга тушаётиб, кўрдики, полковник уйда эди – қиз шундан хавфсираганди. Айтиш мумкинки, унинг ўғай қизи билан сермулозамат бўлиб сўрашиши қизнинг кўнглига ҳақиқий ваҳима олиб кирди. Локвуднинг ошланган теридай қип-қизил юзида узун мўйловлари жуда ёқимсиз кўринар, ундан вискининг кучли ҳиди анқирди.

Шона жирканч ила жийирилди.

— Менинг илтимосимни ерда қолдирмай уйга қайтганингдан жуда хурсандман, - Шонанинг энсасини қотирадиган ва сескантирадиган йўғон ва кўпол овозда таъкидлади Локвуд.

Шона лабидан чиқиб кетай деб турган захарханда гапларини ичига ютиб, босиқлик билан деди:

- Мени онамнинг соғлиги хавотирга солди.

- Албатта, албатта. Бу табиий ҳол. Сенинг онажонинг сен учун жуда ҳам қайғурмоқда, болагинам. У сени турмушга берадиган пайт келди, деб ҳисобляпти ва мен унинг фикрига кўшиламан.

- Мен кўнглимдаги эркакни учратгачгина турмуш куриш ҳақида ўйлаб кўраман. Ҳозирча эса мен бунақасини учратмадим, – қатъий жавоб берди Шона.

- Кўйсангчи. Сен каби яхши қизлар тезроқ турмушга чиқишлари лозим.

- Бемаънилик. Агар эркак киши мени яхши деб ҳисобласа, менга уйланишни хохлаб қолар экан. Мен шахсий қарашларим, кўнглим билан эса иши бўлмас экан. Мен эса ҳали ўзимга ёқдиган эркакни учратмадим ва бу кескин вазият яқин орада ўзгаради, деб ўйламайман.

Полковникнинг кулгуси бир оз носамимий янгради.

- Кел, яхшиси бу масалани бугун кечки таом устида муҳокама қиламиз. – Таклиф билдирди у. – Менинг ҳали сенга кўп гапларим бор. Хабаринг бор, эртага бизникига лорд Харрингтон ташриф буюради. Менимча, сизлар муносабатларингизни аниқлаштириб оладиган вақтингиз келди.

- Биз муносабатларимизни аниқлаштириб олганмиз. – кескин жавоб берди Шона. – Мен узил-кесил рад этганман ва муҳокамага энди ўрин йўқ. Бу “муносабатларни” аниқлаштиришга ҳам хожат қолмаган.

- Мен буни назарда тутмагандим...

- Мен билмайман, сиз нимани назарда тутгансиз, лекин бу масалада менинг жавобим катъий. Уни бекорга умидвор қилиб ўтирманг. Мен у ҳақда билишни ҳам истамайман!

Полковникнинг юзидаги ҳайрихоҳлик ниқоби ечилиб, унинг ўрнини ғазаб эгаллади.

- Қулоқ сол, кичик хоним! Сен ўзингни ким деб ҳисобляяпсанки, мен билан бундай оҳангда гаплашасан?!

- Сиз менга ҳукмронлик қила олмайсиз, - бепарволик билан жавоб берди Шона.

- Адашасан! Модомики ҳали вояга етмаган экансан...

- Модомики, ҳали вояга етмаган эканман, сиз менинг никоҳимга ҳалақит қилишингиз мумкин, аммо бутун бошли қироллик лашкари-ю, қироллик отлиғи ҳам мени Харрингтон каби нохуш одам билн никоҳдан ўтишга мажбур эта олмайди!

- Харрингтон – менинг дўстим бўлади!

- Буни биламан,- ижирғаниб сўз ташлади Шона.

Унинг сўзларини ўзига ҳақорат деб билган полковник ўғай қизига тарсаки тушириб юборай дея ўқталди. Расво феъл-атвори билан ҳамиша ажраб турган бу одам кейинги пайтларда ўзини назорат қилолмай қолганди. Шона эса ўрнидан жилмади. Унинг совуқ ва ўткир нигоҳлари ўғай отасининг кутургандай олайиб кетган кўзлари билан тўқнашди. Локвудни охирги сонияларда нимадир тўхтатиб қолди. У қўлини туширди, аммо юзлари ғазабдан буришиб кетганди.

- Бу ҳақида кечқурун гаплашамиз. – ўшқирди у.

Шона ҳозиржавоблик билан деди:

- Сиз билан бирга бугун кечки тановулда учрашолмайман, дея кўрқаман. Герцогиня Грешемдан бугун кечга таклифнома олганман.

Полковник бир қалқиб тушди ва Шона унинг бу довдирашининг сабабини биларди. Грешемларнинг юксак мартабаси ва уларнинг таклифининг ўзиёқ уни титроққа солиш учун етарди. Грешемлар Локвудни назар-писанд қилишмас, уни ҳеч қачон резиденцияларига таклиф этишмаган бўлишарди.

Шона мазкур қабулга усиз бораётгани сабаб ҳам Локвуд бу таклиф учун ўғай қизини баттар ёмон кўриб кетди. Аммо унинг олифтагарчилиги Шонанинг бу қарорига қаршилик қилишга тўсқинлик қилди.

- Шундай де, - ниҳоят сўз очди у қувонганини самимий кўрсатишга уриниб. – Оиламиз дўстларини хафа қилиш ярамайди. Афсуски, менинг бошқа режаларим бор эди. Бўлмаса сени жон деб кузатиб борган бўлардим.

- Бу ўта ахмоқона иш бўлган бўларди. – секин жавоб берди Шона.

Локвуд қиз томон дарғазаб нигоҳини ташлади, зеро қиз мазкур вазиятда устунликни ушлаб қола билганди. Шона унинг қарашига жавобан нигоҳ ташлашни ҳам лозим кўрмади ва хонадан чиқиб кетди. У ўзида мислсиз журъатни ушлаб тура билган бўлса-да, юраги кинидан чиқар даражада гупуриб урарди.

“Мен қочишим керак, - саросимага тушганди у. – У ўзини базўр тутди. Мени бу никоҳга мажбурлаш учун у ҳар нарса қилишга тайёр.”

Хонасига қайтиб, Шона герцогиня уни қабул қилиши учун кеч бўлмаслигига умид билдирилган бир неча жумлани шошилиб ёзди-да, қаролидан бериб юборди.

Герцогиня уни ўз уйида қабул қилишидан мамнун эканлиги ҳақидаги жавоб тахминан бир соатларда келди. Шона енгил нафас олди ва кейинги муҳим масала билан шуғулланди: нима кийиш керак?

У Эффининг ёрдамида ниҳоят пушти тошлар билан безатилган магнолия рангидаги атласдан тантаналар учун тикилган кўйлагини танлади. Бўйнига эса бобоси совға қилган марварид шодасини тақди.

Шона ўз мустақиллигини намоён этишга асос бор эдики, онаси томонидан бобоси граф Ларнесский ўз мулкининг ярмини қизига, ярмини эса неварасига мерос қилиб қолдирганди. Шонанинг ҳисоблашича, ўғай отаси Хелен хонимни жуда бадавлат деб ўйлаган. Бу ерга келгач, мулкнинг фақат бир қисмигина унга тегишли бўлиши мумкинлигини билиб, ғазаби қайнаган эди.

Ҳар иккала аёлнинг пуллари билан боғлиқ расмиятчиликни васийлар амалга оширишар, полковник Локвудга хотинининг улушидан минимал даражада пул беришар, Шонанинг улушига эса унинг ҳатто аралашини ҳам тақиқлашган эди.

Қиз бу ҳақда, қолаверса полковникнинг бир неча бор ўғай қизига тегишли капитални қўлга киритишга урингани ва ҳар гал қатъий рад жавобини олганда қанчалар ғазабга келгани тўғрисида васийларнинг ўзидан эшитганди.

“У чамаси мени ўша майпараст ҳамтовоғига узатиб, пулларимни ўмармоқчи”, - ўйлади у пардоз қилаётиб.

Унинг бу шубҳаси Эффининг сўзларидан кейин тасдиғини топди:

- Мен бошқа хизматкорлар билан суҳбатлашдим. Уларнинг фикрича полковник бу эркакдан қарз олган.

“Бу эркак” аслида ким эканлигини аниқлаштиришга ҳожат йўқ эди. Эффи ҳам уни ёмон кўрарди. Унинг фикрича “ у кўлига жуда кўп эрк берарди”.

- Сен бу ерда хавфсиз бўлишингга ишонасанми? – хавотир оҳангида сўради Шона.

- Ташвишланманг, мисс. Мен бугун йигитим билан учрашув белгилаганман. У полициячи, гоҳида курашиб ҳам пул топиб туради.

- Айтмоқчисанки, у бир-бирини ҳушдан кетгунга қадар дўппослаб, сўнг шунинг эвазига пул оладиган йигитлардан бирими? – сўради Шона.

- Ҳа, мисс. Аммо Жимми ҳали бирор марта ҳам ютқизмаган.

- Яхши. Унда хотиржам бўлсам бўларкан. Агар хоҳласанг, менинг пушти кўйлагимни кий.

Каретага ўтириб бу ердан тезлик билан жўнаб қолиш Шонага шундай енгиллик бағишладики!

Узоқлашаркан, Шона ортига ўгирилиб, уйига қарашдан ўзини тия олмади. У кутгандек, иккинчи қават деразасидан полковнинг шарпаси кўзга ташланди. У қизни яширин нигоҳ билан кузатиб турарди.

Грешемларникида кечки овқат олий даражада ёқимли кечди. Шона меҳмонларнинг кўпчилиги билан таниш эди. Улар ҳар тарафдан Шонани Эссексадаги сафари тўғрисида саволга тутдилар. Полковник ҳақида эса ҳеч ким эсламади ҳам.

Шонани ёш ва хушчақчақ бўйдоқ йигит – виконт Мелтон қаршисига ўтказишди. Бу кечада у ўзгачарок, гўё ўзида эмасди. Илгари улар тортинмасдан ҳазил-мазах қилишарди. Ҳозир эса у Шонага бир неча савол берди холос. Шона сездики, бугун уни бошқа томонда ўтирган катталар билан ўгирилиб суҳбат куриш кўпроқ хушнуд этди.

Кечки тановул ниҳоялангач ва хонимлар жанобларни портвейн ичиш учун қолдиришган вақтда Шона нигоҳлари каби сўзлари ҳам ўткир бева герцогиня Грешем билан суҳбат бошлади.

Бу басавлат хоним уйдан ташқарига кам чиқсада, барча миш-миш ва ғавғолар ҳақида билар ва улар тўғрисида оқилона мушоҳада қиларди. Одамлар унга маслаҳат сўраб тез-тез мурожаат қилиб туришарди. Бу хоним, қандай ишқал бўлмасин ва қанчалик мураккаб кўринмасин, уни ечишга қодир одам сифатида ҳурмат қозонганди.

Эркаклар ҳам даврага қўшилиб, умумий суҳбат мавзуси янгилангач, Шона бу меҳмондўст хонадон соҳиблари билан бир неча оғиз суҳбатлашди-да, сўнг диванга ўтиб ўтирди. У бир финжон чой ичиш асносида ортидан кимнингдир овозини эшитди ва ўгирилди.

Суҳбат диван суянчиғи ортига илинган парданинг нариги томонида кечаётганди. Шона овоз соҳибини таниди – бу виконт Мелтон эди.

- Сиз менга ёрдам беришингиздан умидим катта, герцогиня. Менда жуда катта кўнгилхираликлар кечмоқда.

Унга бева герцогиня Грешем жавоб қайтарди.

- Мен биламан. Сизни Лаквортлар қизига мажбуран уйлантиришяпти, шундайми? Сиз эҳтиёткорроқ бўлишингиз лозим эди.

- Мен бор-йўғи уни рақсга таклиф этгандим... – деди норози оҳангда виконт.

- Бир окшомда уч марта! Бир окшомда бир қиз билан икки мартадан ортиқ рақсга тушиш мумкин эмас. Сиз ҳали бу сабоқни ўзлаштирмаганмисиз? Уч марта рақсга таклиф қилиш нафсонияти бор ота-онанинг шубҳасини ошириш учун етарли.

- Ўша сафар шундай бўлиб қолди, - минғирлади виконт. – Сэр Роджер Ларксворт жуда қўпол лукмалар ташлади.

- Бу муаммодан қутулишнинг энг яхши йўли бир неча ҳафтага чет элга чиқиб кетиш, – деди герцогиня. – Сиз қайтгунингизча ҳамма бу можарони унутади ва бошқа нарсаларнинг муҳокамасига ўтган бўлади. Бунга ўхшаган вазиятлардан қочишга ҳаракат қилинг.

- Айтишга осон! У бу ерда ягона жиззаки ота эмас. Анави Локвуд ҳам унинг айнан нусхаси...

- Нахотки у ҳам ўгай қизини мажбуран турмушга беришга уринмоқда?!

- У менга бир неча бор маънодор нигоҳ ташлади. Шона менга ёқади, аммо унинг отаси тирик бўлганда эди... Ҳаммаси бошқача бўлган бўларди. Лекин бу нусха билан қариндошлик ришталарини боғлаш... О, маъзур тутгайсиз.

- Бечорагина Шона!- афсус билан хитоб қилди герцогиня.

Парда ортида ўтирган Шонанинг қимирлашга ҳам ҳоли қолмаган, у юз бўёқлари оқиб тушаётганини ҳис қилиб турарди. Демак полковник уни шу ҳолатга олиб келгандики, бирорта тарбия кўрган эркак ўгай отаси туфайли у билан боғланишни истамасди.

- Эртагаёқ жўнаб кетаман, - қарор қилди виконт. – Ёрдамингиз ва ғамхўрлигингиз учун сизга ташаккур!

- Мен сизни туғилганингизданок биламан, виконт. – жавоб берди герцогиня. – Агар сизга ёрдамим тегса, бундан мен ҳам мамнунман.

- Сиз маслаҳат борасида ҳеч кимдан ёрдамингизни аямайсиз. – деди виконт. – Ишқий муаммоларимизни ечишда яхшиям бахтимизга сиз борсиз.

Герцогиня кулиб юборди.

- Менга одамларга ёрдам бериш ёқади. – жавоб берди у. – Бу менинг ҳаётимни мазмунлироқ қилади. Лекин ҳамма муаммолар ҳам ишқий муносабатлар билан боғлиқ бўлавермайди. Масалан маркиз Чилворт яқиндагина мендан француз, испан, итальян, агар имкони бўлса грек тилида ҳам эркин мулоқотда бўла оладиган котиб топиб беришни сўради.

- Шубҳасиз, унинг ўзи бу ишни эплай олмайди, - тушунгандек бош силтаб кўйди виконт.

- Бу масаланинг тез ҳал бўлишига кўзим етмайди. Ахир бунақа кўп тил билувчини қаердан топиш мумкин? Инглизлар она тилларидан ўзга тилларда гапиришга нўнок бўладилар. Улар ҳатто кўпинча инглиз тилида ҳам хато қиладилар.

- Агар бу масалани кимдир ечиши мумкин бўлса, у фақат сиз бўласиз, - деди виконт.
– Сизнинг мавқейингиз осмон қадар юксакликка кўтарилган. Хайрли тун, кадрли герцогиня. Яна бир бор ҳаммаси учун раҳмат.

Шунда герцогиня бир сўз айтдики, Шона юрагининг туб-тубигача зириллаб кетди.

- Сиз ҳақиқий севгингизни топмагунингизга қадар, менга миннатдорчилик билдиришга эрта. Ана шунда мен сизни қутқарганимга ҳақиқатда амин бўласиз.

Шона каретага ўтирганда ҳам герцогинянинг охириги гапи қулоқлари остида жаранглаб турди. Агар у полковникка ўз режасини амалга оширишга кўйиб берса, севган инсони билан никоҳ қуриш бахтидан бир умр мосуво бўларди. Демак, у бунга ҳеч қачон йўл кўймайди!

Қайтгач, Шона Эффини хонасида кўрмади, у беш дақиқадан сўнг ҳозир бўлди.

- Маъзур тутинг, мисс, - деди у ҳаяжон ила. – Мен олдинроқ келиб, сизни бу ерда кутиб олишим керак эди.

- Ҳаммаси жойида, Эффи. Хўш, ошиғинг билан вақтни яхши ўтказдингми?

Эффининг кўзлари чарақлаб кетди.

- О, ҳа, мисс! Биз Жимми билан биринчи имконият туғилганданоқ турмуш қураимиз.

- Сизлар биргаликда жуда бахтли бўласиз, деб ўйлайман, - майин шивирлади Шона.

“Эффи ўзининг ҳақиқий муҳаббатини топа олди”, - ўйлади у бир оз ҳасад билан.

- Оқшом қандай ўтди, мисс?

Шона унга ҳаммасини, ҳатто парда ортидан бехос эшитган суҳбат ҳақида ҳам сўзлаб берди.

- Бу герцогиня, эртақлардаги фаришта-онанинг ўзи экан, - эътироф этди Эффи Шонанинг сочларини тараётиб.

- Ҳа, у амалга ошираётган мўжизалар одатий ҳолга айланган. Масалан маркиз Чилворт унга кўп тилда сўзлаша оладиган котиб топиб беришни илтимос қилибди.

- Сизга ўхшаганми?

- Менга?

- Ахир отангиз сизга кўп тилларда сўзлашишни ўргатган-ку.

- Ҳа, тўғри, аммо... Менимча унга котиблик қилиш учун эркак киши керак.

- Агар у эркак кишини тополмаса-чи, мисс?

Шона кўзгудаги аксига ўйланганча тикилиб қолди. Нега бу фикр унинг миясига олдинроқ келмадийкин? Бу унинг қутулиб қолиши учун имконият бўлиши мумкин.

- Бу қўлимдан келармикин,- унинг ўйлари сўзига чиқди.

- Эй! - Бирдан ҳаяжон ила қичкириб юборди Эффи. – Ахир мен бу маркиз ҳақида эшитганманку! Уни Монстр деб аташади.

- Монстр? – беихтиёр такрорлади Шона.

- Айтишларича, кўп йиллардан бери уни ҳеч ким кўрмаган. Ўша, Унинг Буюк Фожеаси рўй бергандан бери.

Ҳа, бу сўзларнинг катта ҳарфлар билан ёзилиши лозимлиги ҳатто Эффининг сўз оҳангидан ҳам кўриниб турганди.

- Яна қандай фожеа?

- Айтишларича, у бир қизни телбаларса севган, аммо У Бошқа билан унаштирилган. - жавоб берди Эффи яна айрим сўзларни алоҳида таъкидлаб.

- Кейинчи, кейин нима бўлибди?

Улар бирга қочиб кетишган. Аммо қизнинг қаллиғи уларни топган Қизнинг Юрагига Отган. - деди Эффи ҳаяжондан бир оз титраб. – Ўша ондан бери уни ҳеч ким кўрмаган. У ё уйдан эшикка чиқмай, зимистонда яшайди, ё махсус тайёрланган Яхтада Етти Денгиз Бўйлаб Кезади.

- Ёқимсиз сахна мелодрамасини эслатади, - ишонқирамай овози чиқди Шонанинг.

- Айтишларича, у бир кечада чўкиб қолган.

- Хўш, бу воқеалар қачон рўй берган эмиш?

- “Эмиш” дейсизми, мисс? Бу воқеа ҳақиқатда рўй берган, бу ҳақиқат! Ўлай агар! Менга бу воқеани ўша маркиз қўлида хизмат қилган одамга турмушга чиққан холаваччам сўзлаб берган.

Агар Эффи унинг бу ҳикояси даҳшатидан тингловчиси томирида қони ҳам музлаб қолади, деб ҳисоблаган бўлса, бу Шона учун эмас эди. Чунки Шона Уэнтертон ақлий тажрибага эга бўлган соғлом фикрловчи қиз эди.

- Ҳеч ақлга тўғри келмайди. Агар бу ҳақиқат бўлганда, у ҳақда ҳамма билган бўларди.

- Ахир у Ташқи Дунёдан Яшириниб яшаётган бўлса, у ҳақда қаердан ҳам билишсин? - эътироз билдирди Эффи ўзининг мантиққа зид фалсафасида туриб олганча. – Ох, мисс, балки у билан учрашмаганингиз маъқулдир? У сизни ўғирлаб кетсачи?

- Мени ўғирлаш унга нима учун керак? - хайрон бўлди Шона.
- Қандайдир Ғараз Мақсадлар учун, - дабдабали хитоб қилди Эффи?
- Қайдай, ахир?
- Ким билади, дейсиз? Бундай мақсадлар каммас-ку!

Шонанинг лабига табассум ёйилди.

- Бу бемаъни гап. – деди у. – Агар маркиз Чилворт шунчалик одамови бўлса, ишонч билан айтаманки, бу менга жуда боп.

- Агар у сизни ўзи билан Етти Денгиз Бўйлаб кетишингизни истасачи?

- Ох, Эффи, тутуриқсиз романлар қахрамонига ўхшаб гапиришни бас қилсангчи! – кулди Шона. – Боз устига, агар мен етти денгиз бўйлаб кетсам, ўгай отам билан боғланишдан ўз-ўзидан қутуламан. Мен зудликда маркиз Чилворд билан кўришишим лозим.

- Мисс, менимча бу хавфли! - Кўрқа-писа шивирлади Эффи.

- Агар бу хавфли бўлса, мен уйга қайтиб келаман ва бу иш тугайди.

- Агар унинг ҳаёлига сизни ўғирлаш келиб қолсачи...

- Ҳа-ҳа, ғараз мақсадларда. Эсимда. Мен бир таваккал қилиб кўрмоқчиман.

Шонанинг кўзлари қатъият билан чакнаб турарди.

- Ким билади, дейсан, - деди у қувноқ оҳангда, муғамбирона. – Балки менда ҳам “ғараз мақсадлар” туғилиб қолар.

Иккинчи боб.

Эртаси куни Шона барвақт уйғонди. Эффи унинг полковник билан учрашиб қолиш хавфидан асраш учун нонуштани хонага келтирди.

- У бунчалик барвақт уйғонмаса керак. – деди Шона. - Менимча у кеча жуда кеч қайтди.

- Агар хизматкорининг гапи тўғри бўлса, ярим тун учда. – аниқлик киритди Эффи. – Ундан спирт ҳиди бурқсиб турган экан.

- Демак, чошгоҳдан олдин уйғонмайди. Жуда яхши. Менда ҳар бир нарсани аниқ режалаштириб олишга вақт бўлади.

- Сизга қайси кийимингизни ҳозирлай, мисс?

- Билмайман. Мен жиддий ва ҳозиргидан каттароқ ёшда кўринишим керак. Менга жиддий кўриниш берадиган турмак қила оласанми?

Эффи унинг сочига суртиш учун ошхонадан ун келтириш учун кетди, агар бу Шонани ўрта ёш кўрсатолмаса ҳам, сочларининг жилосини яшириб, унга кулранг тус берарди.

Бир қанча уринишдан сўнг ниҳоят улар керакли натижага эришишди. Унинг сочлари кулоқларини ёпганча ва бошига ёпишиб орқага, миясига тугунча қилиб йиғилганди.

- Энди менга кўзойнак керак бўлади. – ҳисоблади Шона. – Уни қаердан олсак бўларкин?

- Хиггинс! – қувониб кетди Эффи.

Кичик хизматкор бўлиб ишлаган Хиггинс ўтган ойда кетган, қўшимча кўзойнагини унутиб қолдирганди. Яхшиямки, Эффи бу кўзойнакнинг қаерда турганини биларди. Бурнининг устига кўзойнак қўндираар экан, Шона ўзининг ҳақиқий ҳолатидан кескин фарқ қилувчи бутунлай ўзга одамга айланди.

- Нима кийсам экан? Ҳамма кийимларим ҳашамдор. Мен ўзимда тасаввур қилган аёл бунақа кўйлақлар киймаслиги керак.

- Сиз айнан қандай аёл бўлиб кўринмоқчисиз, мисс?

- Ўз қадрини биладиган улуғвор хоним бўлиб. У мени тажрибасиз қизалоқ деб ҳисобламаслиги керак. Мен унда енгилтак ва калтабин бўлмаган, интизомли ва жиддий аёл сифатида таъсурот қолдиришим керак.

- Лекин сизда никоҳ узуги йўқ-ку?

- Онамникини тақаман.

Иккинчи марта турмушга чиқаётиб, Хелен хоним биринчи никоҳ узугини қизига берганди. Шона бу узукни ўз қутичасидан оларкан, унга хомуш тикилди. Каттагина бу узукнинг ички томонига “Муҳаббатимиз абадий бўлсин” деган сўзлар ўйиб ёзилганди.

“Бу узукни отам онамга тўй куни совға қилган, - ўйлади у. – Беҳад бахтга кўмилган бўлсалар керак ўшанда!”

Кейин эса отаси ўлди. Онаси эса унинг тирноғига ҳам арзимайдиган одамга турмушга чиқди.

“Йўқ, мен бу одамга менга ҳукмронлик қилишига йўл қўймайман”, - ўйлади Шона узукни бармоғига тақаётиб.

- Энди эса шунга мос кийим танлашим лозим. – деди у. – Гардеробимда сипорок кўринишда нима бор?

- Балки сизга менинг кўйлақларимдан бири мос келар, мисс? - таклиф билдирди Эффи.

- Ажойиб ғоя!

Эффи одатда черковга кийиб борадиган кўйлагини келтирди. Кўйлақ жуда оддий бўлиб, бошқа шароитда Шона бу кўйлақни ҳеч қачон киймаган бўларди.

Ўзини кўзгуга соларкан, Шона одатдаги қиёфасининг бутунлай ўзгарганига амин бўлди.

- Худди қаримсиқ хотинга ўхшайман, - деди у. – Бу жуда соз.

- Сиз учун карета тайёрлашларини буюрайми, мисс?

- Йўқ. Мен борадиган жой унча узоқдамас. Ўзим етиб оларман. Менинг қаёққа ғойиб бўлганимни ҳеч ким сезмагани маъқул.

- Унда мен сиз билан бораман. – деди эътироз оҳангида Эффи. - Ташқарида кутиб турман. Сиз у ёққа пиёда ёлғиз бормайсиз.

- Нима, мени “ярамас мақсадлар”да ўғирлаб кетишадими? – қикирлаб кулди Шона.

- Бўлиши мумкин. Бундан ташқари хўжайин уйғониб қолса, унга рўбарў бўлишни истаймайман.

- Тўғри айтасан. Бўпти, йўлга чиқиш керак!

Икки кўча оша пиёда юришгач, улар икки ғилдиракли арава ёллашди. Извошда ҳам ўн беш дақиқа вақtlари кетди. Ниҳоят извошчи Белгравий районида жойлашган Чилвортга қарашли мулк ёнида тўхтади. Ўз архитектураси ва ҳажми билан Чилворт уйи албатта таъсурот туғдирадиган даражада эди, аммо Шонага у қаровсиз ва ташландик ҳолатда кўринди. Кўп дераза тўсиқлари ёпилган. Бундан маълум бўлдики, бу ерда яшовчи одам ташқи олам билан буткул алоқа узган кўринади.

Маркиз Чилвортнинг қанақа одам эканлиги Шонани илк бор ўйлантириб қўйди.

Албатта, Эффининг бу одам ҳақидаги ғирт ёввойисифат, монстр тарзидаги тасавури ақлга тўғри келмасди. Аммо, Шона ҳар ҳолда бу одамнинг бошқалардан буткул фарк қилишига амин бўлди.

Шона бу одамни ҳеч қачон тантанавор маросимларда учратмаган, ҳатто унинг исмини ҳам жуда кам эшитганди.

- Менга бу уй негадир ёқмаяпти, мисс, - деди Шона извошга рухсат бериб, эшик ёнида тўхтаганларида. – Биласизми, менимча сиз билан ичкарига кирганим маъқул.

Унинг овоз оҳанги арслоннинг инига кириш учун тайёрланаётган одамники каби хавотирли эди. Шона ўзини кулгудан аранг тийиб қолди, аммо оқсочининг бекаси учун каттиқ қайғураётгани уни таъсирлантирмай қўймади.

- Яхши, - деди у. – Агар у мени ўғирламоқчи бўлса, у ҳолда сен билан ҳисоблашишига тўғри келади!

- Худди шундай, мисс. Нияти ёмон бўлса, мен унга кўрсатиб қўя оламан!

- Эффи, мен ҳазиллашдим.

- Мен эса йўқ, - хомуш жавоб берди Эффи.

Эшик қўнғироғини чаларкан, Шона ичида бу лавозим ҳали банд бўлиб улгурмаган бўлишини чин дилдан ўтинди.

Эшикни хизматкор очди.

- Илтимос, лорд Чилвортга етказсангиз, мен бу ерга герцогиня Грешемнинг тавсиясига биноан келдим.

Эшик оғаси тиржайди:

- Марҳамат қилинг, мадам. Зоти олийлари ҳозиргина нонуштани тугатдилар.

- Вой, Худойим, жуда эрта келиб, безовта қилмадимми?

- Зоти олийлари ҳар доим жуда эрта уйғонадилар. Сизга маълум бўлса керак, улар яқинда мамлакатдан чиқиб кетадилар.

- Йўқ. Мен билмагандим. - Таажжуб билан жавоб берди Шона.

- Сизни ким деб айтай?

Ҳали ҳеч қачон Шонага бундай тез мулоҳаза қилиш зарурати бўлмаганди.

- Уинтерс, — ниҳоят жавоб берди қиз. — Миссис Уинтерс.

- Яхши, миссис Уинтерс, ишонаманки, маркиз зоти олиялари томонидан тавсия қилинган хонимни мамнунлик билан кутиб оладилар.

Шона уйга кирди, Эффи унинг ортидан кираркан, худди ҳозир уларнинг устидан қизиқ турган мойни қуйиб юборишаётгандай, атрофга эҳтиёткорлик билан назар солди.

Қизлар хизматкор ортидан узун йўлак бўйлаб бориб, камтарона жиҳозланган меҳмонхонага кирдилар.

- Маъзур тутгайсизлар, шу ерда кутиб турсангиз, - сўради хизматкор.

У эшикни ортидан ёпгач, Шона камин тепасига илинган кўзгу ёнига борди, у “ролга киришганига” яна бир бор амин бўлмоқчи эди. Унинг кўриниши ўзи истаган даражада қониқарли эди.

Пенсне (кўзойнак) унинг чиройли кўзларини буткул яширганди. Жиддий қиёфага мос турмакланган сочлари бошига ёпишиб турарди.

- Балки, ўз фамилиянгизга ўхшамайдиганини танлаш керакмиди? – шивирлади Эффи. – Уэнтерс Уэнтертонга жуда ҳам ўхшаш.

- Айнан шунинг учун ҳам шу фамилияни танладим. – деди Шона овозини кўтармасдан. – агар мени ўзи билан чет элга олиб кетадиган бўлса, мен Уэнтертон фамилияси қайд этилган паспортни кўрсатишимга тўғри келади. Агар у фамилиямдаги номувофиқликка эътибор қилиб қолса, мен унга, шунчаки, унга шундай эшитилганини, аслида фамилиямни Уэнтертон деб таништирганимни айтаман.

- О, мисс, сиз жуда оқиласиз.

Шона ховотир билан чуқур нафас олди.

- Бу жуда ҳам ақлли қарор эмас, лекин ўша тобда калламга бошқа ҳеч нарса келмади.

Хизматкор келгунича анча вақт ўтди.

- Зоти олийлари сизни қабул қилишга тайёрлар, - эълон қилди у кириб келгач. Шона дивандан турди.

- Марҳаматлари учун миннатдорман. – жавоб берди у.

- Марҳамат, менинг ортимдан юрсангиз.

Хонадан чиқаверишда Шона Эффи билан кўз уриштириб олди ва секин бармоқларини сиқиб қўйди.

- Ҳузурингизга миссис Уинтерс ташриф буюрдилар, милорд, - деди хизматкор қизга олдинга юришга ишора қиларкан.

Шона бутун уйдаги каби зулмат босган кутубхонага кирди. Маркиз дераза ёнида уни бутун гавдаси билан тўсганча, пастдаги бокқа қараб турарди. У ўгирилганда, қуёш унинг ортидан кўринди. Шу лаҳзаларда Шонага худди кўкдан тушиб келгандай, унинг елкаси аралаш боши нур таратиб турган халқа ичида кўринди.

Шона ҳаёлидан турли васвасаларни чиқариб ташлаб, эс-ҳушини йиғиб олди ва англадики, маркиз даҳақиқат бошқаларга ўхшамасди: олти футдан кам бўлмаган баланд бўйли, хушқомат, чиройли юзли эркак эди. Унинг тим ва жилвакор кўзлари Шонанинг вужудини тешиб ўтгандай бўлди.

Унинг ёшини аниқ айтиш мушкул эди. У ўттиз ёшдан кам эмас эди, шунингдек қирққа ҳам кирмаганди. Унинг сочлари Эффи таърифлаганидек оқ-кумуш эмас, тўқ каштан рангли эди. Унга қараганда энг аввал кўзга ташланадигани - унинг аллақандай хорғин ва маҳзунлиги бўлиб, ёшнинг бунга алоқаси йўқ эди.

Хорғин ва маҳзун. Ҳа, айнан шундай эди.

Шона Эффининг сўзлаб берган воқеани эслади. У севган ва юрагига қадалган ўк туфайли ҳалок бўлган аёл ҳақидаги воқеани. Уни ана шу аёл билан боғлиқ хотиралар қийнаётган бўлса ажаб эмас эди.

- Тушунишимча, сизни бу ерга герцог Грешемнинг беваси жўнатди, шундайми?- аниқлик киритди у.

- Ҳа, - тасдиқлади Шона. – Унинг маълум қилишича, сиз бир неча тилни биладиган одамни излаётган экансиз. Мен француз, испан, итальян ва грек тилларида бемалол сўзлаша оламан.

Маркиз кулимсиради.

- Бу жуда таҳсинга сазовор. Фақат герцогиня каби ўта оқила аёлгина бундай иқтидор эгасини топа билади.

- Эҳтимол бу сизни таажжублантириши мумкиндир. Мен француз ва грек тилларида яхши сўзлашаман, аммо қолган икки тилда ўқий ва ёза ҳам биламан.

Маркиз унга диққат билан назар солди. Сўнг ишора билан уни ўтиришга таклиф қилди. Шона диванга ўтирди ва англадики, бу ерда қуёш яққол унинг юзларига тушаркан.

Маркиз эса ёруғлик тушмайдиган ва ғира-шира кўринадиган бир четга бориб ўтирди. Бу ердан у кизни бемалол кўра билар, ўзи эса қизнинг назарига ноаниқ шарпа бўлиб тушарди, холос.

- Сиз бу тилларни қаердан биласиз?- сўради у. Унинг йўғон овози ғор тубидан чиқадигандай жаранглади.

- Мен жуда кўп саёҳатга борганман. – жавоб берди Шона.

- Турмуш ўртоғингиз биланми?

- Ҳа, - деди у тутилиб қолмаслик учун имкон қадар ишонарли сўзлаш учун. – Саёҳат уни жуда қизиқтирарди ва биз у билан жуда кўп ерларда бўлганмиз.

- Агар сизни синаб кўрсам, ранжиб қолмайсизми? – қизиқсинди маркиз.

- Йўқ, албатта. Сизнинг талабларингизга жавоб бериш-бермаслигимни синаб кўрмай туриб ишга қабул қиласиз, деб ўйламаганман.

- Балки мен билан испан тилида гаплашарсиз?

- Бу тилни унча ёқтирмайман, - испанча жавоб берди Шона. – Испан тилида ёзиш ва ўқишни билсам-да, бу сўзлар менга жуда беўхшов туюлади. Кўриб турганингиздек, бу тилда сўзлаша ҳам оламан.

- Боз устига, жуда яхши гаплашаркансиз, - деди аминлик билан маркиз. У ҳам секин ва ишончсизлик билан бўлса-да, испанча гапирди.

Сўнг эса маркиз тўлиқ ифода эта олмаса-да, итальян тилига ўтишди.

- Энди эса, айтингчи(итальян тилида, албатта), ҳозир Римда қандай об-ҳаво бўлиши мумкин?

Шона отаси билан саёҳатда бўлган Рим ҳақида ҳикоя қила кетди.

Сўзларидан унинг нафақат Рим ҳақида жуда яхши билиши, балки итальян тилида бениқсон сўзлашишини англаш мумкин эди.

- Ҳайратдаман! – хитоб қилди маркиз, Шона ҳикоясини тугатгач.

Қиз таваккал қилишга қарор қилди.

- Қаердан билдингиз?- сўради Шона. – Ахир мени базўр тушундингизку?

Маркиз надомат руҳида чуқур нафас олди.

- Бу жуда сезилдими? Агар сиз сал секинроқ сўзлаганингизда, эхтимол сизни яхшироқ тушунган бўлардим. Энди англагандирсиз, нима учун менга ёрдам кераклигини. Бошқа тилларда сўзлаш қобилиятингизни синаб кўришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

- Агар лозим бўлса, қолган тилларда ҳам сиз билан бажони-дил сўзлашган бўлардим. – деди ишонч билан Шона.

- Сиз грек тилини ҳам биламан, дедингиз. Айтингчи, қадимийсиними ёки замонавийсини?

- Ҳар иккаласини ҳам. Синаб кўрасизми?

- Нега? Ахир сизни барибир тушунмайман.

Кутилмаганда маркиз Шонанинг ёнидаги курсига келиб ўтирди ва қизга диққат билан тикилди.

- Менга ўзингиз ҳақида гапирсангиз, - сўради у. – Мистер Уэнтерс ҳозир қаерда?

- У энди бу оламда йўқ. – деди Шона вазминлик билан.

- Болаларингиз борми?

- Йўқ.

- Ёшингиз нечада?

Кўйлаги этаклари орасига титроқ бармоқларини яшириб, Шона жавоб берди:

- Ўттиз бир ёш.

- Турмушга қачон чиққандингиз ва қачондан бери бевасиз?

Шонани иккиланиш титроққа сола бошлади. Албатта, у ўзига саволлар берилишини кутганди, аммо савол бундай аниқ қўйилишини ўйламаганди. Шона бу одамни бу қадар сурбетлик билан алдашни хохламаганди, аммо, ўгай отасидан қочиш учун бундан бошқа иложи қолмаганди.

- Бизнинг никоҳимиз ўн йил давом этди. Турмуш ўртоғим уч йил олдин қазо қилди.

- Демак, сиз жуда барвақт эрга теккан экансиз-да.

- Мен ўн саккиз ёшда эдим.

- Эрингиз қанақа одам эди?

- У ҳақиқий жентльмен, жуда маърифатли инсон эди, - жавоб берди у аслида ўз отасини назарда тутиб ва таърифлаб. – У ўз билимларини улашишни ёқтирарди, шунинг учун ўзи билган нарсаларни менга ҳам ўргатишга ҳаракат қиларди.

- Сиз буни кадрлармидингиз?

- Албатта, - жавоб берди у хотирлаганча. – У ажойиб устоз эди, ҳамма нарса ҳақида фавкулудда кизиқ қилиб сўзлаб берарди. У мен учун янги қирраларни очди, атроф-оламнинг барча гўзалликларини кўрсатди. Тарихий ёдгорликларни кўргани борганимизда у менга ҳозир харобага айланган жойларда қачонлардир яшаб ўтган одамлар тўғрисида сўзлаб берарди. Қадимги рим ва грек худолари ҳамда испан муסיқашунослари ва француз ошхонаси ҳақида ана шундан биламан.

Шона юзига нурли табассум қўнганини ўзи ҳам сезмай қолди, чунки у ҳозир ўзи хаддан ортиқ яхши кўрган отаси ҳақида сўзлаётганди.

- Бу жуда ҳам ажойиб эди, - деди у нафислик билан. – Мен ҳеч қачон ҳаётим ўзгариб кетади, деб ўйламагандим. Аммо, бу ерда...

- У қандай вафот этди? – ҳамдардлик билан сўради маркиз.

- Юрак хуружидан икки соат ўтиб, у ўлди... Мен у билан аранг видолашиб улгурдим. Менинг ҳаётимдаги ҳамма ёруғлик, ҳамма яхшилик бирдан йўқолди. Мен ҳалигача уни қўмсайман.

Шона ҳикоясини тугатгач, ўртага бир дам сукут чўкди. Ниҳоят у ердан нигоҳларини кўтарди ва кўрди-ки, маркиз унга ошқора таажжуб билан қараб турарди.

- Сиз уни жуда ҳам севган бўлишингиз керак, – ниҳоят тилга кирди маркиз.

- Ҳа, жуда ҳам.

-Ҳар ҳолда... Одобсизлигим учун маъзур тутгайсиз, аммо сизнинг ҳикоянгиздан хулоса қилинадиган бўлса, у сиздан анча ёш катта бўлган кўринади.

- Бизнинг ёшимизда фарқ бор эди. – қувватлади Шона. - Аммо бунинг заррача аҳамияти бўлмаган. Нима эди?

- Йўқ-йўқ, ҳеч нарса, - шошиб жавоб берди маркиз.

- Менимча, бир неча савол бериш учун энди менинг навбатим келди. – деди Шона. – Менинг вазифам нимадан иборат бўлади? Тил билишнинг сизга нима зарурати бор? Сиз чет элликлар билан тез-тез ёзишиб турасиз чоғи?

- Гоҳида ҳақиқатан ҳам ёзишиб тураман, шунингдек, тез-тез саёҳатга ҳам чиқаман. Ҳозир мен роман ёзиш ҳақида ўйлаб қолдим. У менинг чет эллардаги саёҳатларим таассуротларига асосланади, ва мен бу мамлакатларга қайтишга кўпроқ манба тўплаш учун отланияпман.

- Хизматкорингизнинг айтишича, сиз имкон қадар тез жўнаб кетаркансиз? – деди Шона. – Аммо у аниқ вақтини айтмади.

- Чунки аниқ вақтини мен ўзим ҳам билмасдим. Ҳаммаси муносиб котибни топишимга боғлиқ эди. Энди эса, ўйлайманки, мен жуда ҳам муносиб котибни топдим. Миссис Уинтерс, менга бунчалик омад кулиб боққанига ишонгим келмаяпти.

Сўнг кутилмаган қатъият билан маркиз сўради:

- Сиз зудлик билан Англиядан жўнаб кета оласизми?

Шона нафасини ичига ютди.

- Ҳозироқми ёки ҳеч йўқса эртагами?

- Ҳар ҳолда ҳозироқ эмас, – кулди маркиз. – Аммо, керакли одамни топганимдан сўнг сафарни кечиктиришдан мантқиқ йўқ. Мен эрта тонгда йўлга чиқсак, деб ўйлайман. Бу сизга тўғри келадими?

- Гап бўлиши мумкин эмас. – кўтаринкилик билан жавоб берди у, кўнглида ниҳоят унинг илтижолари қабул бўлгани ҳақида ўйлар экан.

- Аммо, битта нозик томони бор, - истар-истамас тан олди маркиз . – Менимча гап нима ҳақда эканлигини тушунсангиз керак.

- Йўқ, тушунмадим. Мени ўзингизга тўғри келмайди, деб ҳисоблайсизми?

- Сиздан муносибини топиш қийин. Лекин тан олишга мажбурманки, мен котиб вазифасига аёл кишини оламан, деб ўйламагандим. Биз бирга саёҳат қиламиз, бирга яшаймиз. Ҳар хил гап-сўз чиқиши мумкин...

- Аммо биз ҳеч қаерда бу гап-сўзлар бизга етиб келадиган даражада узоқ ушланиб қолмаймиз. – таъкидлади Шона.

- Ҳақсиз. Лекин ўзингизга бирор бир ҳамроҳ олсангиз яхшироқ бўлармиди?

- Милорд, мен можаролардан қўрқмайман. Сиз ҳам қўркишингизнинг хожати йўқ. Мен ёш эмасман, шунингдек гўзал ҳам. Демак, биз билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди.

Маркиз енгил кулимсираб, лабини буриб қўйди.

- Жуда соз.

- Агар шу қадар ишончингиз комил бўлса, таваккал қилишимиз мумкин. Сиз зудлик билан жўнаб кетишимиз учун эрталаб барвақт кела оласизми?

- Мен ҳатто бу ерга ҳозироқ қайтишим мумкин. Уйга бориб, юкларимни оламан ва сизга маъкул бўлса, биз эрталаб тонг отмасданок йўлга чиқишимиз мумкин.

- Сиз ҳеч нарсани унутмадингизми, миссис Уинтерс?

- Унутмадимми? Йўқ, нима эди?

- Сиз қанча ҳақ тўлашим ҳақида сўрамадингиз. Мен бу жиддий аҳамиятга эга, деб ўйлагандим.

Мана бу чинакам омадсизлик эди! Шона бундай вазифалар учун одамлар қанча ҳақ тўлашлари мумкин эканлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас эди.

- Келинг, яхшиси буни кейинроқ муҳокама қиламиз. - Атайин ўзини бепарво кўрсатди у. – Тўғриси айтганда, бу масалада сизга тамоман ишониш мумкин, деб ҳисоблайман.

- Ҳа, албатта, сиз мен илгари ишга ёллаган одамларимга умуман ўхшамайсиз.- Жилмайди маркиз. – Ишончингизни оқлашга ва сизга етарлича ҳақ тўлашга ваъда бераман.

Маркиз кўнғироқ тугмасини босди ва хонага хизматкор кирди: меҳмонни кузатиб кўйиш унинг вазифаси эди.

Эшик олдида Шона хайрлашиш учун ўгирилди, аммо маркиз орқа ўгирган, коронғулик унинг шарпасини беркитиб турарди.

Бекасини кўриб енгил нафас олган Эффнинг кўлтиғидан олганча, Шона ўкдек учиб чиқиб кетди ва дарҳол извош тўхтатди.

- Нима бўлди, мисс? У дарҳақиқат монстр эканми? – йўлга тушишгач, нафасини ростлаб сўради Эффи.

- Умуман йўқ, - жилмайди Шона. – У ёввойисифат эмас. Лекин, шубҳасиз, аломат одам. Мен ҳеч қачон унга бир қисми ҳам ўхшайдиган одамни учратмаганман. Энди эса, полковник йўлимизни тўсмаслиги учун зудлик билан уйга бориб нарсаларимизни йиғиштиришимиз ва у ердан кетишимиз лозим.

- Қаёққа отланяпсиз?

- Мен маркизнинг маконига қайтаман.

Эффи хайрат ила қараб қолди.

- Сиз у билан бирга яшайсизми?!

- Йўқ, яшамайман. – шошиб жавоб берди Шона. - Мен бугун уникида тунайман, эрта тонгда эса биз мамлакатдан чиқиб кетамиз.

Сўнг, қошларини чимирганча, Шона кўшиб кўйди.

- Сен ҳақингда ҳам ўйлаш керак. Сен у ерда қолиб полковникнинг ғазабига дучор бўлмаслигинг учун сенга бирор бошпана топиш лозим. Қулоқ сол, агар сенга бир оз пул берсам, Жиммиларникига вақтинча кўчиб ўта оласанми?

- Албатта, мисс!

Уйга кела солиб, қизлар ўзларини Шонанинг хонасига уришди. Уларни биров сезмади ҳам.

- Кийимларингни еч, - Шона шошилганидан ўзини кўярга жой топмасди. – Менинг кийим жавонимдан ўзингга ёққан ҳамма нарсани олишинг мумкин. Биз сен билан кийимларимизни алмашамиз.

Бир неча дақиқада қизлар иккита катта жомадон тахлашди.

- Тез кўчага чиқ ва извош ёлла, - буюрди Шона. - Мен бир неча сонияда тушаман.

Энди энг кийин масала қолганди. Шона ҳаяжонланиш мумкин бўлмаган онасига ҳеч нарса демасдан, шунчаки, бирдан йўқолиб қолиш мумкин эмаслигини тушунарди.

У ўтириб хат ёзди:

“ Азиз онажон! Мен бир қанча муддатга кетишга қарор қилдим. Мен шунчаки, бу ерда қолиб, қандай қилиб бўлса ҳам мени эрга беришни истаётган полковникнинг жоҳилликларига тоқат қила олмайман.

Мендан хавотир олманг, илтимос. Мен боришим мумкин бўлган дўстларим жуда ҳам кўп. Уларникида навбатма-навбат меҳмон бўлсам керак. Макферсонлар мени бир неча бор таклиф қилишганди, ва ўйлайманки, ташрифим уларни қувонтиради.”

Макферсонлар Шотландияда яшашарди. Ўзи жануб тарафга кетаётган бир пайтда, Шона ўгай отасига тўғридан-тўғри айтмаса-да, унинг шимол тарафга боришига шаъма қилганди. Хат қуйидаги сўзлар билан якунланди:

“Яқин кунларда мен сизга хат ёза олмайман. Азиз онажон, сизни яхши кўраман, Шона.”

Қиз хатжилдни муҳраб хизматкорни чақирди ва унга ушбуни Хелен хоним уйғонгач беришни буюрди.

- Энди эса, менга жомадонларимни олиб тушишга ёрдам беринг. Айрим буюмларимни хайрия сифатида бериб юбормоқчиман. Бундай буюмлар кўпайиб қолган экан.

Хизматкор юкларни олиб тушиб улгурар-улгурмас, извош ёллаган Эффи қайтиб келди. Хизматкор жомадонларни извошга жойлашга кўмаклашар экан, унга бекасининг ҳам ўтирганини кўриб, ҳайратда қолди.

- Ахир, мисс... Шахсий каретангиз борку?

- Улгурмайман, - деди Шона. –Яхши қолинг.

Қаердадир, боши узра деразанинг ғичирлаб очилган овози эшитилди ва Шона извошдан ўғринча назар солди. Ўгай отаси май исканжасидан эндигина чиққан хира ва сузилган кўзлари билан унга қараб турарди, нима бўлаётганини англагач, бир лаҳза уйғонгандек бўлди.

- Тўхта! – қичқирди у.

- Тезроқ ҳайдасангиз-чи! – буюрди Шона извошчига. – Мени бу ердан тезроқ олиб кетинг!

Извошчи отларга қамчи босди ва кейинги дақиқада извош бурчакда кўздан паналади.

- Янада тезроқ! - хитоб қилди Шона.

- Хўп бўлади, мисс, - жавоб берди ишвошчи ва аямай тезликни оширди.

Улар полковникдан борган сари узоқлашиб боришар, Шонанинг юраги кўксида гупириб урарди. Қиз ўгай отасининг кийина солиб, пастга отилиши ва уларни кувишга тушишига шубҳаси йўқ эди.

- Қаёққа ҳайдай? – шошиб бораркан, бақириб сўради извошчи.

Шона унга маркизнинг манзилини айтди ва Эффига юзланди.

- Мен тушгач, у сени Жимминикига олиб бориб қўяди. Мана бу пулни ол. Биринчидан, извошчига тўлайсан, иккинчидан бу сенга менинг тўёнам.

- О мисс! - Эффи бекасининг бўйнидан нафисгина кучди.

Шона ҳам уни қучаркан, қўнглидан унинг шахсий муаммолари осонликча ҳал бўлмаслиги тўғрисида аччиқ ўй ўтди...

Нихоят улар маркиз уйи олдида тўхташди. Эшик очилиб, Шонани қарши олиш учун икки хизматкор чиққач, Шона ўзини енгил ҳис этди. Улар извошдан юкни олишлари билан Эффи извошчига янги манзилни айтди. Қизлар яна бир бор қучоқлашиб хайрлашдилар-да, извош тезлик билан елиб, кўздан йўқолди.

Оқсоч меҳмонни қарши оларкан, уй соҳиби қисқа муддатга чиқиб кетганини айтди ва қизни унинг учун ҳозирланган хонага бошлади. Бу бежамдор катта крават қўйилган ва дабдабали санъат асарлари билан безатилган ётоқхона эди. Аммо Шона бу ҳашамларга эътибор бермади. У ҳозир хавотир ичида ўзини қўярга жой топмас, Худодан битта нарсани, тезроқ Лондондан чиқиб кетиш лаҳзалари яқинлашишини сўрарди.

Бир неча соат ўтса-да, маркиз ҳамон қайтмади. Оқсоч унга пастда, ошхонада кечки овқат тайёрланганини маълум қилди.

Шона пастга тушди ва хонасига тезроқ қайтиш ҳаёли билан ёлғиз ўзи шошиб тановул қилди. У қаҳвасини ичиб бўларкан, холлда қўнғироқ овози эшитилди. Қиз маркиз қайтган бўлиши керак, деб ўйлади ва янги иш берувчиси билан саломлашиш учун стулдан турди.

Аммо, кирган эркак киши маркиз эмас эди, бироқ унинг маркизга ўхшаш томонлари дарров кўзга ташланарди. Кўринишидан йигирмадан ошмаган бу йигитча худди маркиз каби тик қоматли ва кўркам юзли эди.

Фақат бесўнақай оғиз чизиғи унинг ҳуснига путур етказиб турарди.

- Хайрли кеч, мадам, - деди у Шонанинг ташқи кўринишидан келиб чиқиб. - Таништиришга рухсат этинг: каминангиз Лайонел Хилтон, Чилвортнинг жияниман. Сизнинг исмингиз нима?

- Мен миссис Уинтерсман. Зоти олийлари мени шахсий котиб этиб ишга олдилар,- босиқлик билан жавоб берди Шона, кетишга ҳозирланаркан.

- Наҳотки! Эй Худо, буни қандай тушуниш лозим!

Лайонел нотаниш аёлдан кўз узмай, стулни суриб ўтирди.

- Менимча, сиз котибга ўхшамасиз, - деди у.

- Зоти олийларининг ҳисоблашича эса, ўхшайман ва менга шунинг ўзи етарли. Яна гап нимада?

- Гап шундаки, бу лавозимга менинг ўзим даъвогар эдим. Бу сафарда унга менинг хамроҳлигим ўринлироқ бўларди.

У қизга умид билан тикилди ва Шона тушундики, Лайонел Хилтон қиз маркиз манфаати учун бу ишдан воз кечади, деб ҳисобламоқда эди. Бу эркатой йигитча кўринишича, уни рад этиш нима эканлигини ҳали билмас эди.

Шу билан бирга унинг ёимтойлигини инкор этиш ҳам мумкин эмас эди. Ундаги назокатли ва ишонувчан, беғубор болакай қиёфаси атрофидагиларни енгишга қодир эди.

- Сизни ранжитиб қўяётганимдан афсусданман. Лорд Чилворт ишга мени қабул қилди.

- Лекин сиз бошқа иш билан шуғулланишингиз мумкин. – таклиф этди у.

- Сиз ҳам.

- Аммо... Тан оламан, мен зўр ишчиман, деб айта олмайман.

- Унда сиз котиб сифатида амакингизга кўмаклаша олмасангиз керак, - деди Шона йигитчанинг бу сурбетлигидан таажжубланиб.

- Бу иш унчалик қийин эмас, деб ўйлайман. Эплаб кетишимга шубҳам йўқ.

- Сиз лорд Чилвортга ўз хизматингизни таклиф этганмисиз?

- Ҳа.

- У нима деб жавоб берганди?

- У тилла берса ҳам рози бўлмаслигини айтди, - тан олди Лайонел. - Лекин мен у билан кетишни жуда ҳам хоҳлагандим!

Шона кулди ва испан тилида давом этди.

- Заррача шубҳам йўқ! Лекин сизга йўл бўшатомайман. Умидингизни синдиришга мажбурман.

- Бу сиз томонингиздан ноҳақлик, - эътироз билдирди йигит.

- Сиз мени тушунмадингизми?

- Бирорта сўзни ҳам.

- У ҳолда сиз лорд Чилвортга сафар хотираларини йиғишда қандай ёрдам бермоқчисиз?

- Сафар хотиралари – бу сафсата! – хитоб қилди Лайонел. - Аслида у... бутунлай бошқа масалалар билан шуғулланмоқчи.

- Зоти олийларининг менга маълум қилишича, у китоб ёзмоқчи, - қатъият билан эътироз билдирди Шона. - Менда унга ишонмаслик учун ҳеч қандай асос йўқ.

- Сизлар азалдан танишмисизлар?

- Биз бугун кундузи танишдик.

- Демак, у сизга ҳақиқий мақсадини аён этишига етарлича вақт ўтмаган. Аммо ишончим комилки, унинг ўзи ҳам аниқ режасини билмайди.

Бу ўспирин овозидаги аллақандай сезилмас, мавҳум оҳанг Шонанинг кўнглига ғулғула солди, аммо бу ваҳима сабабини қиз аниқ билолмади.

- Нимани назарда тутяпсиз? – сўради Шона. - Сизнинг сўзларингизча, у қандайдир мудҳиш ишни амалга ошириш ниятида, шундайми?

- Бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Билмайман. Гап шундаки, буни ўзи ҳам билмайдиган кўринади. Эҳтимол, охирги дақиқаларда билиб қолиши мумкин, қачонки... Умуман, бу узун ҳикоя.

- Албатта, - деди Шона, бу суҳбат энди унинг кулгусини қистатаётган эди. – Бу узок ҳикоя ва бу ҳақда сиз яхшилаб ўйлаб олишингиз лозим.

Афтидан йигитча буткул мағлуб бўлганди.

- Тушунишимча, сиз менга ишонмаяпсиз, - ғазаблана бошлади у.

- Наҳотки? Бу гапни қаердан олдингиз? – кулди қиз бутун кўринишида ишончсизликни намоён қилганча.

- Нима ҳам дердим, - нафас ростлади йигит. – Менга ишонмаслигингиз мумкин.

- Ҳа, ишонмайман. Менимча бу чалкашликларни фақат бир мақсадда: мени кўрқитиб, ўз ўрнимни сизга бўшатиб беришим учун келтириб чиқаряпсиз. Аммо, бекорга вақт йўқотяпсиз. Энди эса, рухсатингиз билан, мен кириб ётмоқчиман.

Учинчи бўлим.

- Ўтинаман, кетманг! – ялинди Лайонел.– Мен билан бир пас ўтиринг. Ёлғиз қолишни ёмон кўраман.

У сервантдан бокал олиб, Шона учун қолдирилган винодан қуйди. Сўнг мафтункор жилмайиш билан хоним шарафига қадаҳ кўтаришни таклиф этди.

Шона ҳам унга жавобан жилмайди. Албатта, ўспирин мафтункор йигит эди, аммо Шона унга битта қадаҳ билан таслим бўлмоқчи эмас эди. Боз устига, унинг назарида ўспирин меъеридан ортиқ ичиб қўйганди.

- Менинг вақтим бўлди, - деди у ўрнидан тураркан.

- Кетманг, илтимос, - яна зорланди Лайонел унинг йўлини тўсиб. – Қолинг, мен билан бирга бўлинг!

- Рахмат, йўқ. Мен чарчадим, дам олмоқчиман. Зоти олийлари кун чиқмасдан йўлга чиқмоқчи эди.

- Эҳтимол сизни яна бир бор ўйлаб кўришга кўндира оларман?

- Эҳтимол. Лекин бунга ишонч кам. Илтимос, мени қўйиб юборинг.

- Биласизми, - давом этди у қизнинг сўзларига кулоқ ҳам солмай. – Агар мана бу кўзойнакни ҳисобга олмаганда, сиз анча чиройли кўринасиз. Мен сизга кўзойнаксиз назар солмоқчи эдим...

У қизга қўл узатди. Шона ўзини четга олмоқчи бўлди, аммо Лайонел жуда чакқон чикди: бир ҳаракат билан Шонанинг кўзойнагини ечиб олди ва унинг юзларига тикилди.

- Қўйворинг мени! – бақириб юборди қиз титроқ билан.

- Сиз ҳазиллашяпсиз, тўғрими! - қўполлик қилди йигит.

- Агар сиз мени ҳозироқ қўйиб юбормасангиз, нима ҳазилу, нима йўқлигини сизга тушунтириб қўяман! Кўзларингиз бир ҳафтадан зиёд ёшланиб юришига ваъда бераман!

Бу Шона томонидан қилинган катта хато эди. Лайонелнинг юзлари ажойиб меҳмондўстлик таклиф этилган ёш боланики сингари ярақлаб кетди.

- О-ҳо! Мен сизнинг чақирғингизни қабул қиламан! Қизик, ким ғолиб бўларкин?

Лайонел бир силтов билан қизни ўзига тортиб олди, бу қўполликдан кўра эркаликка яқин эди, фақат у кучини тўғри йўналтира олмади.

- Биттагина бўса! – ўтинди ўспирин қизнинг лабларига лабини босмоқчи бўлиб.

Ўзини ғазабдан йўқотиб қўйган Шона ундан юзини ўгирганча, жон-жаҳди билан қаршилик қилди. Олишув шахди билан у очилган эшик овози ва ғазабланган эркакнинг қойишини аранг илғади. Охирги дақиқаларда кимдир ундан Лайонелни итариб юборди. Шона маркиз тутакқанча жиянини девор томон силтаб улоқтирганини кўриш учун ўз вақтида ўзига келиб олди.

- Нима қияпсан, жин урсин сени!?! – бақирди маркиз. – Мен сени бу уйга кадамингни ҳам босма, деб огоҳлантирган эдимку!

- Мен сиз билан гаплашиб олгани келдим. – деди нафас ростлаб Лайонел. - Сизга ноҳақ эканингизни кўрсатмоқчи эдим. Сиз билан мен боришим керак!

- Мен сенга бир неча бор айтдим, Лайонел: сен фақат мен учун ошиқча даҳмаза бўлишинг мумкин. Сен тил билмайсан. Агар аҳмоқона гуруҳбозлик қилмай, мактабда ўқишга жиддий эътибор берганингда эди...

- Эй Худо! Яна ҳаммасини бошдан бошланг! Менга ўша “ахроқона гуруҳлар” ёқади. Бундай одамлар билан вақтим хуш ўтади.

- Сен мастсан!

- Ҳеч ҳам. Фақат бир озгина...

- Бу ерга бостириб кириб, хонимни ҳақорат қилишга қандай журъат қилдинг!

У Шона томон ўгирилди.

- Унинг учун узримни ...

Маркиз ажабланиб қотиб қолди ва яшин тезлигида кўзини олиб қочди.

Дахшат ичида, Шона бирдан тушуниб қолди: олишув пайтида унинг турмаги ечилиб кетган ва сочлари елкасида шалоладек товланиб, ёйилиб турганди. Унинг жиддий кўринишидан асар ҳам қолмаган, у кўрсатмоқчи бўлган ночор кимса йўқ эди.

Маркиз юзидаги ҳайратни кўриб, Шона саросимада ва яшин тезлигида фикрлай бошлади.

- Умид қиламанки, бу машашада зоти олийлари мени айбламайдилар, - деди у шошиб, имкон қадар кибр билан гапиришга ҳаракат қилиб. – Мен тарбиясиз ёшларга тоқат қила олмайман.

- Сиз мени тарбиясиз, деб айтолмайсиз, - деди Лайонел ранжиб. – “ҳурмат-эътиборга эга” мартабасини олганман.

- Тўлиқ ишонч билан айтаманки, сиз бу мартабадан жуда ҳам узоқсиз. Менга ҳали ҳурмат-эътибордан паст одамлар билан учрамаган эди.

- Мен буни назарда тутмагандим...

- Мен биламан, нимани назарда тутганингизни, - унинг гапини бўлди Шона. – Қандай бемаънилик: “Ҳурмат-эътиборга эга” одамга мурожаат қилсангу, у ўзини энг тўпори ва маданиятсиз одамдай тутса.

“Ҳурмат-эътиборли” Лайонелга бу баҳсни тугатиш учун топқирлик етишмади.

- Бу ишда мартабамнинг нима алоқаси бор? - минғирлади у. – Агар одамга “муҳтарам” деб мурожаат қилинса, у ҳар доим ўзини шундай тутиши керак, дегани эмас-ку. Ҳар ҳолда... Англияда шундай қабул қилинган.

- Демак, Англияда хулқ-атворнинг янги нормаларини ишлаб чиқиш вақти келибди, - совуққина эътироз қилди Шона.

Лайонел ошқора ҳайрат ила кўзлари чақчайиб кетди:

- Ахир сиз... инқилоб қилмоқчисиз! – овозини кўтарди у.

- Мен соғлом мантикқа амал қиялман. Биласизми, яна сизга нима дейишим мумкин: агар тизим сиз каби олифта ва манфур кимсаларни яратётган бўлса, бу тизимни тугатишнинг ҳозир айна пайти!

- Сиз радикал одамсиз. Жамиятда тўнтаришни амалга оширишни истайсиз.

- Йўқ, яхши йигит, мен буни мутлақо истамайман. Аммо сиз каби одамлардан воз кечилса, айна муддао бўлган бўларди.

- Ҳа, сўнг эса қироличани ҳам ўрни билан кўпориб ташлашни истаб қоларсиз! – луқма ташлади Лайонел.

- Бемаънилик! Бу нима учун менга керак? Сизнинг эркатойлигингиз учун қиролича айбдор эмас.

- Мадам, қиролича унга тутинган она бўлади. – сўз қўшди бу жанжални индамай томоша қилиб турган маркиз. Сўнг илова қилди. – Улар учрашишганда қиролича уни ҳаддан зиёд эркалайди. Ва маълум маънода унинг учун ўзини жавобгар, деб билади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Виндзор саройида кўпоровчилик қилиш шарт эмас. Нима деб ўйлайсиз, менимча, уни бу ердан улоқтиришнинг ўзи етарли.

- Ажойиб ғоя, - қувватлади маркизни Шона. Кейинги бир неча дақиқа маркизнинг ғоясини амалга ошириш ва Лайонелнинг қаршилигини енгишга сарфланди. Нотенг олишув кутилгандек хотима топди: кириш эшиги ниҳоятда ғазабланган жияннинг орқасидан ёпилди.

Шона эса бу вақтни кўзгу ёнига келиб, турмагини тўғрилашга сарфлади. Маркиз жиянини чиқариб юбориб қайтганда Шона кўзгуга бокиб турмагини тўғрилаётганди. У ойнадан унга бокиб турган эркак нигоҳини ўқиркан, юраги тўхтаб қолай деди. У маркиз томон ўгирилар экан, бор кучини тўплаб, ўзига хотиржам тус беришга ҳаракат қилди.

- Миссис Уинтерс, менинг хонадонимда сизга нисбатан қилинган кўпол муносабат учун узр сўрайман, - сўз бошлади маркиз.

- Ҳечқиси йўқ, эътибор қилманг, милорд...

- Бу қўлимдан келмайди, деб қўрқаман. Шубҳасиз, сиз ўзингизни кўрсатишни истагандан анчагина ёшсиз. Мен, албатта, тушунаман, сиз билан...

- Менга бу иш жуда ҳам керак!- тушкунлик оҳангида деди Шона.

- Албатта. Аммо сиз тушунмоғингиз керак, биз сиз билан бирга сафарга чиқа олмаймиз. Агар сиз ўзингиз билан бирга бирор ҳамроҳ дугона олмасангиз, мен сиздан воз кечишга мажбурман.

- Н...нима?!

- Мен ҳамроҳ иштирокисиз бундай жозибали қиз билан сафарга чиқолмайман.

- Ахир мен гўзал эмасман! - деди у шошиб пенсенесини бурнига қўндираар экан. – Кўрдингизми, энди мен анча катта кўринаман.

- Бу фикрингизга қўшилолмаман.

Шонани тушкунлик исканжасига олди: унинг кўз олдида бор умиди эриб бораётганди.

Энди у қаёққа боради? Уйга қайтиб, яна ўгай отасининг чангалига тушадими? Бундан ўлим маъқулроқ эди унга.

- Лорд Чилворт, илтимос, мени ҳайдаманг, - ўтинди Шона. - Мен уйдан... кетганман. Менинг у ерга қайтишим мумкин эмас.

- Жудаям афсусдаман. – Мен илгаригидек, сиз билан ҳамкорлик қилишни истайман, аммо сиз мен билан бирга кета олмайсиз.

Шона бутунлай умидсизликка тушди. У энди саросимада эди.

- Балки, унда... сизнинг бирорта оқсочларингиздан бири...

- Бу йўл тўғри келмайди, деб қўрқаман. Сизга ҳақиқий ҳамроҳ бўлиши учун хоним сизнинг табақангиздаги одам бўлиши лозим. Бир оғиз сўз билан кўздан йўқолишга ҳозир бўлган оқсоч қўйилаётган мақсадда вазифасини амалга оширолмайди. Албатта, сиз бугун бу ерда тунаб қолишингиз мумкин, аммо эрталаб...

Унинг хайрихоҳ овозида қатъият ҳукмрон эди. Шона ўзининг ноумид ҳолатини дахшат ичида идрок этди.

Уларнинг сўзини эшиқ қўнғироғи овози бузди.

- Агар бу яна Лайонел бўлса!.. – ҳаяжон билан хитоб қилди маркиз эшик томон олиб борадиган йўлак томон юраркан.

Шона у билан изма-из борди ва хизматкор эшикни очаркан, хўнграганча ўзини ичкарига урган ёш хонимдан ўзини четга олгани устидан чиқди.

- Эффи! – қувониб кетди у.

Эффи хўрсиниб йиғлаганча ўзини Шонанинг кучоғига отди.

- Нима бўлди, азизам! – сўради Шона. – Сен Жимминикига кетгандинг-ку. У уйда йўқ эканми?

- О, йўқ, у уйда эди – ярамас жохил, ношукур, бадгумон виждонсиз...

У яна бир неча фурсат ҳақоратли сўзларни қалаштириб ташлади. Шона ҳамма сўзни ҳам тушунмади, аммо англадики, Жимми уни кечириб бўлмас даражада хафа қилган.

- Сиз билан қолишимга рухсат беринг, мени ҳайдаманг, ўтинаман! – ялина бошлади Эффи.

- Сиз бу хонимни биласизми? - сўради маркиз уларни четдан кузатиб тураркан.

- Ҳа, у... – Шона Эффи унинг хизматкори эканини айтишга оғиз жуфтлаган бир вақтда бирдан миясига келган фикрдан ёришиб кетди. – У менинг яқин дугонам. Яқингача биз у билан бир хонадонда яшаганмиз ва опа-сингилдай бўлиб кетганмиз.

- У ҳолда, ўйлайманки, масала ечилди. – деди маркиз.

“Нахотки бу рост бўлса”, - ҳаёлидан ўтди Шонанинг. Унинг илтижолари кўкка етган, ва у кутилмаган тарзда иноят қилганди.

- Бизга бир неча сония ёлғиз қолишга рухсат берсангиз, - деди Шона Эффини ошхона томон етакларкан.

Эшикни эчкаридан маҳкам ёпаркан, Шона Эффини диванга ўтқизди ва бир бокал вино қуйиб берди.

- Нима бўлди? – сўради у.

- Бу Жимми, энг ярамас, энг жирканч...

- Бу ҳақда айтдинг, - деди сабрсизлик билан Шона. – Лекин у айнан нима қилди?

- Ҳамма гап сиз менга берган кийимда, мисс. У кўйлақларни кўриб, бундай бежамдор кийимларни қаердан олганимни сўрай бошлади.

- Ахир у илгари ҳам сени менинг кийимларимда кўрганди-ку?

- Лекин бунчалик қимматбаҳо эмасди! Бу мовий ранг оқшом кўйлаги... Унинг кўзи косасидан чиқиб кетай, деди. Унинг айтишича, бу кўйлақни менга севгилим совға қилганмиш. Яъни, бир қанча қизлар билан юрадиган ва уларга қимматбаҳо кийимлар совға қиладиган эркак...

Қиз чуқур хўрсинди.

- У мени хиёнатда айблади, - унинг кўз ёшлари юзини юва бошлади.

- О, Эффи, жуда афсусдаман! Мен бу иш бундай оқибатга боради, деб ҳеч ҳам ўйламагандим.

- Мен энди нима қиламан, мисс?

- Мен билан қоласан ва биз бирга чет эл сафарига кетамиз.

- Нима?

- Менга ҳамроҳ керак, акс ҳолда лорд Чилворт мени ўзи билан олиб кетмайди. Лекин унинг айтишича, ҳамроҳим хизматкор бўлмаслиги керак. Ҳамроҳ дугонам жамиятда мен билан тенг табақадан бўлиши лозим.

Эффи кўзларини ҳайрат билан катта- катта очиб турарди.

- Шу боис сен менга мисс, деб мурожаат қилмаслигинг керак. – шошиб давом этди Шона. – менинг номим миссис Уэнтерс, сеники эса... Сенинг фамилиянг Жейкс, тўғрими? Демак, сен мисс Жейкссан. Биз бир-биримизга сен дея мурожаат этишимиз мумкин.

- Мен бундай қилолмайман, мисс, - ҳаяжон билан шивирлади Эффи.
- Агар сен менга ёрдам бермасанг, мен адо бўламан, - деди қатъий овоз билан Шона.
- Яхши, мисс... Мадам...
- Шона, - сўзини бўлди у.

Эффи истар-истамас бош силтади.

- Жуда соз. Паспортинг ёнингдами? – сўради Шона, Эффининг ҳамроҳлигида ўтган ҳамма саёхатлари учун шукрона қилиб.

- Ҳа. Мен нарсаларимни йиғиштираётим, у ерга қайтмаслигимни билгандим.

- Энди эса юр. Сени маркиз билан таништираман.

Маркиз кутубхонада эди. Шона унга хизматкор руҳиятидаги, аммо ҳали ҳам Шонанинг кўйлагида ҳақиқий хоним бўлиб кўриниб турган “дугона”сини таништирди.

Эффи жуда ҳаяжонланар, аммо маркизга энг қисқа кўринишда жавоб қайтаришга фаҳми етганди. Эффининг улар билан кетишга тайёр эканини билган маркиз, афтидан воқеанинг бундай тус олганидан мамнун эди.

- Эффи менинг хонамда ухлаши мумкин. – деди Шона. – Менимча энди ухлашга ётсак бўлади. Чунки эртага барвақт уйғонишга тўғри келади.

Катта краватда дарҳақиқат Эффи учун жой етарли эди, шунингдек, Шона Эффининг ёнида бўлишини ва унинг кўркувларини ўзи билан юқорига олиб чиқишни истаганди. Бундан ташқари унинг дугонасига айтиб бериши лозим бўлган гаплар ҳам кўп эди. Суҳбат якунида бугунги оғир кун ҳолдан тойдирган қизларни мудроқ боса бошлади.

Эртаси куни Шона истаганидек барвақт бўлмасада, эрталаб йўлга чиқишди. Маркизнинг каретаси уларни роппа-роса саккизда уй остонасидан олиб, Ватерлоо вокзали томон елиб кетди. У ерда улар Дуврга кетувчи поездга ўтирдилар. Поезд ўрнидан жилгач, Шона ниҳоят енгил нафас олди ва ҳозиргача унинг изига тушишмагани учун Худога шукрона келтирди.

- Мен кеча тушдан сўнг капитанга телеграмма жўнатдим ва сузиб кетишга ҳамма нарсани тайёрлаб қўйишини буюрдим, - деди маркиз поезд купесида қизлар билан бирга ўтирганда. – Биз тезлик билан саёхатга чиқиб кета оламиз.

Сўзлаш, афтидан унинг учун жуда қийин эди. У жуда кам гапирган бўлса-да, юзи рангсиз ва беҳол эди. Тун бўйи ухламаган каби кўз ости солқиб турарди.

Эффи йўлакка чиққанда Шона маркиз билан ёлғиз қолди.

- Сизнинг яхтангиз каттами? – қизиқди Шона. Чунки нимадир дейиш керак эди.

- Тан олишим керак, у яхта эмас, пароход. Энг сўнгги моделдаги мотор ўрнатилган ва барча қулайликларга эга бўлган пароход.

- Сиз йўналишимизни белгилаб олдингизми?

-Даставвал биз Калага сузамиз, аммо у ерда узоқ қолмаймиз. Мен бир жойга йўл олишни режалаштирганман...

- Буни китобингизга тушириш учунми? – сўради Шона.

Бир муддат сукутдан сўнг маркиз жавоб берди:

- Йўқ, бу жой ҳақида менинг китобимда ёзилмайди. Мен... бошқа мақсадим бор...

Шонанинг шундоқ бурни тагида эшик қаттиқ тарақлагандай бўлди. У беихтиёр Лайонелнинг сўзларини эслади ва ўйлаб қолди: улар ҳақиқатдан узоқмиди ўзи?

Аммо калтабин болакайга ишонишнинг ўзи бемаънилик эди. Бундан ташқари унинг бу ҳақда маркиздан сўрашга ҳаққи йўқ эди.

Бир неча дақиқа ўтиб, маркиз унинг фикрини ўқигандай, деди:

- Сиз шу қадар одоб сақлаясизми ёки менинг қандай мақсадни амалга оширишим қизиқ эмасми?

Шона кулди.

- Мен ўзимни қандай лозим бўлса, шундай тутдим, – жавоб берди у. – Бошқача айтганда, сиз мендан қандай муносабатни кутгандингиз? Турган гапки, менинг меъеридан ортиқ қизикувчанлигим ўринсиз бўлади, аммо ёнингда нотаниш одам бўлганда бунга амал қилиш жуда қийин.

Маркиз кулди.

- Сиз жуда зўр ифода этдингиз. Айнан шу сўзларни сиздан кутгандим. – деди у. – Тўғриси, бу таажжубланарли: сиз мен билан ишлаган одамларнинг ҳеч бирига ўхшамайсиз. Сиз мен қачонлардир учратган ҳамма одамдан фарқ қиласиз.

- Билмайман, улардан қай даражада фарқ қиламан, - деди Шона. – аммо мен ҳаётдан бир сабоқни ўзлаштирганман: Ҳар бир кунда худди бу сўнггисидай яшаш лозим. Ҳар бир дақиқада. Режалар тузиш – бу куруқ дабдаба. Ахир биз тақдир бизга қандай кутилмаган совға тайёрлаб қўйганини билмаймиз.

Маркиз ундан кўзини узмади.

- Ҳа, - деди у қиска қилиб. – Бу сабоқни мен ҳам ўзлаштирганман.

Кутилмаганда унинг юзи янада рангсизланиб кетди. Унда мудҳиш руҳий азоб акс этаётганди. Шона маркиз билан танишганда ҳаёлига келган сўзларни эслади. Энди у янада ҳорғин кўринарди.

- Сиз, афтидан, ҳаётдан кўп нарсани англаб улгургансиз, - деди маркиз.

- Мен фақат бир нарсани биламан, ҳар қандай мураккаб вазиятдан чиқишнинг иккита йўли бор, - деди Шона. – Ё сукут, ё қочиш.

Маркиз кулди.

- Майлими, ҳозир қайси йўлни танлашни маъқул кўрганингизни топишга ҳаракат қилсам? – сўради у.

- Майли, агар шу сизга керак бўлса, - жавоб берди Шона.

- Менимча сиз қочяпсиз, - деди маркиз. – Билмадим, нега менга бундай туюляпти, аммо сиз менга жудаям керак бўлган пайтда пайдо бўлганингиз ғалати ҳолат эмасми?

Шона индамади. У ўз мулоҳазасини баён этишда жуда эҳтиёткор бўлиши лозимлигини биларди.

- Энг ажабланарлиси, - давом этди маркиз. – ҳаммасини муҳокама қилиб, ҳеч ким билан хайрлашмай Лондондан кетишга тайёр бўлганингиз.

Маркиз сўзини давом эттиришдан олдин қисқа сукут қилди.

- Агар сиз ўзингиз кўринишни истагандан кўра анча ёш эканингизни ҳисобга олсак, сиз билан жон-дилдан хайрлашадиган одамлар кам бўлмаса керак.

Яна ўртага сукут тушди. Сўнг Шона тан олди:

- Ҳа, мен ростдан ҳам қочяпман. Сизга сиз билан чет элга кетадиган одам кераклигини эшитгач, менинг муаммом ҳам кутилмаган тарзда ечилишини ҳис этдим.

Маркиз қизга қизиқсиниб қаради.

- Муаммонгиз нимада эканлигини менга айта оласизми?

Шона бош чайқади.

- Қачондир бу воқеани сизга айтиб бераман. Аммо ҳозир эмас.

- Сиз ҳақсиз. Биз эндигина танишдик. Лекин менинг назаримда, муносабатларимиз давом этади.

Шонанинг юраги титраб кетди. Ажаб, бу одам унинг кўнглидан ўтган туйғуларни сўз билан таърифлаган эди. Унга ҳам яқин ўртада улар ўртасидаги бегоналик йўқоладигандай туюлаётганди.

- Эҳтимол, ўшанда менга сўзлаб берарсиз, - қўшиб қўйди маркиз.

- Балки айтмасман, - деди Шона ясама бепарволик билан. – Биз бир-биримизга жуда кўп савол беришимиз ўринсиз, деб ўйлайман, милорд.

- Сиз яна ҳақсиз. Биз иккимиз ҳам синалмаган ҳудудга қадам қўяпмиз ва бунга иккимизнинг ҳам ўз сабабларимиз бор. Сиз ўзингизникини, мен эса ўзимникини сир тутишим лозим.

Бир оз жим тургач, у сўзини давом эттирди.

- Аммо, бир кун барибир ҳар иккимиз ҳам ўз фикр ва туйғуларимизни ошкор этиб кўямиз. Биз саёҳатга отланиб, Англиянинг ордда қолиши завқли, эҳтимол ҳатто хатарли ҳамдир... Бу сафар муваффақият билан тугамаслиги ҳам мумкин.

- У албатта муваффақият билан тугайди! – деди ҳаяжон билан Шона.

- Сиз бу ҳақда шундай ҳиссиёт билан гапиряпсиз-ки... Сиз учун бу ишимиз муваффақияти жуда ҳам муҳимми?

- Ҳа, жуда ҳам муҳим, - деди шавқ билан қиз. – Биз Анлия қирғоқларидан сузиб кетарканмиз, барча қийинчиликлар, кўнгилсизликлар ва биз жавоб беришни истамаган саволлар ордда қолади. Сиз ўз яширин мақсадингиз сари талпинасиз, мен эса ўзимники сари. Мен сизга мураккаб саволлар бермайман ва сиздан ҳам шуни кутаман. Фақат бир нарсани айтишим мумкин: Мен хатардан қочиб кетаяпман, яна бир нимани изляяпман... Менимча, сиз ҳам.

Маркиз қизга диққат билан разм солди ва кескин сўради:

- Товба, буларнинг бари қаердан сизга маълум?

Шона шошиб қолди ва хижолат бўлгандай минғирлади:

- Ҳалиги... мен сизнинг китобингизни назарда тутгандим. Ахир сиз китобингизга мос мавзу изляяпсиз-ку.

- Сиз бошқа нарсаларни ҳам назарда тутдингиз. Сизга қаердан маълум менинг...

- Менга ҳеч нарса маълум эмас. – шошиб жавоб қайтарди Шона. – Мен умумий маънода гапирдим.

Маркизнинг кўзларидан унинг ишонмагани кўришиб турарди. Шундай бўлса-да, Шонанинг бахтига у бу мавзунини тўхтатишни маъқул кўрди.

Шона уни бу мавзуда гапиришга нима мажбур қилгани ҳақида ўйлаб қолди. Лайонелнинг гапига у эътибор қилмаганди. Аммо у бу мавзу ҳақида ўйлашдан ўзини тия олмади. Ўша гаплар энди унга тинчлик бермаётганди.

“Гап шундаки, буни ўзи ҳам билмайдиган кўринади. Эҳтимол, охириги дақиқаларда билиб қолиши мумкин, қачонки...”

Лайонел нима демокчи бўлди? Бу маркизнинг юзига бир сония соя солиб ўтган хавотир билан боғлиқмиди? Шона гапни бурмаганда жавобни билган бўлармиди...

Ёлланган извош Дувр вокзалидан маркиз яхтаси якориға бир зумда етказди. Шона бесабрлик билан унинг дарчасидан денгизга завқ билан тикилди.

- Қуёш нурида денгиз қандай гўзал товланмоқда!

- Сизга денгиз ёқадими? – сўради маркиз. – Сиз денгиз ҳақида кўп нарса биласизми?

- Менга денгиз ҳамиша ёққан! – деди қиз ҳаяжон билан. – Биринчи марта отам билан денгизда саёҳатга чиққанимда беш ёшда эдим.

У бахтли хотиралар камровида енгил хўрсиниб кўйди.

- Эсимда, ўшанда шунақанги завқлангандим-ки! Биз тушган кема бошқаларига ўхшамас, менинг назаримда у ҳақиқий мўъжиза эди! У менга дунёни кўрсатган, ўзи ҳам худди кўкдан тушгандай эди.

- Умид қиламанки, менинг яхтам ҳам сизни хайратга сола билади, - деди маркиз. – сафарга чиққанимда ҳамма қулайликлар бўлишини назарда тутиб, уни мен ўзим лойиҳалаштирганман.

- Бу энг муҳими, - кўшилди унга Шона.

Кўп ўтмай улар кеманинг ўзини кўриб чиқишди. У дарҳақиқат чиройли, сўнгги техник ютуқлар билан жиҳозланган, ҳамма қулайликларга эга эди.

Капитаннинг кўрсатмасига биноан улар учун ҳамма нарса ҳозирланган эди. Юокларга палубага олиб чиқишиб, Шона ва Эффини битта каютага жойлаштиришди.

Каюта катта ва ораста, иккита тор, аммо қулай крават ўрнатилган эди. Жомадонини жойлаштираар экан, Шонани ҳали ҳам ички хавотир тарк этмаган, у бу ердан тезроқ жўнаб, ўзини бутунлай хавфсизликда ҳис этишни кутарди.

Ниҳоят у кутган вақт келди. Палубадан денгизчиларнинг бақирик овозлари, занжирларнинг жаранги ва хуштак овози эшитилди ҳамда кема якордан ажради.

Чайқалишни ҳис этиб, тўлқинлар шовуллашини эшитгандан сўнггина Шона энди унинг ҳамма муаммолари Англияда қолганини-ю, буёғи Ла-манш бўйлаб бехавотир сафар бўлишини англаб етди.

“Энди мен эркинман”, - ўйлади у.

Ҳаддан ортиқ ҳаяжон қизни каютада ўтиришга кўймади, у палубага кўтарилди. У ерда тутқични тутиб, кема куйруғи ортида оппоқ кўпиклар ичра қолаётган Дуврга қаради.

- Нима ҳақда ўйлаяпсиз, - тўсатдан эшитилди ортидаги овоз. Шона ўгирилди – ортида маркиз турганди. Қиз боқиб турган манзарага шу қадар мафтун эдики, маркиз ёнига қачон келганини ҳам сезмай қолганди.

- Мен энди эркин эканлигим ҳақида ўйлаяпман. Бу мен бошдан кечирган энг мўъжизавий саёҳат бўлади.

- Ажойиб. Мен кемани лойиҳалаштираётим, унинг бортида одамлар айнан ана шундай ҳиссиётни туйишларни мақсад қилгандим. Кемасозлик корхонасидагилар мени ақлдан озган деб ўйлашди ва бунинг имконияти йўқлигига ишонтиришга ҳаракат қилишди.

- Сиз эса, албатта ўз фикрингизда туриб олган бўлсангиз керак. – деди Шона. - Менимча, ҳар галгидек.

- Ҳар доим ҳам эмас. – деди маркиз тўсатдан ғамгинлашиб. – Одам ҳар қанча бадавлат ва ҳар нарсага қодир бўлмасин, дуч келган пайтда бешавқат тақдирнинг қўлида ёрдамга мухтож бўлиб қоларкан. Унинг енгилмас эканлигига бўлган ишончи бирдан хомхаёлга айланар экан.

Шона ундан кўз олмай, деди:

- Сизни тушунмадим.

- Аҳамият берманг, - деди маркиз. – ошкора қийинчилик билан аввалги ҳолатига қайтаркан. – Буни тушунишингиз шарт эмас.

Аммо Шона бўш келмади, уни қандайдир куч махв этганди.

- Агар сизни тушунишни ўрганмасам, сизга қандай ёрдам бера олишим мумкин?

- Вақти келганда сизга ўзим ҳақимда сўзлаб бераман, аммо айрим нарсалар сир бўлиб қолиши керак, - деди маркиз паст овозда. – Фақат сиз учун эмас, ҳамма учун.

У қизнинг пешонаси ўртасига уйилган чизикқа қараб кескин деди:

- Менга бундай қараманг!

- Мен... мен сизни тушунмаяпман, - деди Шона. – Бундай деганингиз қандай?

- Менинг қалбимни кўриб тургандайсиз, - деди секин ва қатъий.

- Маъзур тутасиз, - деди қиз гапни буриб. – Мен одобсизлик қилмоқчи эмасдим.

- Айрим дамлар бўладики, ўша пайтда менга савол бермаганингиз маъқул, - деди маркиз гап оҳангини ўзгартирмай. – Баъзи нарсаларни сўрашни сизга таъқиқлайман. Яқин кунларда айнан нимани сўрамаслик лозимлигини билиб оласиз. Ва ҳеч қачон, ҳеч қачон мени ғазаблантирадиган иш қилманг! Мен буни кўтаролмайман.

Шона унга ҳайрат билан қараб қолди. У нимани кўтаролмайди – ички нафратиними?

Аслида, бу саволнинг жавоби Шонага қисман маълум эди. Бу эркакка яқин тураркан, унда қандай кучли руҳий кечинмалар кечаётганини ҳис этди. Бу кечинмалар қудратли, эҳтимол бир оз тажовузкор бўлиб, эгасини адо қилиши мумкин эди.

- Узр сўрайман, - деди Шона келишув оҳангида унинг елкасини ушлаб.

Кейинги айтган сўзлари қизнинг ўзини ҳам ҳайрон қолдирди, аммо бу сўзлар юракдан эди:

- Ишонинг, ҳеч қачон дилингизни оғритмайман.

Маркиз қизнинг қўлини кафтига олганда унинг кўзларида хотиржамлик акс этди.

- Мен сизга ишонаман, - деди у. – Билмайман, нега. Сиз билан яқингинада танишган бўлсак-да, кўнглимда нимадир сизга ишониш мумкинлигини айтяпти.

Уларнинг бармоқлари қовушди ва Шонанинг бутун вужудига енгил титроқ киргандай бўлди. Маркизнинг қўлларида асабий бир кучни ҳис этиш мумкин эди. Бу қўллар ҳақиқий аслзодаларникига, ундан ҳам кўра кўпроқ рассомларникига ўхшарди – бармоқлари ингичка ва узун, айни дамда нафис эди. Аммо маркизда аслзодаликка ҳам, тарбия маданиятига ҳам тааллуқли бўлмаган яна нимадир бор эди. Майин овоз ва ташқи кўркамлиқ ортида ёввойи ва йиртқичларга хос қаҳри қаттиқ ва хавфли одам яширин эди.

Маркиз Шонанинг қўлини қўйиб юборди ва ҳозирги ғалати хиссиётлар ҳам бирдан йўқолди. Эҳтимол унга шунчаки шундай туюлгандир... Лекин энди у биларди: ана шу қисқа онларда унга аён бўлган нарсалар хаёлот эмас эди. Ҳозир қизнинг қаршисида ҳеч кимга кўнглини ёриб чиқаролмайдиган ғамгин сирлари билан ғамгин одам турарди.

Аввалига Шона шунчаки Европа бўйлаб саёҳатга кетяпман, деб ўйлаганди. Энди у номаълум ерга оёқ қўйганини тушунди.

Тўртинчи бўлим.

- Сизга яхтанинг қолган қисмини ҳам таништиришга рухсат этинг, - таклиф қилди маркиз Шонага дилкашлик билан.

Улар биргаликда пастга тушишди. Шона у ерда маркизнинг гапига кўра келгусида ишлашга мўлжалланган қулай салонни кўриб хайрон бўлмади. Бу бир неча китоб жовонлари бўлган кенг хона эди. Иллюминатор ёнига Шона ўзининг иш ўрни бўлиши мумкин, деб ўйлаган стол қўйилганди.

Маркиз худди қиз овоз чиқариб бергандай, унинг хаёлидан ўтган саволга жавоб берди:

- Бу ер сиз учун. Айнан шу ерда менинг оғзимдан чиққан сўзларни донолик билан қайд этиб борасиз. Бизнинг биргаликдаги изланишларимиз вақтида қайд этилган ёзувларни мана шу ерда таҳлил қиласиз.

- Ёзув машинкаси ҳам бор экан! – деди Шона завқ билан ҳаяжонини яширмай. – Мен бу ажойиб аппарат ҳақида эшитгандим, аммо илгари уни кўрмаганман.

Ёзув машинкаси америкада ишлаб чиқарилган бўлиб, бутун дунёни қойил қолдириб, катта шов-шувга сабаб бўлганди. Сал ўтиб, шундай машинкалар Англияда ҳам пайдо бўлди.

- Менга буни америкалик дўстим совға қилган, - аниқлик киритди маркиз. – Унинг айтишича, бу охириги модель бўлиб, тўғри фабриканинг ўзидан олинган экан.

- Ёзувларни машинка ёрдамида амалга ошириш менга анча осонлик туғдиради, - деди Шона. – Мен қачонлардир ўрганган пианинода чалиш техникаси каби, бунда ҳам ёзишни осонлик билан ўрганиб олишга ишончим комил.

Машинка тараккиётдан узоқ ва шовқин билан ишларди. Шундай бўлса-да, техниканинг бундай мўъжизасига дуч келган Шона ҳарйтда эди. У ўзини гўё келажак билан юзма-юз келгандай ҳис этаётгандай эди.

- Сиз йўналишимизни белгилаб олдингизми? – сўради қиз стол ёнига ўтириб, сурилма кутиларни кўраркан. – Янги шаҳарларга боришни мўлжаллаяпсизми ёки аввал бўлганларингизга қайтишними?

- Каледан бошлаймиз, - жавоб берди маркиз. – Мен у ерда илгари бўлганман. Бугун кечкурун кирғоққа етиб борамиз, бортда тунаймиз. Эртага эса... Яхшиси, эртанги кун хақида эртага ўйлаймиз.

- Албатта, бу Каледа бизни нима кутаётганига боғлиқ. – қувватлади Шона. – Ўйлаб кўрилса, темир йўлнинг пайдо бўлиши қанчадан-қанча одамларга саёхат қилиш имконини берди. Илгари одамлар қандай яшаган эканлар-а? Ахир улар дунё билан бемалол юзлаша олмаганлар. Ишончим комилки, бўлажак саёхатчилар сизнинг китобингизни фавқулудда қизиқиш билан ўқиб чиқадилар. Менимча, сиз кўпроқ амалиётни кўрсатишингиз, айниқса портлар ва вокзаллар билан боғлиқ қисмларига алоҳида эътибор беришингиз лозим. Чунки айрим саёхатчилар у ерларда биринчи бор бўлаётган бўлишлари мумкин.

Маркиз кулди.

- Сиз ажойиб ғоялар бермоқдасиз. Сизни топганим мен учун катта омад бўлди!

- Аниқроғи мен сизни топдим, - жилмайиб жавоб берди Шона. – Сизга мен каби одам кераклигини эшитганим, гўё менга Худонинг инояти бўлди. Мен нима қилиш лозим бўлса, шуни қилдим.

- Агар сиз шундай қарорга келган экансиз, демак сизнинг анча жиддий ва етарлича муаммоларингиз бор, - нохуш кайфиятда тахмин қилди маркиз.

- Ҳа, бу тўғри. Анча жиддий.

Қиз ҳозир маркиз сўровларни давом эттиради, деб ўйлади, аммо маркиз бир-икки оғиз сўз билан суҳбатга хулоса қилди:

- Каютага қайтишни истаётган бўлсангиз керак. Ҳадемай тушлик беришади. Мен сизни мисс Жейкс билан биргаликда сабрсизлик билан кутаман.

Эффи маркиз билан тушлик қилишга чўчиётганди албатта, аммо Шона уни эҳтиёткорлик билан кузатишга ваъда берди. Собиқ оқсочга унинг ташқи кўриниши ишонч бағишлади: у Шонанинг хаворанг шоҳона кўйлагида жуда башанг кўринарди.

Шона эса ўз образидан чиқмасликка ҳаракат қилди ва фақатгина ёқаси қиммат тошлар билан безатилган соддагина кул ранг кўйлак кийди. Сочларини таранг қилиб турмаклар, бурни устига пенсенсини кўндиргач, у ўйинни давом эттиришга тайёр эканлигини тушунди.

Аммо маркизнинг кийган башанг костюмини кўриб, Шона унга ачинди: маркиз ўзига оро беришни ҳам, ясанишни ҳам уздайлай олмасди. Бирдан унинг ҳаёлига қайтанга бу яхши эканлиги, иккаллари ҳам бир хил кўринишда бўлишларининг маъқул эканлиги келди. Қизик, агар Шона ўзининг ҳақиқий кўринишида бўлса, маркизни мафтун эта олган бўлармиди? Шонанинг ҳаёлига шу фикр ўрнашиб қолди, чунки бу саволнинг жавоби унинг учун ҳақиқатан муҳим эди.

Маркиз ва иккала қиз палубага кўтарилган пайтларида яхта Кале портига кириб келди. Улар яхта дастаги ёнида туриб матросларнинг одатий югур-югурларини кузатиб туришди.

- Менга йўлнинг бу қисми ҳамиша ёққан, - деди Шона. – Бизни бўлғуси саргузаштлар кутмоқда, олдимизда ўрганилмаган қирралар очилади ва ҳеч ким бунинг давомида нима бўлишини билмайди.

- Сиз турмуш ўртоғингиз билан жуда кўп портларда бўлган бўлишингиз керак. – деди маркиз. – У сизнинг хайратларингизга шерик бўлармиди?

- Ҳа, албатта, - жавоб берди Шона севимли отасини эсларкан. – Биз палубада бирга жуда кўп турганмиз ва у эътиборимдан четда қолмаслиги учун менинг диққатимни турли қизиқ нарсаларга жалб этарди. Унда ҳамиша мени лол қолдирадиган бирор янгилик бўларди.

Хотираларини сўзларкан, Шона гўё яна ўша бахтли дамларга қайтгандай бўлди ва кўзлари жилоланиб кетди. Аммо бу бахт чексиз соғинчга айланди: бу кунларни қайтаришнинг энди иложи йўқ эди.

Маркиз Шонани ажабсиниб кузатиб тураркан, унинг эри қандай ноёб инсонки, қиз хануз унга садоқатли ва қалбида соғинч билан яшайди, деб ўйларди.

Шона яна одатдаги жиддий қиёфасини тиклади, аммо маркиз қизнинг сочлари елкаси узра мавжланиб турган ўша онларни ҳамон унутолмаганди. Ўшанда унинг кўзида пенсне ҳам йўқ эди ва қизнинг ёшлиги ҳамда гўзаллигини ҳеч нарса яширолмаганди. Аммо Шона барибир биринчи имкониятданок ўзининг жозибасини яшириш учун фойдаланганди. У гўё бутун оламга: “Мен энди аёл эмасман, эркакларнинг эътибори мени қизиқтирмайди, чунки менинг севгим ўлган”, деяётгандай эди.

Маркиз буни жуда яхши тушунган, чунки унинг муҳаббати ҳам ўлган эди. Аммо шунга қарамасдан, маркизнинг ички овози бу аёл бутун умр ғамгин бева бўлиб қолиши учун жуда ҳам ёш эканлигини таъкидлаб турарди.

Сўнг эса у ўшандан бери ҳаётдан муҳаббат, ҳарорат ва умид йўқолган ўша мудҳиш кунни эслади. Ўша кундан бери роппа-роса ўн икки йил, тўрт ой, икки ҳафта, уч кун ўтди. Ўша кундан бошлаб унинг учун ҳаёт тугаган ва шу боис Шонанинг изтиробларини тушунарди.

Стюард келиб тушлик тайёр эканлигини билдирди ва маркиз иккала хонимни ошхона томон бошлади.

Кема ошхонасининг ички қисми нафис безатилишда қуруқликдаги энг яхши уйларниқидан қолишмасди. Официантлар вино келтиришди.

Эффи ўзининг одатий ҳаётида насиб қилиши даргумон бўлган стол безатилиши кўриб, хайратдан кўзлари чакнаб кетди. Шу тобда у бирор хатога йўл қўйиб, қовун тушириб қўйишдан чўчиб, игнанинг устида ўтиргандай ўтирарди.

Дугонасини бу ҳолатдан қутқариш учун Шона давра суҳбатини бошлаб берди: у муаллифнинг ўзини ҳам сўхбатга тортиш учун ёзилажак китоб ҳақида бетўхтов гапирарди.

Эффи ниҳоят яхта соҳибига савол бериш учун ўзини қўлга олди:

- Сиз илгари ҳам китоб ёзганмисиз? – сўради у майинлик билан.

- Мен ов ва отиш машқлари тўғрисида мақола ёзганман, - жавоб берди у. – Бу мақолаларни чоп эттирмаганман, лекин кўпчилик уларни мақташган, натижада ўзимга нисбатан ишонч пайдо бўлди. Шундан сўнг саёхатларим, мен борган вақтда ўзимни бахтиёр ҳис этган жойларим ҳақида китоб ёзишга қарор қилдим. Сизга ҳам саёхатлар ёқадими, мисс Жейкс?

- Ҳа, албатта, жуда ёқади, - жавоб берди Эффи киприк қоқмай. У Шонанинг оқсочи сифатида бекаси отаси билан саёхатга чиққан пайтлари кўп марта ҳамроҳлик қилганди.

- Қаерларда бўлгансиз?

Оқсочининг панд бериб қўйишидан чўчиб, Шона дарров суҳбатга қўшилди.

- Биз Эффи билан кўп йиллардан бери дугонамиз. У мен билан бирга тез-тез саёхатга чиқиб турарди.

- Шунингдек, сизнинг турмуш ўртоғингиз билан ҳам, тушунишимча, шундайми?

Эффи ўзини жар ёқасида тургандай ҳис этди ва асабийлаша бошлади.

Аммо шу дам ҳар қандай ҳаёлни тарқатиб юборувчи воқеа содир бўлди. Қаердандир, кеманинг бир бурчагидан бақирик овози эшитилди, сўнг эса иккинчиси, аммо кейинги овоз бошқа одамга тегишли эди.

Оёқларнинг дўпир-дўпири, сўнг эса кимнингдир хайвонга ўхшаб ўкириғи янгради.

- Қўйворинг мени!

Маркиз ўрнидан тураркан, юзлари ғазабдан бўғриқиб кетди.

- Қулоқларимга ишонмайман, - деди у секин. – Бундай бўлиши мумкин эмас.

Кейинги дақиқада эшик тарақлаб очилди ва ҳамма ўша томонга қаради: капитан қандайдир ёш йигит билан олишарди.

- Чиптасиз йўловчи, милорд, - деди у хансираб. – Уни ҳозиргина тутиб олдим...

- Ёқамдан қўлингни ол! – жеркиди чиптасиз йўловчи капитанни ўзидан силтаб.

- Қўйворинг уни, - жаҳл билан буюрди маркиз.

- У хавфли одам бўлиши мумкин! – деди ҳовлиқиб капитан.

- У ҳақиқатан ҳам хавфли, - деди маркиз нафратомуз. – Аммо афсуски, у менинг қариндошим бўлади. Лаънати Лайонел! Бу ерда нима қиляпсан?

Маркиз танимас даражада ўзгариб кетди: Овози дағаллашган, юзлари эса ғазабдан буришиб кетганди. У назокатли жентльмендан бир зумда ғазаб ва нафрат қамраб олган одамга айланганди. Шонанинг ишончи комил эди-ки, бошқа ҳеч нарса уни хонимлар олдида уришишга мажбур қилмаган бўларди.

“Хурмат-эйтиборга эга” Лайонел Хилтон ниҳоят капитаннинг кучли чангалидан ажраб чиқиб қаддини ростлади. Олишув уни бир мунча ҳолдан тойдирган, аммо ҳали ҳовури босилмаганди.

- Мен шунчаки, бортга сақраб чиқиб олдим, - тан олди Лайонел имкон қадар хотиржам гапиришга ҳаракат қилиб. – Бу ерда керак бўлиб қоларман, деб ўйладим.

- Қандай бемаънилик, - бақирди маркиз. – Мен бу саёхатда сени кўришни ҳам истамаслигимни етарлича аниқ тушунтирдим ва фикримни ўзгартирганим йўқ! Сенинг менга бўйсунмасликка ҳақинг йўқ. Агар шу йўл билан мени кўндирмоқчи бўлсанг, унда сен ҳали мен ҳақимда ҳеч нарса билмас экансан!

- Лекин кўп нарсада менинг ёрдамим тегиши мумкин.

- Масалан? – захархандалик билан қизиксинди маркиз. – Юнга ролидами? Сенинг фойданг йўқ. Мен билан йўлда давом этмайсан – биринчи кемадаёқ Англияга қайтасан.

- Менинг пулим йўқ.

- Сенинг қайтишинг учун мен тўлашга тайёрман! – аччиқланиб бақирди маркиз. – Энг муҳими, менинг кўзимдан узокроққа йўқол! Акс ҳолда сени бортдан улоқтириб юбораман.

- Сиз бундай қилмайсиз, - тиржайиб жавоб берди Лайонел. – Бир ўйлаб кўринг, қандай жанжал кўтарилиши мумкин. Нима бўлганда ҳам мен сизнинг қонуний меросхўрингизман.

- Ҳа, шундай ва Худонинг ўзи менга бу дардисарни олиб юришимда қувват берсин. Мен ўз сўзимда қоламан. Эртагаёқ Англияга қайтиб кетасан.

- Тўғриси айтсам, бу билан бир қанча муаммолар юзага келиши мумкин. Мен маълум бир вақт кўздан панада бўлишим лозим. Нима ҳақда гапирётганимни тушунган бўлсангиз керак.

- Англашимча, кимдандир қарз бўлиб қолгансан, шундайми? – ижирғаниб сўради маркиз.

У бармоқларини сочлари орасидан юргизаркан, тинчланишга ҳаракат қилди. Шона унинг ғазаби ҳали сўнмаганини, аммо ўзини тутишга ҳаракат қилаётганини ҳис этди.

“Нега энди? - тушунмади у.- Болаларча хархаша қилиб юрадиган бу ахлоқ болакайга нисбатан нега бунчалик ғазаб бор?”

- Бу ҳақда эртага яна гаплашамиз, - деди маркиз ҳорғин.

- Албатта, албатта. Мен унғача юкларимни “Нептун” каютасига олиб бораман.

- У ерга менинг котибам ҳамроҳи билан жойлашган. Дарвоқе, мисс Жейкс, мамнуният билан бўлмасада, сизга жияним муҳтарам Лайонел Хилтонни таништиришга ижозат этинг.

Лайонел бу вақтда Эффидан махлиёлик билан кўз узолмай турарди.

- Хизматларига тайёрман, мэм, - деди у қизнинг қўлидан тутганча енгил таъзим қилиб.

Бу муомала қизни хушнуд этди деб бўлмасди, у Эффиға унинг аслида ким эканини эслатди ва унинг уятдан ёноқлари қизариб кетди.

- Ўзингни тутиб юр, - кескин огоҳлантирди маркиз. - Бу хонимлар менинг ҳимоямда. Сен шу ерда эканингни билишганда уларнинг ҳеч бири бортга чиқишмаган бўларди. Албатта, бу ерга қайси йўл билан суқилиб кириб олганинг тўғрисида савол туғилади. – қўшимча қилди у капитанга норозилик билан нигоҳ ташлаб. - Кимдир ишида совуққонликка йўл қўйган.

Капитан ўзини оқлаш учун нимадир деб минғирлай бошлади, аммо маркиз унга сўзлашга йўл бермади.

- Аҳамиятсиз. Умид қиламанки, бу ерда сизнинг айбингиз йўқ. Бу йигит ҳақиқий судралиб юрувчи ярамас, ҳамма ерга суқилиб кириб кета олади. Унинг юқларини “Трезубец” каютасига олиб боришни таъминланг.

- Ахир у ер тор ва қоронғи! – рад этишга ҳаракат қилди Лайонел. – Нега энди мен “Нептун” каютасига жойлашмас эканман?

- Чунки, у ерни хонимлар эгаллаганини мен сенга айтдим.

- Улар бошқа каютага ўтишлари мумкин-ку.

- Улар ҳеч қаерга кўчиб ўтмайдилар! Лайонел, қатъий келишиб олайлик: Ё сен менга сўзсиз бўйсунасан, ёки мен сени бажонидил бортдан улоқтириб ташлайман. Энди эса, овозингни ўчир. Ўтир ва овқатлан, сендан сўз сўрамасалар, ҳеч нарса дема.

Лайонелнинг хонимларнинг кўнглини олиш учун қилган ҳаракатларига қарамай, бўлиб ўтган низоли воқеадан сўнг стол атрофидаги муҳит анча тундлашганди. Бу дунёда ҳеч нарса Шонанинг бу йигитчага бўлган муносабатини илитишга мажбур эта олмасди, аммо Лайонел куйиб-пишиб унинг ҳаракатларига юксак эътибор белгиси деб қараб, кўзлари яшнаб турган Эффида яхши таъсурот туғдиришга уринарди.

- Маъзур тутасизлар, вақт алламаҳал бўлди, биз ухлашга ётишимиз керак, - эълон қилди Шона ўрнидан тураётиб.

- Шунчалик барвақтми? – эътирозли қиёфада зорланди Лайонел. – Ўтинаман, кетманглар!

- Бас қил! – дўқ урди маркиз.

- Хайрли тун, жаноблар, - деди Шона Эффини ўзига эргаштириб.

Шона иккаласини бирга қолдираётиб, уларнинг нима ҳақда гаплашганларини эшитиш имконияти бўлганда жон деб йўл берган бўларди.

Шона жуда барвакт уйғонди. Эффи қотиб ухларди, у дугонасининг секин ўрнидан туриб чиқиб кетганини сезмади ҳам. Шона иллюминатор ойнаси орқали ёйилиб келаётган шафакни кузатди. Соат мили тўртни кўрсатарди. Ҳадемай уларнинг қирғоққа тушишлари уни шу даражада ҳаяжонга солгандики, қиз қайтиб ухлай олмади. Тунги кўйлаги устидан енгил халат кийди-да, секин йўлакка чиқди.

Маркиз каютаси ёнидан ўтаётди, уни безовта қилмаслик учун Шона қадамини янада оҳисталатди. Аммо эшик ичкарасидан келаётган қадам товуши уни тўхташга мажбур этди. Бир неча қадам олдинга, сўнг жимлик, яна қадамлар, сўнг яна жимлик... Бундай юришлар давом этди.

Шона тушундики, маркиз эзгин ва безовта, хонада тўхтовсиз у ёқдан бу ёққа бориб келмоқда эди.

Кутилмаганда у эшик ёнида тўхтади ва Шона тезгина бу ердан узоқлашди. Маркиз уни шахсий каютаси ёнида ўралашиб юрганини кўриш Шона учун умуман ортиқча эди.

Унинг йўлак бўйлаб оёқ учида секин юриб, палубага чиққанини бирорта тирик жон кўрмади. Шона яқин орада экипажнинг тунги соқчилари бўлиши мумкинлигини биларди, аммо шу тобда унинг кўзига ҳеч ким кўринмади. Шу боис у ҳузурланиб, тонгнинг қизариб кўтарилиб келишини томоша қила бошлади.

Унинг қаршисида сокин Кале ястаниб турарди. Шона бу шаҳарнинг бир неча соатдан сўнг қанчалик сершовқин ва беҳаловатга айланишини тасаввур қилди. Ҳатто ҳозир ҳам ғира-ширада бир-иккита шарпалар кўзга ташланмоқда эди.

Шона қанчалик ақл бовар қилмас ўйинга кириб қолгани тўғрисида бош қотирганча, тўсин ёнида узоқ вақт туриб қолди. Ҳамма нарсанинг мураккаб тус олгани ва унга маркиз каби одамнинг учрагани жудаям ғалатидек туюлаётганди унга.

Турган гапки, маркиз Эффининг ҳаяжонли тасавурида тасвирланган монстрга мутлақо ўхшамасди, аммо Шона ҳаёти давомида учратган барча эркаклардан у умуман фарқ қиларди. Маркизнинг чор-атрофи сир-асрор билан ўралган эди. У Шонага қараган вақтда, қиз маркизнинг нигоҳидан мантиққа зид бир хусусиятни кўрди: гоҳида бу кўзлар маркиз фақатгина у билан гаплаша оладиган нарсалар борлигини англади, қизни ишонч билан ўзига чорласа, зум ўтмай нигоҳлар уни ўзидан нарига итарар ва маркиз дағал сўзлай бошлар, бу билан қизнинг ўзига яқинлашишини ман этгандай бўларди.

Унинг ҳақиқий ҳис-туйғулари қайси ўзи, ўйлади Шона. Ва нима учун унинг туйғулари Шонани қизиқтириб қўйди?

У ўз саволларига жавоб беришга ожиз эди.

Тонг анча ёришиб қолди. Шона палубада бир соатдан ортиқ қолиб кетганини англаб қолди. Қайтиш керак эди.

У зинадан оҳиста туша бошлади. Маркиз каютаси ёнидан ўтаётди, қадамини секинлатди ва яна ўша таниш овозларни эшитди.

Маркиз бир соат олдингидай, ҳамон хона бўйлаб юрарди.

“ У анчадан бери ўз ҳаловатини топа олмаяпти, - ўйлади Шона. – қафасдаги ҳайвон каби ўз азоблари қуршовидан чиқиб кетиш учун ўзини ураётгандай, аммо, уринишлари беҳуда, чунки бу қафасдан ташқарига йўл йўқ!”

Эҳ, ҳозир шунчаки эшикни тақиллатиб, ичкарига киришнинг ва бунчалик бахтсизликнинг боисини сўрашнинг иложи бўлганда эди...

Аммо бундай қилиш мумкин эмаслигини у биларди. Ҳатто унинг сукут ичра иштироки ҳам унинг сирли ҳаётига бурнини суқиш бўлган бўларди, унинг ўзи эса маркиз учун чақирилмаган меҳмонга айланарди.

Шона секингина ўз каютаси томон кетди.

Анча енгил нонушта беришди. Лайонелнинг ҳар бир ҳаракати капитаннинг хушёр назорати остига олинган, қатъий кўрсатмага кўра унинг кемадан ташқарига чиқиши буткул таъқиқланган эди.

- Бугун эрталаб сизни ёлғиз қолдиришдан хижолатдаман, - деди маркиз Эффиға. – Бизнинг котибам билан қиладиган ишларимиз бор.

- Албатта, менинг ҳам бир-иккита тикадиган нарсаларим бор эди, - дарҳол жавоб кайтарди Эффи.

“Энди эса паспорт билан боғлиқ муаммони ечиш қолди, холос” – хавотирлана бошлади Шона.

Маркизни палубада учратиб, эркин оҳангда сўради:

- Сиз ўз котибангизга божхонадаги ишларни амалга ошириш учун паспортингизни бермайсизми? Ҳар ҳолда у французчада бошқалардан яхшироқ гапира олади.

- Ҳа, у французчада мендан кўра яхшироқ гапира олади, - кулди маркиз унга хужжатларини тутаётиб.

Аммо трапдан тушаётиб, қиз бирдан мувозанатини йўқотди ва полга йиқилиб тушди. Ҳар иккала паспорт ҳам тоштахта қопламаси устига тушди, маркизнинг яшин тезлигидаги реакциясигина уларни сувга тушиб кетишдан асраб қолди.

- Мени маъзур тутинг, - деди маркиз унга туришга кўмаклашаётиб, - мен аввал сизни ушлаб қолишим назокатлироқ бўлган бўлар эди...

- Назокатлироқ бўлган бўларди ва оқибати ҳам биз ўйлагандан анча жиддий яқунланарди, - деди Шона аччиқ истехзо аралаш. – Биз паспортсиз қолишимизга йўл қўёлмаймиз ахир.

Лат еган тиззасини силаркан, у қўшиб қўйди.

- Ўзим ҳам беўхшовман-да...

- Оёқ босаётган жойингизни кўрмай қолган бўлсангиз керак, деди маркиз унинг пеннесини оҳиста ечиб оларкан. – Мана шундай. Шунда яхшироқ бўлади.

- Ахир мен...

- Тан олинг, сиз пенснеда ёмонроқ кўрасиз. Бу сизнинг мен ўйлагандан кўра ўзингизни ёши каттароқ кўрсатиш учун топган театр томошаси холос.

Шона чорасиз бош силтади.

- Унда бу пенсени олиб ташланг, ва мен уни кўрмай! Акс холда, билмадим, мени қаергача олиб борасиз. Ташвишланманг. Мен сизни қочирим гаплар билан бошқа хижолат қилмайман.

Шона қизариб кетди.

- Мен ҳеч ҳам ўйламагандим... Мен ховотирлангандим... Лекин сиз ўйламанг...

- Мен билмайман, нимани ўйлашим лозим, аммо ишончим комилки, чамаси сиз менинг жентльменлик сифатларимга шубҳа билан қараяпсиз.

Шона юзлари тобора рангланиб бораётганини сезиб қолди.

- Сиз янглишяпсиз, милорд, - деди у шоша-пиша. – Мен сизга бутунлай ишонаман. Энди эса, ишга киришайлик, ахир вақт кутиб турмайди-ку!

Маркиз Шонани божхонагача кузатиб борди ва ўзи қиз божхона ходими билан гаплашаётган ва маркиз эшитмаслиги учун фамилиясини секин айтаётган пайтда бериюкда қолди. Унинг бахтига “мадемуазель Уинтертон” деб эътироф этилиши сезилмади. Кичик бино ёнида турган жандарм ҳужжатларни тезгина кўриб чикди-да, бош силтаб қўйди ва уларни Шонага қайтиб тутқазди.

- Энди қаерга йўл оламиз? – сўради қиз маркиздан.

- Мен бир кичик черковга бормоқчи эдим. – жавоб берди у кутилмаганда.

Маркиз Шонага манзил кўрсатилган бир парча қоғоз тутқазди. Шона Каленинг бир четидаги марказлаштирилмаган бу районни биларди.

Уларнинг ёнидан бўш экипаж ўтиб қолди. Шона уни тўхтатиб, извошчига манзилни кўрсатди. Аммо извошни рад кўринишида бош чайқади.

- Мен сизларни у ерга олиб бора олмайман. – деди у французчалаб. – Бундай жой йўқ.

- Йўқ, - эътироз билдирди Шона. – Бу жой бўлиши керак!

Извошчи яна бош чайқади.

- Бундай жой йўқ.

- У нима деяпти? – сўради маркиз.

- Бундай жой йўқ, деяпти, - деди Шона.

- У ё ёлгончи, ё галварс, - тўсатдан ғазаб билан хайқирди маркиз. – Мен биламан, бундай жой бор!

Шонанинг қалби туб-тубигача зириллаб кетди. Бундай айб саналмайдиган вазиятда унинг бу қадар ўзидан чиқиб кетишига нима мажбур қилди?

У яна извошчига юзланди:

- Соҳибим сиздан яна бир бор ўйлаб кўришни илтимос қиляпти. – деди у майинлик билан. – Бундай жой бор эканлигига унинг ишончи комил.

- Энди йўқ, - аниқлик киритди извошчи. – У ерда ёнғин бўлган ва қуруқ харобазор қолган холос.

Шона унинг сўзларини маркизга таржима қилди ва шу онда уни эшитаётиб, маркиз юзига ғам соя солди ва юзлари бужмайиб кетди.

- Унга айтинг, бизни барибир ўша ерга олиб борсин, - деди у.

Шона извошчига илтимос билан юзланди, аниқроғи, у ерга олиб боришни сўради.

- Ахир у ер шунчаки ёниб тугаган тошлардан иборат, - таажжубланди у.

Овозидан извошчининг рад этаётганини тушуниб, маркизнинг баягидан баттар жаҳли чиқди ва дарғазаб деди:

- Айтинг, маҳмадоналик қилмай, айтилган ишни бажарсин!

Шона унинг айтганини қилди. Извошчи “бу дунёда ақлдан озганлар ҳам кўп!” дегандай елка қисди ва маркиз котибаси билан извошга чиқишди.

Маркиз ёнида ўтириб, Шона сўрашга жазм этди:

- Милорд, бу ерда қандай мақсад бор? Ўқувчиларингизга энди йўқ бўлган черковга боришни тавсия этишнинг нима кераги бор? Яхшироқ бўлмасмиди, агар...

- Агар фикрингизга мухтож бўлиб қолсам, буни сизга айтаман, - кескин жавоб берди маркиз.

Шона бир нафас ўзини йўқотиб қўйди ва жим бўлди. Кейинги онда эса маркизнинг қўллари у томон чўзилганини ва бармоқларини қисганини ҳис этди.

- Мени кечиринг, - деди у ошкора пушаймон оҳангида. – Менинг сиз билан бундай оҳангда гаплашишга ҳаққим йўқ эди. Мен ҳар бир ишда сизга ишонмоғим керак, лекин ҳозир менга маслаҳатингиз керак эмас эди.

- Ҳечқиси йўқ, - деб қўйди қиз.

Маркиз қиз панжасини енгил қисиб қўйди, аммо бунда зўрма-зўракиликни ҳис этди ва қизнинг қўлини қўйиб юборди. Улар бир мунча муддат жим кетишди.

Нихоят атрофдаги табиат ўзгара бошлади, бинолар сийраклашиб борарди. Улар баланд дарахтлар оралаб тушган сўқмоқ бўйлаб қишлоққа кириб боришди.

- Ҳадемай етиб қолсак керак, - деди Шона.

Жавоб бўлмагач, Шона маркизга ўгирилди: оғир юк остида эзилган каби унинг боши ҳам эди. Дақиқа сайин қизнинг бир нарсага ишончи орта борди: маркиз бу ерга диққатга сазовор бўлгани учун келмаётганди. Балки уни бу ерга етаклаб келган нарса унинг ўтмишида содир бўлган ва инон-ихтиёрини олиб қўйган қандайдир тушунтириб бўлмас ходиса эди.

Бу қандай ходиса бўлишидан қатъий назар, бир нарса маълум эдики, уни ёдга олиш маркизнинг кўнглини беаёв оғриққа соларди. Енгиб бўлмайдиган оғриққа...

Ҳозир у тунги уйқусизликлардан юзларига ғам сояси чуқур ботган, азоб-уқубатларига юзма-юз борарди. Шона унга қўл узатишни ва таскин беришни жуда истар, аммо ундаги ички бир ҳиссиёт бу одам тасалли топа олмайдиган эканлигини айтиб турарди.

Бешинчи бўлим.

Ниҳоят экипаж тўхтади.

- Етиб келдик, - хабар берди извошчи.

Маркиз жим эди, Шона унинг қўлидан тутди. Маркиз уйқудан уйғонгандай бўлди.

Улар извошдан тушдилар ва черков харобалари оралаб секин юра бошладилар.

Шона амин бўлдики, бу бино илгари унча катта бўлмаса-да, жуда чиройли бўлган. Ҳозир ундан қорайиб кетган қолдиқлар қолганди холос. Фақат битта деворгина бутун сақланиб қолганди.

Келганлар учун ўриндиқлар қаерда жойлашганини фарқласа бўларди, ҳатто уларнинг айрим синиқ парчалари у ҳали ҳеч қачон бормаган меҳроби бўлган яримвайрона девор ёнида ётарди.

Шона маркизнинг шунча узоқ йўл босиб, бу ерга олиб келган сабаб нимада эканлигини тушунолмади. Маркиз эса меҳроб вайронаси бўйлаб секин юриб бораркан, гўё яна уйқуда эди. Унинг кўзлари витраж қолдиқлари, готик формадаги очилиб қолган деворга михланганди.

Кутилмаганда, орқадан кимдир французча гапирди.

- Қандай хизматлари бор?

Ўгирилакан, Шона исқирт кийинган, аммо юзида самимий табассум акс этиб турган баланд бўйли, бакувват эркакни кўрди.

- Менинг дўстим черковни кўргани келганди, - тушунтирди Шона. – Биз унинг ёниб кетганлигини билмагандик.

Бу сўзлар гўё илгакни ишга солиб юборгандай таъсир қилди. Эркак даҳшат ичра кўл силтади ва жуда тез сўзлай кетди. Шона унинг шитоб билан сўзлаётган нутқини илғаб олишга ҳаракат қилиб, диққатини унга қаратди.

Маркиз Шонанинг ёнига келди.

- У нимани ҳикоя қиляпти? – сўради у.

- Унинг исми Пьер, у ёнғин ҳақида сўзлаб беряпти, - жавоб берди Шона бир вақтнинг ўзида эшитиб, ҳам сўзлашга ҳаракат қилиб.

- Бу қандай содир бўлган?

- Бу воқеа ўн икки йилча олдин содир бўлган. Ёш севишганлар келишган пайтда у қабристонда ишлаган экан. Улар кимдандир қочиб келишган ва зудлик билан никоҳдан ўтишни исташган.

Пьерни гувоҳ сифатида таклиф этишибди. Унинг таъкидлашича, ҳали умрида бу қадар бир-бирини қаттиқ севган одамларни кўрмаган. Гўё бутун олам уларга тегишли бўлган.

- Ҳа, - шивирлади маркиз. – Ҳа.

- Улар жўнаб кетишгач, бир неча соат ўтиб, бу ерга бошқа бир эркак келибди, - давом этди Шона. – У ёш келин-куёвларни таъқиб қиларди. Севишганларнинг шу ерда никоҳдан ўтганларини билгач, ҳалиги эркак киши энди бу ерда ҳеч ким никоҳдан ўтмайди, дебди ва черковни ёқиб юборибди.

- Эй Қодир Эгам! – шивирлади маркиз.

- Қурбонлар бўлмаган, - тез-тез таржима қила бошлади Шона. – Аммо черков бутунлай ёниб кетибди ва мудҳиш башорат амалга ошибди: ўшандан бери бу ерда ҳеч ким никоҳдан ўтмабди.

- Ўша эркакнинг кўриниши қанақа эди? – сўради тўсатдан маркиз.

- Ҳақиқий шайтоннинг ўзи, - таржима қилди Шона. – Унинг юзи озғин ва узунчоқ, оқиш ва сийрак сочли эди.

Пьер сўзида давом этди.

- Унинг айтишича, ёнғиндан сўнг қабристонга қараб юраркан. Кейинги йилларда кўзи хиралашиб, бундан бошқа иш билан шуғуллана олмас экан.

- У жуда ёмон кўрадимми?

- Ҳа, - деди қиз саволни етказгач. – У нарсаларнинг ранги ва тузилишинигина кўради. Аммо одамларнинг юз аломатларини кўра олмайди.

Шонанинг назарида маркиз бир оз хотиржам тортгандай бўлди.

У чўнтагидан олтин танга олиб, Пьернинг қўлига солди.

- Яна унинг хотирасида қандай аниқликлар қолган? – сўради маркиз сабрсизлик билан. – Мен ҳаммасини билишни истайман.

Пьер тангани бамоқларида айлантира бошлади.

- Унинг сочлари олтин ранг эди, - хотирлади у. – Унинг қуёшда қандай товланишини қиз севгилисининг қўлларидан ушлаб, черков томон югуриб келаётганда кўрганман. Унинг исми Анжела эди. У ўн саккиз ёшдан ошмаган эди. Йигит эса, тахминан йигирма икки ёшларда эди. Улар ўзларини ёш боладай тутишарди...

- Ҳа, - эшитилар-шитилмас тасдиқлади маркиз.

- Улар жаранглатиб кулишарди. Улар учун бу ажойиб саргузаштга ўхшарди. Тўғри, улар шошилишарди, чунки уларнинг ортидан қувиб келишаётганди, аммо улар кулишни қанда қилишмасди. Улар учун уларнинг бирга эканликларининг ўзи етарли эди.

Шона маркизга ҳикоянинг шу қисмини таржима қилиб берди. Маркизнинг рангида қон қолмаган, изтиробли ҳаяжондан қимирлашга ҳам ҳоли йўқ, жимгина эшитди.

- Ишончим комилки, сизлар ҳам ўша жуфтлик каби бир-бирини қаттиқ севган одамларни учратмагансиз, - нафас ростлади Пьер. – Гўёки улар ғам ва бахтсизликдан йироқ боқий умр сирини топишган эди. Баъзан ўйлаб қоламан: кейин уларга нима бўлди? Черковни ёққан одам уларни қувиб етмадимикан? Аммо бир нарсага аминман: уларнинг севгиси сақланиб қолган. Бундай муҳаббатнинг ўлиши мумкин эмас.

Пьер жуда секин сўзлади, ва Шона тушундики, ҳатто маркиз ҳам у айтаётган сўзларининг маъносини англаётганди. Маркизнинг юзи жонлангандай бўлди:

- Сиз ҳақсиз, - деди у. – Муҳаббат ўлиши мумкин эмас.

Маркиз ўгирилиб, секин юриб кетди.

- Улар бунинг дўстимиди? – сўради Пьер.

- Ҳа, - жавоб берди ғамгин овозда Шона. – Менимча шундай.

Пьер ўз ишига қайтди. Шона маркиздан кўз узмай, жойида қолди. Маркиз яна меҳроб қолдиқлари томон борарди.

Маркиз ўша ерда тўхтади. Шонанинг кўз олдига сочлари қуёшда олтиндай товланиб турган севган қизи ёнида турган ўспирин гавдаланди. Уларни боғлаб турган севги шунчалар кучли эдики, у қандайдир туморга айланганди.

Иккала ёш кўркмас ва ҳамма нарсага тайёр, уларнинг севгиси ўлиши мумкин эмас...

“Ўша қиз ҳақиқатан ҳам ўлмаган”, - ўйлади Шона эркак кишининг хотиралари қуршовидан чиқа олмаётган, ёлғиз ва эзгин кўринишига боқиб.

Шонанинг юрагида муз шамоли эсарди. Унинг кўнглидан шундай ўй ўтди: агар бу одам қолган умрини саҳродаги каби ёлғизликка маҳкум этган экан, унда Шона ҳам ёлғизликдан ўзга ҳеч нарсани билолмайди.

Улар кемага қайтишганда ҳамма сузиб кетишга шай турарди. Маркиз капитан билан кенгашиб олгач, бир соат ўтиб улар Бискай кўрфази бўйлаб, у ердан эса Гибралтар сари сузиб кетишди.

Эффи Лайонелнинг кемадан тушишга урингани ва капитан унга қаршилиқ қилгани тўғрисида мижжалаб сўзлаб берди.

- Мен Лайонелга ўзини тутиб олишини айтдим, - деди Эффи мактаниб. – У менга кулоқ солмайди, деб ўйлагандим. Аммо ундай бўлмади. Хуллас, уни дарров бўйсундириб қўйдим. Умуман олганда, у ёмон йигит эмас, фақат уни хаддан ортиқ эркалатмаслик керак.

- Ишончим комилки, маркиз буни эшитиб хурсанд бўлади, - деди Шона кулиб.

- Сизлар бирорта қизиқ жойга борган бўлсаларинг керак-а?

- Кале яқинидаги унча катта бўлмаган черковга бордик. Маркизнинг у ерга бориш учун жиддий ва мавҳум сабаблари бор бўлган. Эффи, сен айтиб берган нарсаларнинг айримлари ҳақиқатга яқин, деб ўйлай бошлаяпман.

- Сиз унинг ҳақиқатан монстр эканини назарда тутяпсизми?

- Йўқ, монстр эмас, аллақандай савдойи, ҳаловат топа билмайдиган одам.

- Ўша қиз туфайлими?

- Ўша қиз туфайли? – енгил бир ғижиниш билан такрорлади Шона.

- Ўша, айбсиз ўлдирилган севгилиси туфайли, - бу сўзларни қандайдир ҳузур билан таъкидлади Эффи.

Шонага бундай тавсиф ёқмади. Бу дунёда маркиз арзон мелодраманинг персонажи эди ва бу мелодрамада бугун у черковда кўрган ўткир изтиробдаги, тирик одамга нисбатан адолатсизлик ҳумрон эди. Оний бахт ҳис этган жойига изма-из, қайта боришга муҳтож бўлган одамга нисбатан адолатсизлик эди.

Ўша куни у маркизни қайтиб кўрмади. Кечки пайт ҳам, стюард зоти олийларининг ўз каютасида ёлғиз овқатланаётганини маълум қилгач, Эффи ҳамда Лайонел билан бирга овқатланишди. Кечки овқат жуда ажойиб тайёрланганди. Лайонел ва Эффе жуда яхши чиқишиб олишди, унинг иштирокида йигитча ўзини ҳақиқий жентльмен сифатида тутарди. Фақат Шонанинггина кўнгли ҳаловат топмади. Унинг фикру-зикри ёлғизликда аччиқ қайғуга ботиб ўтирган одам ҳақида эди.

Оқшомнинг қолган қисмини у палубада ўтказди, шамол ва тўлқинларнинг шовқинига кулоқ тутди. Яхта нотинчроқ денгизнинг тўлқинларини ёриб, янада тезроқ сузиб борарди.

Шона каютасига қайтганда Эффи уйқуга ётаётганди. Қизлар бир-бирларига хайрли тун тилаб, ўринга киришди. Шона уйқуга кетиши учун бир неча соат керак бўлди. Аммо бир озгина кўзи илингач, яна уйғониб кетди.

Бир оз ўтиб у ўрнидан турди ва елкасига шолрўмолини ташлаб, секингина йўлакка чикди. У маркизнинг каютаси томон юрди. Бу ўта одобсизлик бўлиб кўринса ҳам, Шона маркиздан ховотирда бўлганлиги учун шундай қилди. У маркизнинг аҳволи яхши эканлигига амин бўлиши керак эди.

У эшик олдида тўхтади ва қулоқ тутди. Қиз қадамларнинг таниш овозини эшитишни кутганди. Аммо эшик ортидан ҳеч қандай овоз келмади.

Шона кўнглини хотиржам қилиб ортга қайтишга тараддудланганда, тўсатдан аянчли ингроқ овози эшитилди. Қизнинг гўё томирларидаги қон ҳам тўхтаб қолди – ингроқ давом этарди. Қопқонга тушган ҳайвон шундай овоз бериши мумкин эди.

Шона ўйлаб ўтирмай, ичкарига кирди ва каютага яна кимдир кириши мумкинлигини ҳисобга олиб эшикни қия ёпди.

Маркиз ўрнида ётарди. У титраб-қақшар, тўлғонар, аянчли инграб, нола чекарди.

Шона маркиз уни кўрса ғазабланиши мумкинлигидан хавотирланиб, унга секин яқинлашди. Ва англадики, маркиз ухлаяпти, унинг изтироблари – оғир босинқираш туфайли эди.

Шона оёқ учида крават ёнига келди ва унинг бир четига секин ўтириб, маркизга қўл узатди. Маркиз шу он қизнинг кафтини ушлаб шундай сикдики, Шона бақириб юборишига оз қолди. Аммо уни уйғотиб юбормаслик учун ўзини тутиб олди.

- Қаердасан? – хирилдоқ овозда шивирлади маркиз. – Қаердасан? Сени кўрмайман.

- Мен шу ердман, - беихтиёр охиста шивирлаб юборди қиз ҳам.

- Сен ҳамиша шу ердасан, - деди энтикиб, хириллаш аралаш маркиз. – Менинг юрагимда, менинг ўйларимда. Шу йиллар давомида сенинг руҳинг мени тарк этмади.

Шона бу сўзлар кимга аталганини англаб, сесканиб кетди. Шу тобда уни қандай куч бошқараётганини англай олмади, ҳиссиётларига бўйсуниб, мулойимлик билан жавоб берди:

- Менинг шу ерда эканимни билсанг бўлди, кўришинг шарт эмас.

Унинг овози ўз таъсирини кўрсатди: маркиз шу захотиёқ тинчланди ва жимиб қолди. У кўзларини очмади, Шона таажжубланди, назарида маркиз уни кўришга уринмаётганди.

- Бу сенми? – овози чикди унинг. – Сен ростданам шу ердмисан?

- Ҳа, мен шу ердман.

- Бугун мен бир вақтлар биз бирга турган меҳроб ёнида туриб, ёнимда эканингни ҳис этдим.

Тўсатдан Шонанинг бутун вужудини ваҳима чулғаб олди. У тезда кетиши керак эди. Агар маркиз уйғониб қолса ва Шона уни алдаётганини кўрса, ўта ғазабга келиши ва қизни жазолаши мумкин эди.

Шона кўлини секин тортиб олмоқчи бўлди, аммо маркизнинг чангали уни маҳкамроқ қисиб олди.

- Кетма, - шивирлади у. – Кетма... Анжела...

- Кетадиган вақтим бўлди, - майин жавоб берди қиз. – Мен бир зумгагина келгандим, чунки... – у сўзини қандай яқунлашни билмай, тутилиб қолди.

- Чунки юрагим сени кўмсаётганини сезгансан.

- Шунча йил ўтиб ҳам-а? – ғамгин овозда сўради қиз.

- Ҳа. Юрагим умримнинг охири кунига қадар сени кўмсайди.

- Бу жудаям узок, - деди қиз. – Сен яна севиб қоласан.

- Йўқ, - деди маркиз бир оз кескинроқ. – Мен сендан бошқа ҳеч кимга кўнгил қўя олмайман. Севгилим менинг... Анжела, менинг суюклигим.

У бирдан қизнинг қўлларини кўйиб юборди ва шу он унинг елкасидан тутиб ўзига тортди.

Шона бу қутилмаган маҳкам оғушдан қутулиб чиқмоқчи бўлиб уринди, аммо чиқолмади. Маркиз севгилиси Анжела ҳали ҳам тирик бўлган ҳаёлот дунёсига занжирбанд, қотиб ухларди.

У уйқу аралаш қизни ўпа бошлади. Унинг лаблари ютоқиб, кучли эҳтирос билан қизни эркаларди. Шона бундай пайтда ўзини қандай тутарини билмай, бир муддат гангиб қолди. Уни кўрқув ва ваҳима чулғаб олди. У бунга чек қўйиши лозим!

Айни дамда қиз уни тўхтатишни истамаётганини тушуниб қолди. Унинг лаб босиши жуда ҳам эҳтиросли эди! Илгари ҳеч бир эркак уни ўпмаган, унинг учун янги бўлган бу ҳиссиёт таъриф билмас даражада қизга лаззат бағишлаётганди.

Пўлатдек маҳкам кучоқ, қайноқ лабларнинг эркалаши, соғлом эркак танининг ўзига хос бўйи – буларнинг ҳаммаси қизни ҳаяжонга чулғаб ташлаган, ўзи истамаган ҳолда жисми билан унга талпинаётган эди.

Бу ҳиссиёт айни дамда унга муносиб бўлмаган шармандалик, уят эди. Шунингдек, ҳушни олиб қўяр даражада ажойиб эди.

Шона бир муддат ўзини йўқотди, бу кучли вужуднинг пинжига кираркан, нафис тунги кўйлаги ортидан унинг ҳароратини ҳис этди. Шу тобда у ўзини қўлга олиши ва бу шармандаликка чек қўйиши лозимлигини ҳис этиб турган бўлсада, бу бўсаларнинг ҳеч қачон тўхтамаслигини истаётганини тушуниб қолди.

- Анжела, - шивирлади у лабларини аранг узиб. – Анжела, севгилим... Қайт... Ёнимга қайтиб кел...

Унинг овозидаги аламли соғинч оҳанги қизни чулғаб олган ёқимли ҳисларни тўзғитиб юборди. Гарчи унинг ёлғони беғараз бўлсада, у бошқа аёлга тегишли бўлган бўсаларни олганди.

Виждон азобида у маркизнинг кучоғидан силтаниб чиқди, аммо у қизни янада маҳкамроқ кучиб олди.

- Кетма, - зорланди у. – Мени яна ёлғиз қолдирма...

Яхшиямки, унинг кўзлари хали ҳам юмуқ эди. Аммо Шона унинг ҳар дақиқада уйғониб қолиб, ўзини алдов кучоғида кўриши мумкинлигидан ваҳимага тушаётганди. У ўзини куч билан қўлга олди ва маркиз кучоғидан чиқиб, краватдан сакраб турди.

- Анжела...

Қиз маркиздан кўз узмай эшик томон тисарилди. У эса талваса билан қиз томон қўл узатиб, кетмаслигини ўтина бошлади.

Шона деярли қочиб чиқди.

Тун бўйи сузиб, ниҳоят кема Бискай кўрфазига кириб келди, ҳавонинг авзойи ўзгарди.

Шона шамол шиддати кемани чайқатиб юборгунга қадар каютасидан чиқмади.

- Уни денгиз касали безовта қиляпти, - деди ишонч оҳангида Эффи нонушта вақтида маркизга. – У нонуштага чиқолмагани учун узр сўради.

- Ҳечқиси йўқ. – жавоб берди маркиз. – Бундай об-ҳавода менинг ҳам ишлагим йўқ.

Маркиз қалбининг тубида қувонч туйди: лоақал бир қанча муддат у Шонанинг кўзларига қарамасди. Аниқроғи, бугун тундаги рўё туфайли у умуман Шонанинг кўзларига қарай олишига ишончи комил эмасди.

У ўрнига ётаётиб, Анжеланинг тушига киришига ишонганди. Улар никоҳдан ўтган черков вайронасига бориб келгани ва барча хотираларининг қайтадан жонланганлиги боис бу муқаррар эди.

Меҳробнинг кулга айланган қолдиқлари ёнида тураркан, севгилисининг ёнида эканлигини ҳис этган лаҳза шаффоф бахтга айланганди. Уларнинг ҳаммаси учун жавоб олиши лозимлигини англаганди.

Худди шундай бўлди. Тушида севгилиси ёнига қайтди, у муҳаббатга тўла кўзлари билан қараб тураркан, бу нигоҳларда араз ҳам акс этиб турарди, зеро уни ўлдирган эркак жазодан қочиб қолганди.

У қиздан кечирим сўради. У қотилни кўп йиллар давомида излади, қасос ўтида дунё бўйлаб унинг изидан тушиб қувди, жинойтчини топиб, жазоламагунча ҳаловат билмаслик учун қасам ичди. Аммо унинг таъқиблари ҳар гал муваффақиятсиз тугарди ва бу маркиз юрагида тош бўлиб ётарди. Бу унинг назарида муҳаббати шаънига доғ туширарди.

Тушида сегилиси у яна севиб қолиши тўғрисида айтди, аммо маркиз билардики, Анжела учун қасос олмас экан, муҳаббат бахтини ҳеч қачон туя олмасди.

Сўнг эса...

Маркиз столдан шарт туриб, чиқиб кетди. У ўша тушнинг давом этиши ҳақидаги ҳаёлларига эрк бериш учун ёлғиз қолиши керак эди. Ўша рўё жуда кўрқинчли, айна дамда жуда ажойиб ва жуда хавотирли эди.

У бўсаларини эслади, у илгари қизни бундай ўпмаганди. Тушнинг охири ҳар галгидек ўзгармасди: севгилиси уни яна қайғулари билан ёлғиз қолдириб, ғойиб бўларди.

Аммо бу галги тушида у ғойиб бўлмади. У бошқа аёлга айланиб қолди. У тушида аёл билан кечган мафтункор лаҳзаларини эслади, унинг оғушидаги Анжела эмас, балки юзини ўзгартирган, ҳиссиз котиба эди. Шунда у ҳам ўз қиёфасига кирди: у энди ҳиссиз ва иккиюзли эмасди, у ҳам маркиз кучганидек, унинг бағрига сингиб кетди.

Маркиз бир марта тасодифан кўриб қолган ва ҳамон унутолмаган гўзал ва мафтункор сочлари унинг кафтларига ёйилган, бу нафис ипак орасида бармоқларни юритишни истарди.

У қиз вужуди ҳароратини ҳис этди, ва билардики, қиз ҳам унга ундан кам интилмаётганди. Қизнинг лаблари унинг бўсаларига жавоб берди.

Кейинги лаҳзада эса у қўлларида қуруқ ҳавони ушлаб турарди. Қиз кетганди.

Сароб ғойиб бўлгач, маркиз уйғонди ва тушундики, у яна ёлғиз ва бебахт эди. У нима содир бўлганини англаш учун узоқ вақт қоронғуликда бедор ётди. Аммо барибир ҳеч нарсани тушунолмади.

Нихоят у ўрнидан турди, халатини кийиб, йўлакка қаради.

Турган гапки, у ерда ҳеч ким йўқ эди. Маркиз ўзидан уялиб кетди. У маркизнинг каютасига тунда келиши мумкин, деб фараз қилишнинг ўзи ҳам ҳурмат-эътиборга эга бўлган хоним учун кечириб бўлмас ҳақорат эди. Аммо барибир у йўлак бўйлаб юрар экан, Шонанинг каютаси олдига боришдан ўзини тўхтата олмади. У эшик ёнида тахтадай қотди ва диққат билан қулоқ солди. У ўзининг номуносиб бу ҳаракатидан хижолат бўлди, аммо негадир кета олмади.

У Шонани маркизнинг у ҳақидаги бўлмағур ҳаёлларидан беҳабар ифбат қобиғида ётганини тасаввур қилди. Бир оз муддат ўтиб, у бу ердан ўзини кетишга мажбур қилди – овозсиз ортига ўгирилиб, каютасига борди ва туннинг қолган қисмини иллюминатордан денгизга боқиб ўтказди...

Мана, ҳозир Шона билан эрталабдан учраштирмагани учун тақдирдан хурсанд бўлиб ўтирибди. Ҳаёлларини жамлаб олиши учун унга вақт керак эди.

Улар кечгача, овқат столи устида йиғилишмагунларича кўришишмади. Маркиз асабий босим ва кучли чарчоқ ҳис этарди. Афтидан, Шона ҳам шундай эди. Лайонелнинг

денгиз касали туфайли иштаҳаси йўқолганди. Фақат Эффигина соғлом ва кайфиятидан ҳаётдан миннатдор эди.

- Хушомад қилишга рухсат беринг, мадам, - деди унга маркиз. – Сизга қиёслаганда ҳаммамизнинг аҳволимиз ачинарли кўринади.

- Раҳмат, сэр. Шонага нима бўлгани ақлимга сиғмаяпти! Мен ҳеч қачон унинг денгиз касалидан азият чекканини кўрмаганман. Ҳатто бутун Бискай кўрфазини сузиб ўтганимизда ҳам.

- Менимча, мен ўзгарган бўлсам керак, - шошқич аниқлик киритишга ҳаракат қилди Шона. – Бу саёҳат... Аввалгиларидан жудаям катта фарқ қилади.

Кечки овқатда кўп қолишмади, ҳамма ўз каюталари томон тарқалишди. Аммо Шона тунда яна уйғониб кетди. Бу гал у маркиз каютасининг яқинига ҳам йўламади, шунчаки, палубага кўтарилди ва қуйруқ томонга ўтиб, кўпириб ётган денгизни маҳлиё бўлиб томоша қила бошлади.

Эффи айтганидек, Шона денгизда ўзини жуда тетик ҳис этар, чайқалишдан умуман кўрқмасди. У ҳатто барча кўзлардан йироқда, шамолга рўбарў туриб, хузурланарди. Кутилмаганда у ўзининг ёлғиз эмаслигини ҳис этди. Лайонел қадамларини судраб палубага чиқди ва Шонага яқин жойда турганча, чуқур нафас олди.

- Аҳволингиз анча яхшими? – сўради қиз.

- Йўқ, - деди у аянчли қиёфада. – Аҳволим умуман яхшиланмади. Бу ерда ҳеч бўлмаса тоза ҳаводан нафас олиш мумкин.

У бир неча бор чуқур нафас олди, кўринишдан бу унга ергиллик бағишлаётганди.

- Энди сиз кемага чиптасиз чиқиб олганингизга афсус чекаётган бўлсангиз керак-а? – сўради қиз майинлик билан.

- Йўқ. Мен шу ерда бўлишим керак. Мен унга керакман.

- Наҳотки? У эса, менимча, бундай фикда эмас. Бу ерда сизни кўрганда ҳаддан ташқари ғазаб отига минганди.

- Бунинг ҳаммаси - мен унинг оила аъзоси бўлганлигим туфайли. У эса бу саёҳатда уни яхши биладиган одам ҳамроҳ бўлишини истамайди, - жумбоқли жавоб берди Лайонел. Шонанинг юзидаги таажжубни кўриб, кўшиб қўйди. – Мен сизга айтгандим-ку, китоб ёзиш - бу шунчаки ниқоб, ҳақиқий мақсад – тўй саёҳати йўналиши бўйлаб қайта кезиб чиқиш. Сиз унинг уйланганини билармидингиз?

- Қулоғимга чалинганди, - деди Шона эҳтиёткорлик билан.

- У ҳали жуда ёшлигида уйдан қочиб кетганди. Менимча никоҳ Францияда бўлиб ўтган. Шундан кейин кўп ўтмай, унинг хотинини ўлдиришган. Тўлиқ тафсилотини билмайман: у бу ҳақда бошқаларга билдиришни истамайди. Аммо уларнинг қалтис саргузаштлари ҳақида шундай гап-сўзлар юради. Бу сафар – унинг севгилисидан хотираси

шарафига амалга оширилмоқда. Орадан шунча йил ўтса ҳам, у рафикасини аввалгидек севади.

Лайонел, унинг сўзлари қандай таъсир этаётганини қизнинг юзларида кўрмаслиги учун Шона орқа ўгирди. У маркизнинг муҳаббати нақадар кучли экани ҳақида ўйлаган сари юраги гупиллаб урарди. Бу худди васвасага ўхшарди. Улар бирга кечирган бахтли дамлар шарафига бутун Европа бўйлаб саёҳатни амалга ошириш учун ўтган йиллар давомида қандайин эҳтирос билан севиш мумкин?

- Уни ўлдирган одамнинг тақдирини нима бўлди? – сўради Шона. – Уни тутиб, жазоладиларми?

- Йўқ. Умумий тўполон вақти у қочиб кетиб улгурди ва ўшандан бери уни топишолмади. Менимча, амакимни айнан мана шу нарса - ёвуз қотилни қўлдан чиқариб юборгани қийнайди.

Шона ниманидир эслагандай бўлди.

- Сиз билан танишган ўша кеча сиз бу ҳикоянинг биринчи қисмини сўзлаб бергандингиз, - деди у.

- Ростданми? – бепарволик билан деди Лайонел. – Негадир, эслолмаяпман.

- Ҳа. Сиз у китоб ёзмоқчи эмас, китоб – шунчаки бир никоб, деб айтгандингиз.

- Худди шундай. Унинг хотираси шарафига саёҳат учун бир никоб.

- Аммо, яна бир нарса бор. Сиз, унинг саёҳатдан ҳақиқий мақсадини ўзи ҳам тан олганига шубҳангиз борлигини айтгандингиз. Шунингдек, охири дақиқагача у мудҳиш жиноят содир этиши мумкинлигини ўзи ҳам билмаслигини уқтиргандингиз.

Шонанинг назарида ўспирин довдираб қолди.

- Йўғ-э! Менимча мен бундай демаганман.

- Айтгансиз. Мен аниқ эслайман...

- Ҳаммасига ой айбдор, - шошиб унинг сўзини бўлди Лайонел. – Менимча ўшанда маст бўлган бўлсам керак. Менинг сўзларимга заррача ҳам эътибор қилманг.

- Аммо, Лайонел...

- Хайрли тун, - деди йигит ва кетиб қолди.

Олтинчи бўлим.

Шона кетаётган Лайонелни нигоҳи билан кузатаркан, уни ўз сўзини тан олмасликка қандай босим мажбур қилганлиги ҳақида ўйланиб қолди. Маркизнинг Лайонел бунчалар безовта бўлишига сабаб бўладиган қандай сири бор-ким, Лайонел у ҳақда айтишга қўрқадиган? У нимани беркитишга ҳаракат қилди?

Кема тўлкинда чайқалиб кетди ва Шона палуба тутқичидан аранг тутиб қолди. Шамол кучайди, кучли тўлқин кўтарилиб, унинг юзига бир ҳовуч сув сачради. Бундан қиз хатто хурсанд бўлди: эҳтимол муздай сув унинг соғлом фикр юритишига ёрдам берар.

У ўша тундаги шармандали ҳолатидан сўнг энди ҳеч қачон маркизнинг кўзига тик қаролмаслигини ҳис этиб, кун бўйи ундан қочиб юрди.

У қизда ғалати, айти дамда рўёга ўхшаш ёқимли бир ҳиссиётни уйғотиб юборганди. Қиз бу туйғуларга бўйсунмаслиги лозимлигини биларди, ва маркиз билан юзма-юз келишга тайёр эмас эди.

Лекин ундан ҳамиша қочиб юролмасди. Ундан ўзини четга оларкан, Шона таажжубда эди: унинг ҳаёллари барибир қизни таъқиб қилаётган, бу ўйлар унга бар дақиқа ҳам тинчлик бермаётганди.

У бир кун келиб, маркизнинг бўсалари, кучли оғуши ҳақидаги ҳаёллардан қутула олармикан?

Орзулар оғушида уни кимдир чақирганини дафъатан эшитмади.

- Аҳволингиз яхшими?

Қиз уйғонгандай бўлди ва маркизнинг у томон шошилмай юриб келаётганини кўрди.

- Аҳволингиз яхшими? – такрор сўради маркиз. У қизнинг ёнида тўхтади. Унинг денгиз суви томчилари тушган юзи оё ёруғи ғира-ширасида бутунлай ўзгача тус олган эди.

- Пастга тушганингиз маъқул, - маслаҳат берди у. – Бундай об-ҳавода бу ерда туришни хавфсиз деб бўлмайди.

- Менга эса бу ёқади. – жавоб берди Шона. – Мен ҳар доим пўртана кўтарилганда палубага чиқардим. Бундан менинг руҳим кўтарилади.

- Турмуш ўртоғингиз бунга рухсат берганидан таажжубдаман.

Қиз маркиз нимани назарда тутганини тушунмай, бир оз чимрилди ва шу онда ўзини бева сифатида кўрсатиши лозимлиги ёдига тушди. Ҳақиқий ҳаёт ҳайратомуз даражада йирокда эди...

- Мен бунинг учун турмуш ўртоғимдан рухсат сўрамаганман, - деди у яна ролига киришиб. – Нега энди ундан сўрашим керак?

- Ахир ўз хожасига бўйсунуш хотиннинг бурчи эмасми? – сўради у.

Бундай вақтда, хатто зарурат туғилганда ҳам Шона ўз ҳиссиётларини тушунтириб беролмасди. Кўнглининг туб-тубида у нафратга ўхшаш туйғуни туйди. У бу эркакдан хали у ҳеч қачон ҳис қилмаган туйғуларни уйғотгани учун ҳам жаҳли чиқаётганди. У бундай ҳиссиётни билмагани яхшироқ эди.

Шона ўзига уни асло севиб қолмаганман, деб таъкидларди. У мулоҳазакор эди ва ҳеч қачон қалби ўзга аёлга тегишли эркакни севиб қолишга йўл қўймаган бўларди. Аммо бу ҳиссиётларнинг гангитиб қўйгани унинг жаҳлини чиқараётганди ва бундай пайтда ўзини назорат қила олмай қолаётганди.

- Менинг ҳожамга? – қизишди у. – Мен ҳеч қачон уни бундай қабул қилмаганман. У менинг ҳақиқий муҳаббатим эди. Биз бир-биримизни эркин ва тенг севганмиз.

Ўртада бир оз нокулайлик туғилди. Ғазаб учқуни маркизни лол этиб қўйганди.

- Сизнинг эрингизга ўхшаган одамлар жуда ҳам кам учрашади.

- Худди шундай, - кескин жавоб берди қиз. – Аниқроғи, мен ҳеч қачон унга ўхшаган одамни учратмаганман.

- У ҳолда, омадингиз бор экан.

У қизнинг бармоғидаги ой ёғдусида хира ялтираб турган никоҳ узугига назар солди. Бу узук гўё бу аёлнинг эркаклар оламини рад этиб, покдомон монах аёл каби яшаётгани ҳақида огоҳлантириб турарди. Қиз яқингинада маркиз тушига киргани ҳақида тахмин ҳам қилмаса керак.

Авжига чиққан денгиз тўлқинларининг силтаб юбориши маркизни ўзига келтирди.

- Менимча, пастга тушишимиз лозим. У ерда хавфсизроқ бўламиз. – деди у.

- Мен ҳеч қаерга бормайман, - гапини кесди Шона. – Менга шу ер яхши.

Маркиз унга эътироз билдиришга чоғланган пайтда бирдан қизнинг кўзларида чексиз завқ учқунини пайқаб қолди. Денгиздаги ҳаво айниши уни ҳаяжонга солишини тушуниб етди.

У бир неча кун олдин учратган, дидсизларча кийинган расмиятчи хонимда қандай хайратомуз ўзгариш рўй берди? Энди унинг каршисида ҳаётда мукамал, жасур, қатъиятли бўлган дилбар қиз турарди.

- Менга бу ер яхши, - такрорлади у.

- Лекин бу хатарли.

- Демак, менга хатар ёқади, - жавоб берди Шона шамол шовқинидан баландрок гапиришга ҳаракат қилиб. – Хатар – у ҳақиқий!

- Жуда антиқа фикр. Ҳамма нарса ҳам ҳақиқий.

- Йўқ! – деди қиз бош чайқаб. – Ҳаммаси эмас. Бизнинг дунёмизни ташкил этадиган нарсаларнинг катта қисми уйғоқлик билан изма-из юрадиган оддий бир туш, холос...

Қиз денгиз кенгликлари оша узоқ қоронғуликка тикилди. Маркизга қиз ҳатто унинг борлигини унутгандай туюлди.

- Сен уйқуга кетасан, - деди қиз секин. – ва қайси ҳақиқий, қайси хомхаёл эканини ажратолмайсан.

- Масалан, мен ҳақиқий эмасман, - сўзини давом эттирди қиз кутилмаганда.

- Буни биламан. Менга биринчи учрашувимизда ўзингизни намоён этган одам эмаслигингизни биламан.

- Қаердан биласиз? – хайрон бўлди қиз.

- Чунки сиз ички оламингизни яшира олмагансиз.

- Аммо ўзини яшираётган фақат мен эмас, - жавоб берди қиз маркизга қараб, Лайонелнинг сўзларини эслаганча.

Маркиз бир сўз демай, қизга синовчан боқди.

Кема яна чайқалиб кетди ва Шона бир он мувозанатни йўқотди. У бирор нарсани ушлаб қолиш учун жон-жаҳди билан қўлини юқорига узатди, аммо қўллари ҳавода қолди.

Маркиз унга қўл узатди, ва кейинги лаҳза қиз унинг кўксига йиқилди. Бу бир неча оний лаҳза эди, аммо ҳар иккисига ҳам бу – туганмасдек туюлди. Ана шу туганмас лаҳзаларда маркиз қизни кучоғида тутиб турди ва ўтган тун уларнинг қалбида янгроқ аксадо берди...

- Илтимос, қўйворинг мени, - ногаҳоний кўрқиб кетган қиз қафасдаги қушдай питирлаб, бақириб юборди.

Маркиз қизни дарров кучоғидан бўшатди. Унинг бу ҳаракати кучли шокка тушиб қолган одамники каби тасодифий эди.

- Раҳмат, - шошиб деди Шона. – Агар сиз бўлмаганингизда, йиқилиб, яхшигина лат олган бўлардим. Менимча, сиз ҳақсиз. Юринг, бу ердан кетамиз.

- Ҳа, - деди у Шонани кузатиб кўяркан. – Хайрли тун.

Шона уйғонганда яхта тўхтаб турганди. Иллюминатордан боқиб, Гибралтарга сузиб келишганини англади.

Қизга кечаги тундан сўнг ўзига келиб олишга анча вақт керак бўлди. Бошида минг хил ҳаёллар узлуксиз ғужғон ўйнарди. Ва ниҳоят уйқуга кетди ва узок вақт ухлади.

Эффи аллақачон кийиниб олган, кўринишидан шошаётганди.

- Лайонел менга бу ернинг диққатга сазовор жойларини кўрсатмоқчи, - деди у.

- Мен унга кемадан пастга тушиш мумкин эмас, деб ўйлагандим.

- О, зоти олийлари марҳамат қилди. Чунки, агар Лайонел мен билан бирга бўлса, ҳеч нарса содир бўлмаслигини билади.

- Ростданми?

- Мен билан у ҳеч қандай ташвиш туғдирмайди, - кулди Эффи. – Имкон қадар энага ролини ўташимга тўғри келади. Менимча, бунга менда қобилият бор.

Шона унга ҳайрон бўлиб қаради:

- Лайонел сени энагадек кўрар экан-да?

- Қандай бўлганда ҳам, у менга кулоқ солади. Аниқроғи, - муғамбирона табассум қилди Эффи. – Унинг айтишича, у фақат менинг айтганларимни бажо келтириш учун дунёга келган.

Кейинги сўзларни у театр актрисалари каби дабдабали ифода этди, сўнг шундай хохолаб кулди-ки, қорнини ушлаб қолди.

- Кўринишидан, у ҳақиқий жентльмен, - айёрона табассум билан деди Шона.

- Бу сени таҳқирлайдиган ва барча оғир гуноҳларда айблайдиган эркакдан яхшироқ, - деди Эффи.

Унинг бу сўзларидан маълум бўлди-ки, Жимми ҳали ҳам унинг ҳаёлидан кетмаган эди.

- Шунақа гаплар. Энди эса, у билан кетишга рухсат берасизми? – сўради у. – Лекин аввал сизнинг кийинишингизга ёрдам бераман.

- Ўзим амаллайман. – ишонтирди уни Шона. – Боравер! Фақат кечикма. Маркиз аниқ белгиланган вақтда йўлга чиқиши мумкин.

Эффи яшнаб кетди ва учиб чиқиб кетди.

Шона Эффининг қандай атаганига эътибор қилди: Лайонел. Мистер Хилтон эмас, Лайонел. Шона ўйлаб қолди: у дугонасини натижаси яна қалбини поралаш билан яқунланиши мумкин бўлган саргузашт сари йўлламадимикан?

Кийиниб, нонуштага шошди, аммо маркиз аллақачон овқатланиб, яхтани тарк этганди.

- Зоти олийлари дўконлар айланишни истаганларини айтдилар, - маълум қилди стюард.

Шона нонуштани тугатган вақтда маркиз қайтиб келди. Ҳар галгидек рангпар ва зўриққан, аммо ҳар ҳолда ўзини тутиб олган ва бирор ҳаракати ўша машъум тун ходисаларини эслатмасди.

У майин табассум ила Шонага салом берди ва унга ўроғлиқ буюм узатди.

- Бу сизга, - деди у. – Ёқади, деб умид қиламан.

- Нима бу? – сўради Шона.

- Очинг, ўзингиз кўрасиз, - жавоб берди маркиз.

Қиз ўрамни очди ва Гибралтарда ҳар доим сотиладиган хитой шолрўмолини олди.

- Раҳмат, раҳмат сизга! – деди у қувончдан яшнаб. – Мен буни жон деб ўрайман. Ишончим комилки, уни менинг елкамда кўрган ҳар бир аёл ҳасаддан ёниб ўлади!

Маркиз кулди.

- Умид қиламан. Мен эса ишонаманки, бу шолда сиз жуда ҳам жозибали кўринасиз.

Шундай дея маркиз худди унинг сўзлари қизни хафа қилиб қўядигандай, ўгирилиб олди.

- Жиянингиз Эффини сайрга олиб кетди, - хабар берди Шона. – Унга кечикмасликни тайинладим, чунки сиз йўлга кечикмасдан чиқишни ишташингиз муқаррар.

- Менимча, у сизга қулоқ солмайди. – муғамбирона жилмайиб қўйди маркиз. Чунки Лайонелнинг қулоқсизлигидан келиб чиқадиган бўлсак, улар кеч қайтишади.

- Эй, Худойим!

- Хавотир олманг. Биз ҳам бир оз кўнгил ёзиб келишимиз мумкин. Маймунларни томоша қилгани борамизми? Улар ҳар доим дўконлар атрофида сакраб юрадилар. Жудаям ажойиб жонзотлар! Сиз уларни албатта кўргингиз келса керак.

- Албатта! – жавоб берди Шона.

Экипаж ёллаб, улар Гибралтар кўчалари бўйлаб юриб кетишди, Шона ўз ишида танаффус ҳис этиб, бутунлай кўнгли ёзилди. У нима сабаб бўлганини билмади-ю, аммо бир неча бор маркизнинг унга ҳайратли нигоҳини сезиб қолди.

Нихоят улар денгизга чиқаверишдаги рестораннынг очиқ майдонида тўхтадилар. Маркиз кофе ва ширинлик буюртирди.

- Мен сиз билан ёлғиз қолишни истагандим, - деди у. – чунки сиз билан айрим нарсаларни муҳокама қилиб олишим керак. Аммо, ҳозир ҳеч қайсини эслолмаяпман.

- Эҳтимол, сиз менга ўз қайдларингизни бермоқчидирсиз? – тахмин қилди Шона. – Менимча, китобингиз устида иш бошлаш пайти келди.

Маркиз ўйланиб қолди.

- Ҳа-я, китоб...

- Биз сиз билан китоб ёзишимиз керак, шундай эмасми? – сўради у.

- Ҳа-ҳа, ёзамиз, албатта...

- Сиз ишга олган мақсадда мен билган тиллар ва билимимдан ҳали фойдаланмадим, черковни айтмаганда...

- Бизнинг черковга боришимизнинг китобга умуман алоқаси йўқ, - сўзини бўлди маркиз. – Биз шошаётганимиз йўқ. Мен сиз билан бошқа масалалар тўғрисида гаплашмоқчи эдим.

- Қандай масалалар? – эҳтиёткорлик билан сўради Шона.

- Масалан, сизга ўзимни ишонтиришга уринишим. Чунки, тўғриси айтсам, сизнинг ҳеч бир сўзингизга ишонмайман.

Шона сукут сақлади, маркиз эса сўзини давом эттирди:

- Мен сизни хафа қилиб қўйдим... Худо шохид, буни истамагандим. Лекин илк танишувимиздан бошлаб сиз ўзингизни бошқа одам сифатида намоён этипсиз. Сиз мени ёшингиз катта эканига ишонтирмакчи бўлдингиз, аммо бу ёлғон эди. Сиз ўзингизни совуққон ва сипо кўрсатмакчи бўлдингиз, аммо бу ҳам аслиятга тўғри келмайди.

Шу лаҳзаларда Шона ҳамма нарсани тан олишга тайёр эди, фақат, афтидан тобора уни севиб қолаётганидан ташқари...

Бу жуда хавфли лаҳзалар эди. Агар гапни бошласа, маркиз билмаслиги лозим бўлган нарсалар ҳам бўлса-да, сўнг тўхтай олмайди.

- Нима десам экан: хулқ-атвор қоидаларига риоя қилишга ҳаракат қилдим, - деди киз. – Бу ролни ўйнамасам, бу саёхатга чиқолмаган бўлардик.

- Хулқ-атвор қоидалари – фақат шуми? – чимрилди маркиз.

- Яна нима бўлиши мумкин?

- Мен буни сиздан билмакчи эдим.

Қиз яна жим бўлиб қолгач, маркиз надомат ила чуқур нафас олди.

- Эҳтимол, мен сиздан жуда кўп нарсани ва жуда тез талаб қилаётгандирман. Бу вақт ичида кўп нарса содир бўлди... Ҳаммасини ҳам тушунтириб бўлмайди...

У тутилиб қолди ва жим бўлди. Унинг сўзлари ҳақиқат эди, ахир ўша тундаги ходисани қандай тушунтириб бериши мумкин эди?

Кучли тўлкин туфайли қиз унинг кучоғига йиқилиб тушганда, қиз вужудининг яқинлашиши унга таниш туюлди. У қачондир Шонани кучоқлаганини биларди.

Шундай ҳам бўлганди, фақат тушда.

Ўша, ақлга сиғмайдиган, васвасали тушда у Анжелани кучоқлаганди, аммо Анжела бирдан Шонага айланиб қолди.

Гавда тузилишига кўра Шона Анжеладан буткул фарқ қиларди.

Бундан ташқари қиз кучлироқ эди ва одоб туйғуси бундай таърифнинг ўринли эканига шубҳа туғдирса-да – ҳиссиётда жўшқинроқ эди.

Маркиз адл қоматни бағрига босгани ва лўппи, майин лаблардан бўса олганини унутолмасди. Қиз тасодифан яна унинг кучоғига тушганда, бу ўша – тушидаги аёл эканини билганди. Маркизни фақат битта нарса иккилантирарди: бу нарса бўлиши мумкин эмас эди. Негаки, маркиз ўша тунда каютасида бутунлай ёлғиз бўлганига ишончи комил эди.

Шу тобда унинг хаёлига бу фикрлари юзида акс этиши мумкинлиги келиб қолди. Қиз ҳаммасини тушуниб олиши ва тўла ҳақли равишда ундан нафратланиши мумкин эди. Нафратландими, демак уни ташлаб кетади.

Бунга йўл қўйиб бўлмасди.

У тинчланишга ва ақл кучига суянишга ҳаракат қилди. Амалий мулоҳаза учун ҳам у маркизнинг ёнида қолиши керак эди. Қизни ишга олишдан кўзлаган мақсади амалга ошишига ҳали вақт бор эди. Асосан шу. Аммо, қизни қўйиб юбора олмаслигига яна бир сабаб борлигини маркиз тушунарди.

Маркиз кўкка ҳайқиргиси келди. Шунча йиллар давомида у муҳаббатсиз, аянчли тақдирига бўйсуниб яшади. Энди эса, унинг барча ижобий фазилатларига нуқта қўювчи мудҳиш ишни амалга оширмақчи бўлган бир пайтда унинг ҳаётига оловдек шиддат билан, унга қувонч ва илиқлик ваъда қилиб, унинг ўзига бўлган ишончини синдириб, у унутишга беҳуда уринган нарсаларни яна ёдига солиб муҳаббат кириб келди...

Шона эса ундан кўзини узмасди. Бу кўзлардан тахайюр ва, эҳтимол унга шундай туюлгандир – енгил ҳаяжонни ўқиш мумкин эди.

- Нимани назарда тутяпсиз? – сўради қиз суҳбат мавзусига қайтиб. – Нимадир содир бўлдимми?

- Ҳеч нарса. Келинг, мавзуни шу ерда тўхтатамиз. Мен сизга хирапашшадай ёпишиб олган одамни эслатишни истамайман.

- Бундай бўлиши мумкин эмас. – шошиб уни рад этди Шона. – Аммо, менимча энди яхтага қайтишимиз керак.

- Албатта, - жавоб берди у елкасидан юк тушгандай бўлди.

Яхтага қайтишганда, Эффи ва Лайонел ҳали ҳам келишмаганди. Улар сал кейинроқ, шод ва хуррам, дўкон халталарини кўтарганча кириб келишди. Лайонел ўз ҳамроҳига совғалар олиб берганди.

- Эффи, илтимос, эҳтиёткорроқ бўл, - ҳар иккала қиз кечки овқатга кийинаётган пайтда безовта оҳангда огоҳлантирди Шона.

- Ҳавотир олманг, мисс. У шунчаки ғўр бир ўйинчоқ, холос, - хотиржам жавоб берди Эффи. – Қолаверса, бу Жиммига яхши сабоқ бўлади.

- Наҳотки?

- Сизга айтиб бергандим-ку: У мени ҳар шубҳали шахсларга илакишиб юришда айблади. “Одобли қиз бундай одамлар билан алоқа қилмайди”. Бу унинг гаплари. Мен унга эътироз билдирмақчи бўлдим, аммо у эшитишни ҳам истамади! Энди эса, у мени нимада айблаган бўлса, шу ишни қиламан! Шунда ора очиқ бўлади.

- Лекин у бу ҳақда билмайди-ку, - жўяли фикр билдирди Шона. – Агар тақдир тоқазоси билан яна учрашсангиз...

- Бу мени умуман қизиқтирмайди, мисс! Менга ишонишингиз мумкин, - нафратомуз пишқирди Эффи.

Шона ён беришига тўғри келди.

Кечки овқат маҳали Лайонел ўткир ҳазилларни қалаштириб ташлади, овқатланиб бўлишгач, ҳаммаларининг бирга меҳмонхонага боришларини сўраб, туриб олди. У ерда у пианинода антиқа кўшиқлар хиргойи қилиб берди.

- Яна нимани ижро этишимни истайсизлар? – сўради ўспирин.

- Бошқа ижро этиш шарт эмас, - деди Эффи маркиз ва Шонанинг толиқишганига эътибор қилиб. – Яхшиси, менга юлдузларни кўрсата қол.

Лайонелнинг қўлидан тутганча уни палубага олиб чиқди. Меҳмонхонада қолганлар энгил нафас олишди.

- Эҳ, бу жиянгинам! – хитоб қилди маркиз. – Менимча нега унинг биз билан кетишига қарши бўлганимни тушунган бўлсангиз керак.

Шона кулди.

- Сиз пианинода чала оласизми?

- Жуда ёмон чаламан, - тан олди маркиз. – Ва жуда балад. Сиз-чи?

- Чаламан, гарчи сиз бу ҳақда сўрамаган, ва мен томондан бир оз мақтанчоқлик бўлса-да, сизга чалиб бермоқчиман.

- Мен сиздан сўрамаганимнинг боиси, агар бу техникани етарли даражада билмасангиз, хижолат қилиб қўйишдан қўрқдим.

- Биз иккимизнинг ҳам ҳаддан ортиқ кўнглимиз нозик, - хулосага келди Шона. – Очиғини айтсам, мен пианинода нимадир чалишни жуда ҳам истаган эдим. Агар сизга чалишим ёқмаса, илтимос, бу ҳақда торгинмай айтаверинг.

- Сизга мусиқа билан шуғулланиш ёқадими?

- Очиғини айтганда, пианинони жуда яхши кўраман ва уйда доим чалиб турардим. Аммо ўгай отам мусиқани жини суймаслигини айтди. Шу боис энди фақат у уйда йўқлигида чаламан.

Оғзидан чиқиб кетган бу сўзлардан Шона кўрқиб кетди: маркиз унинг чалғиганини сезиб қолмадимикан? Ахир у танҳо умр кечираётган бева ролини адо этаётганди, ҳозир эса бехос ўгай отасини эслаб қолди! Бу унинг жудаям хавфли хатоси эди.

Аммо, афтидан маркиз ҳеч нарсани сезмади.

- Жуда ажойиб фортепьяно экан, - деди у гап мавзусини буришга ҳаракат қилиб.

- Менга уни бувим совға қилган. Бу жуда эски ва жуда қадрли. Бувим буни асл ҳолатида сақлаганининг сабаби, бир вақтлар унда чалиш учун кўпгина иқтидорли мусиқачиларни таклиф этган ва шу боис у билан фахрланарди.

- Демак, сизни болалигингизданок мусиқани севишга ўргатишган? – сўради Шона.

- Бунга бувим мажбур қилган, - жавоб берди маркиз. – Мен мусиқани қадрлайман. Ва билишимча, сиз ҳам шундай.

Шона кулиб кўйди ва ҳеч нарса демади. Жавоб ўрнига у пианино ёнига ўтирди ва бармоқлари клавишлар устида суза бошлади.

Сўнг, маркиз креслога қулай жойлашиб олгач, ёшлигидан чалиб келган сеvimли ва қадимий куйлардан бирини чала бошлади. Бу куйни онаси жуда ёқтирарди.

У онасини эслади, отаси тирик эканида қандай бахтли яшашарди.

Бир куй оҳиста иккинчисига улана бошлади, ва уларнинг ҳар бири унинг қалбини ота-онаси билан боғлаб турган нозик ва қайноқ меҳрни ёдга соларди.

Ниҳоят Шона куй чалишдан тўхтади ва бармоқларини клавишлардан олиб, тиззасига кўйди.

Маркиз томон ўгирилар экан, у узоқ вақт куй чалганини англади. У бир неча муддат маркиз борлигини ҳам унутганди.

Маркиз яна бир неча дақиқа сукут сақлади ва деди:

- Нега менга мусиқачи эканингизни айтмагансиз? Куйларингизни эшитиб, кўп вақтлардан бери туймаган ажойиб бахтни туйдим.

- Буни эшитишдан жуда мамнунман, - жавоб берди Шона. – Мусиқа ҳар доим ижрочининг кайфиятини акс эттириши лозим. Мусиқа чалаётиб, мен қувончга бой болалигимни, отам ҳаёт эканида ота-онам қанчалик бахтиёр бўлишганини эсладим...

Маркиз юзига қайғу соя солди.

- Бахт ҳамиша жудолик билан ёнма-ён юради, шундай эмасми? – секин деди у. – Бу ҳақда унутмаслик керак.

- Бундан эмас! – кескин рад этди Шона. – Умуман, бахтнинг ўлиши шарт эмас.

- Сиз хато қияпсиз, - кутилмаганда кўпол оҳангда жавоб берди маркиз. – Бу бир хомхаёл. Эртами, кечми, бир кун тўзғиб кетади. Ахир сиз буни ўз тажрибангизда синаб кўрмадингизми? Никоҳингиз неча йил давом этди?

- Мен... мен бу ҳақда ҳеч нарса деёлмайман, - довдираб қолди Шона.

- Маъзур тутинг. Сизга бу саволни бермаслигим керак эди. Аммо ишончим қомилки, сиз айрилиқ нима эканини яхши тушунасиз. Буни мен ёниб кетган черковда бўлганимизда хис этгандим.

Ўзига виски кўйиб, маркиз хона бўйлаб қадам ташлай бошлади.

- Ахир сиз буни тушунасиз-ку, шундайми?

- Менинг назаримда, Пьер ҳикоя қилиб берган куёв сиз бўлгансиз.

- Ҳа, - темир овозда тасдиқлади у. – Ўша куёв – бу мен. Ҳаммаси худди Пьер ҳикоя қилгандек бўлган эди: Биз бошни айлантирадиган саргузаштни кечирган болалар эдик. Ёш ва севишган, муҳаббатнинг ҳақиқий кудратига ишонардик. У ихтиёрига қарши ўларок Жорж Эктон исмли эркак билан унаштирилган эди. У жоҳил ва паст одам, аммо эртақлардагидек бойлик соҳиби эди. Отаси кизи учун уни фойдали жуфт, деб ҳисоблаган эди.

У Анжеланинг сочи баробар зар сочишга ҳам тайёр эди. У кизини мендан ажратиш учун кўлидан келган ҳамма нарсани қилиб кўрди. Бир куни мени ҳатто итларига талатганди.

- Қандай даҳшат! – бош силтади Шона. – Аммо мен тушунмаяпман, нима учун у сиз билан бу қадар агрессив муносабатда бўлган? Ахир маркиз куёв унинг иззат-нафсини қониқтириши керак эди-ку!

- Сиз ҳақсиз. Агар мен ўшанда маркиз бўлганимда, у менинг номзодимни сўзсиз маъқуллаган бўларди. Аммо отам у вақтда ҳаёт, ва оиламиз молиясини ёлғиз ўзи бошқарарди. У менинг Анжелага уйланишимни истамаганди, чунки унинг келиб чиқиши ҳам, капитали ҳам мақтанадиган даражада эмас эди. Ўша вақтда отам менга қаллиқлик учун герцоглар оиласидан учта қизни кўрган эди. Аммо мен Анжелани севиб қолгач, отам мени оқ қилди ва менга пул беришни тўхтатиб қўйди. У мен унинг айтишича “ўзимга келмагунимча” бир пенсе ҳам ололмаслигимни айтди. Мен эса отамни кўндиришнинг ҳеч иложини тополмадим: уни фақат пул қизиқтирарди. Ёрдамга дўстларим келишди. Улар мен ўз бахтим учун курашиб, мақсадимни амалга оширишим учун менга қарз бериб туришди. Уларнинг ёрдами билан Анжела иккимиз қочишга муваффақ бўлдик ва Калегача етиб олиб, ўша ерда никоҳдан ўтдик. Аммо Эктон бизни изма-из қувиб келарди. Аввалига биз ундан қочдик, чунки у билан боғланишни истамадик. Аммо кейин мен тўхташга ва рақибим билан учрашиб, юзма-юз гаплашиб олишга қарор қилдим. Мен ўшанда у никоҳимиз ҳақида билганидан сўнг бизни тинч қўяди, деб ўйлагандим... Нега ўшанда бунчалик гўл ва ахмоқ бўлганим ҳақидаги савол ҳалигача мени қийнайди. Анжела ўзидан Эктоннинг воз кечишига ишонмаганди, чунки у бу одамни мендан кўра яхшироқ биларди. Аммо, охири-оқибат мен ўз билганимдан қолмадим.

Маркиз тин олди, унинг танасига титроқ югурди.

- Эҳ, агар мен унга кулоқ солганимда эди... Эҳтимол у ҳозир тирик бўлармиди, - овози қалтиради маркизнинг.

У яна жимиб қолди, қалб оғриғидан ларзага келиб, бир қанча муддат бир сўз демади. Ниҳоят, Шона унинг кўлидан тутди.

- Кейин нима бўлди? – ҳамдардлик билан сўради у.

- Биз уни кутиб турдик, биз унинг чакириғини қабул қилдик. Мен, у энди бизга ҳеч қандай зарар етказолмайди, дедим. Мен унинг қаршимда юзма-юз турганини ҳалигача эслайман. Юзидаги маккорона илжайиш ҳалигача ёдимда... Шунда у пистолет чиқарди ва ўқ узди.

- У қизни севишини айтиб, яна унга пистолетдан ўқ уздими? – кулоқларига ишонмай хитоб қилди Шона.

Маркиз кулди. Бу телбалик чегарасидаги аччиқ ва қаҳрли кулги эди.

- Унга эмас. Менга.

Маркиз Шонага яқинлашди. Унинг кўзларида носоғлом ва талвасали ўт ёнарди.

-У мени ўлдириб, уни ўзи билан олиб кетмоқчи бўлган. Боя айтганимдай, Анжела уни мендан кўра яхшироқ биларди. Анжела шунга тайёр турган. У Эктоннинг ҳаракатини мендан олдинроқ илғаб олган ва ўқдан тўсиш учун мен томон ташланган.

Шона гапиролмай қолди, унинг қалбини даҳшат чулғаган эди.

- Ва ўқ менга эмас, унга тегди, - деди маркиз. – У менинг кўлимда жон берди, бизнинг туғилмаган фарзандимиз ҳам... Иккиси ҳам менинг ахлоқлигим туфайли қурбон бўлишди. Нима қилиб қўйганини англаган Эктон мени ўлдириш учун иккинчи марта ўқ узди. Афсуски, у бундай қилолмади! Ўқ юзимни ялаб ўтди холос. Яна бир уриниш учун унда вақт етарли эмас эди. У биз томон хизматкорлар югуриб келишаётган овозни эшитиб, қочиб қолди. Мен унинг ортидан қувган бўлардим, аммо Анжела ҳали тирик эди. Уни кўлимга олиб, севгилимдан мени кечирини ўтдим. У кўз юмаётиб, бу дунёда ҳам, уни кутаётган нариги, яхшироқ дунёда ҳам севгимиз абадий бўлиши ҳақидаги қасамимизни такрорлади. У шу сўзларни айтди-ю, жон берди. Ўша кундан бери мен Эктоннинг изига тушиш учун дунё кезаман. Ва уни топмагунимча, тўхтамайман. Менинг севгилим ерда ётибди, мен эса, у аблаҳ жазодан қочиб, озоликда юрар экан, ҳаловат топишим мумкинми?.. Мен уни тутмагунимча, қувишим керак.

Бошқача ҳаёт мен учун мантиқсиз. Агар имконияти бўлганида эди...

Маркиз Шона томон ўгирилди, қиз унинг кўзларида шу чокқача кўринмаган ниманидир илғади. Унинг кўзларидаги сўнмас ва ловуллаб турган олов қизни гўёки ўзига чорлаётганди. Бу чакириқдан Шонанинг юраги гупиллаб ура бошлади, томоғи қуриб қолгандай бўлди.

- Агар бунинг имконияти бўлганда эди... – секин қайтарди маркиз.

- Агар бунинг имконияти бўлганда?... – шивирлади Шона.

Ўртага узоқ ва оғир сукунат чўқди. Ниҳоят қалбининг тубидаги оғир нафас маркизни ёриб чиқди.

- Мен бу ҳақда ҳатто ўйлашга ҳам ҳаққим йўқ. Мен бундай қилмаслигим керак... Мен бундай қилолмайман...

Маркиз вискисини охиригача ичди-да, яна шишага қўл узатди.

- Ҳа, - деди у қизнинг нигоҳини ҳис этиб. – Мен жуда кўп ичяпман, шундайми? Гоҳида бу менга ўтмиш шарпаларини ҳайдаш учун ягона илож бўлиб туюлади. Кейинги пайтда эса бу шарпалар жуда ҳам сирли кўринмоқда.

Унинг кўзларида аллақандай жило пайдо бўлди.

- Мен бўлиши мумкин бўлмаган нарсани ўзимдан ўтказдим, - деди у.

Маркиз яна қизнинг саволомуз нигоҳини туйди.

- Сиз мен нима ҳақда гапираётганимни тушунмаяпсиз, тўғрими?

Шона бош чайқади. Маркизга боқиб, унинг ҳам юраги эзилиб кетганди.

- Эътибор берманг. Буни билмаганингиз маъқул.

У бир томчи ҳам қадах қуймай, шишани жойига қўйди.

- Ажойиб. Бугунга етарли.

У энгил нафас олди.

- Мен айтиш мумкин бўлмаган нарсаларни сизга ҳикоя қилдим.

- Менга ишонишингиз мумкин, милорд. Мен бу сўзларни ҳеч қачон кимнингдир иштирокида гапирмайман.

- Биладан. Сизга ишонаман. Аммо сизга ўз дард юкимни ортишга қандай ҳаққим бор?

Қиз унинг ўз дардини қиз билан бўлашишга тамоман ҳақли эканини айтиб, маркизнинг сўзларига эътироз билдириш учун чоғланди. Дақиқа сайин унинг учун янада кучли қайғураётганини айтмоқчи бўлди. Шунингдек, унинг ишончи Шонага яқин орада тақдир инъом этмаган ажойиб тухфаси эканини билдирмоқчи бўлди.

Аммо ўзини ушалмас орзулар билан овутиш нима учун керак? У ўзга аёлни севиш учун яратилган. Буни ҳозиргина ўзи ҳам эътироф этди.

Етгинчи боб.

Кейинги кун яхтада бутунлай ўзгача кайфият ҳукм сурди. Улар яна очик денгизга чиқиб олдилар. Об-ҳаво жуда ҳам зўр, горизонтда ер кўринмас ва кема йўловчилари ташки дунёдан бутунлай узилиб, энгил ҳаёллар оғушини истардилар.

Лайонел унинг барча мулозаматларига кулги билан жавоб бераётган Эффига тап тортмай тегишарди. Шона унинг ҳамроҳи ва дугонаси севги бобида алданиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, кўркиб турганди, аммо Эффи энгил нафас олиб, деди:

- Қизик, ҳозир менинг Жиммим нима билан шуғулланаётган экан?

Шона тушундики, агар кимдир алданиб қолса, аниқ, бу Эффи бўлмайди.

Лайонел масаласига келганда...

- Бунинг унга фойдаси бор, - кўнглидаги кинни яширмай, деди Эффи. – Сурбет мишиқи!

- Сиз менинг меросхўримни назарда тутяпсизми? – сўради палубада ўтиб кетаётган маркиз.

- У ростданам сизнинг меросхўрингизми? – қизиқди Эффи. – У ҳар доим шундай деб таъкидларди, аммо мен унга унчалик ишонмагандим.

- Нега энди ишонмаслик керак?

- У ҳар доим қизларга яхши кўринишни истайдиган йигитлар хилидан, - деди ботиниб Эффи. Унинг сўзларида ғараз йўқ эди, у фақат тўғриси айтиётганди.

- Аммо сизнинг кўнглингизни олишни у уддалай олмаяпти, шундай эмасми? – сўради маркиз ошкора таажжуб билан.

- У ҳали бутунлай ёш бола-ку, тўғрими? – жавоб берди Эффи. – Менинг шу сўзларимни эслаб қолинг: ўн йилдан сўнг у ҳақиқий хотинбозга айланади.

Маркиз кулди.

- Агар мен уни меросдан маҳрум қилмасам, албатта, - доимий оҳангда деди маркиз.

Унга эркин гапиришни ўрганиб олган ва дилхираликлардан қочиб юрадиган Эффи яхши қиз сифатида ёқарди.

- Эҳ, бунинг заррача аҳамияти йўқ, - деди Эффи ҳаёлчан.

- Аммо бунинг унга унвони учун турмушга чиқмоқчи бўлган қизлар учун аҳамияти бор. Кейин билсалар-ки, у унвондан маҳрум бўлган бўлади. – деди маркиз.

- Бу унга сабоқ бўлган бўларди, майли, севгисиз бир турмушга чиқиб кўрсин-чи, - жавоб берди Эффи. – Мен у ҳақда бир эркак сифатида айтяпман. Ўн йил ичида унинг бошидаги ҳаёллар шамол мисол учиб кетади, кейин у қаёққа етакласанг юрадиган йигитга айланади. – Сўнг қиз қўшимча қилди. – Агар “меросдан маҳрум қилиш” деганда сиз ҳам мен ўйлаган нарсани назарда тутаетган бўлсангиз, унда бу ишни қанчалик тез амалга оширсангиз, шунчалик яхши бўларди.

- Демак, сизнингча, мен оила қуриб, ўғилли бўлишим ва унинг мерос ҳақидаги умидини пучга чиқаришим керакми? – деди у, афтидан бу масала юзасидан жиддий ўйга ботиб.

- Албатта, - деди бир он ҳам иккиланмай Эффи. – Агар у “хом сут эмган банда”га айланса, бу уни бир лаҳзада хушига келтиради.

Ёшлигига қарамасдан, қиз Лайонелга нисбатан тихирлик қилаётган инжиқ боласига меҳрибон холадек муносабатда бўлганди. Бир неча дақиқа ўтиб, ўсмир палубага кўтарилди ва Эффига қўл силтади, Эффи эса унга жавобан баланд овозда жавоб берди:

- Бўпти-бўпти, ҳозир боряпман! Ўша ерда туриб тур.

Эффи Лайонелнинг олдига югурди, юзида акс этган қувонч унинг фикрига мутаносиб эмас эди.

- Албатта, у кўп жиҳатдан ҳақ, - деди маркиз нигоҳлари билан ёш жуфтликни кузатар экан. – Жавобсиз муҳаббат Лайонелни юраги қотиб қолишидан асраши керак.

- Аммо бу шафқатсизлик! – эътироз билдирди Шона. – Бечора болакай қулоғига қадар севиб қолган!

- Навбатдаги болаларча эрмаги! – бепарволарча рад этди маркиз. – Огоҳлантириб кўйай: Агар бу ўтиб кетмаса, шўрлик қиз унга турмушга чиқишига тўғри келади.

- О, йўк! – деди дабдурустдан Шона. – Бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас!

- Ҳа, ачинарли тақдир, - Шонанинг фикрини қувватлади маркиз. – Кўринишидан, сиз дугонангизни бу қисматдан асраб қолмоқчисиз. Бошқа тарафдан қараганда, бу ёмон танлов эмас...

- Сиз унинг устидан қуляпсиз, - ўпкалади Шона. – Аммо ишонтириб айтаман-ки, Эффи тамоман номуносиб номзод. Унинг на унвони, на пули ва на бошқаси бор. Чилвортлар авлодининг меросхўрига эса жамиятдаги муносиб табақадан келин керак.

- Чилвордлар авлоди меросхўри – калтафахм одам, у ўзига шундай боодоб қиз эътибор қилганидан хурсанд бўлиши лозим, - жавоб берди маркиз истехзоли жилмайиб.

- Лекин Эффи унга эътибор бермайди! – тортишди Шона. – Эффига бутунлай бошқача эркак керак. Ўзингиз эшитдингиз-ку.

Маркиз киноя билан қошларини кўтарди.

- Унга айнан қанақа эркак керак экан? – қизиқди у.

Қуёш, денгиз ва унинг ҳар доим ёнида бўлишидан толиққан Шона аччиқ гап билан узиб олишдан аранг ўзини тийиб қолди: “Ўзингиз ҳам унинг атрофида айланишиб қолдингизми, милорд?”

- Бу ҳақда мендан кам билмайсиз.

Маркиз индамади ва сув юзасига термулиб, узоқ хаёлга чўмди. Шона эса саволлар ичида чўмиб қолди: у маркизнинг сўзларини аниқ эшитдими, агар шундай бўлса, у қандай мақсадни кўзда тутди?

Ниҳоят маркиз яна қизга ўгирилди.

- Демак сиз, мени уларнинг муносабатига монелик қилишим лозим, деб ҳисоблайсиз?

Шона ички ишонч билан деди:

- Шарт эмас. Буни Эффининг ўзи уддалайди.

Улар бир-бирларига дўстона жилмайиб кўйдилар. Шона маркизда нима ўзгариш рўй берганини тушунолмай, ўйланиб қолди. Ўтмишнинг уни таъқиб қилувчи ғам сояси сирли тарзда тарқаб кетганди.

Шона маркизнинг қизга қандай қараганини сезмаслиги мумкин эмасди, айниқса кўзларидаги ёрқин нур уни қаттиқ ташвишга солганди ва тўғри фикр юритиш қобилятини сақлаб қолиш борган сайин қийинлашиб борарди.

- У ҳолда, чамаси, Эффининг маслаҳатига қулоқ солишимга тўғри келади, - хулоса қилди маркиз. – Ўз оиламни қуриш ва Лайонелни меросхўрликнинг барча ҳуқуқларидан маҳрум этиш.

- Эҳтимол, шундай йўл тутиб, ўзингиз ҳам бахтли бўларсиз, - қувватлади уни Шона.

- Ҳа, - ўйчан эътироф этди у. – Ҳа.

- Аммо мен аввал айрим масалаларни ечиб олишим керак. – давом этди маркиз. – Шундай қилмай туриб, бу ҳақда... ўйлашга ҳам ҳаққим йўқ.

- Биламан, - деди Шона майинлик билан.

- Ҳа, сиз мени яхши тушунасиз, шундаймасми? Шунга қарамай... Мен ҳайдамоқчи бўлган ҳаёллар миямга менинг ихтиёримдан ташқари келяпти.

- Бу ҳолат менга ҳам аён, - шивирлади қиз.

Шона қийналарди. Улар ўртасида юзага келган ва кун сайин мустаҳкамланиб бораётган туйғулар ана шундай ҳаяжонли эди. Аммо, ҳақиқий қиёфасини маркиздан яширган ҳолда, бу туйғулардан лаззатланишга йўл қўя олмасди ахир!

Ундан мутлақо ҳамма нарсани яширган ҳолда...

Шона маркиз бор ҳақиқатни эшитаётиб, юзлари ишончсизлик ва нафратдан қанчалик ўзгариб кетишини тасаввур қилди...

Шубҳасиз, Эффининг аслида ким эканлигини билгач, жуда қаттиқ ғазабланади. Гарчи жияни Лайонел ҳақида бепарволарча ҳазил қилган бўлсада, меросхўрининг оддий чўри билан никоҳдан ўтиши ҳақидаги фикр дунёдаги биронта ҳам маркизни қувонтирмаган бўларди.

Эҳтимол, икросини сал ортга суриб, яна бир оз унинг ёнида бўлиш ҳузуридан ўзини мосуво қилмай туриш керакмикан?..

Шона ўз виждони билан мурасага келиш учун қоврулиб ётган бир пайтда улар Лайонелнинг палубанинг нарига бурчагидан қўл силтаётганини кўриб қолишди.

- Ланч тайёр, - бақирди у. – Тезроқ келинлар, очқаб кетдим ахир!

“Ҳақиқатни ошкор этишни сал кейинроққа суриб туришга тўғри келади”, - ўйлади Шона унчалик бўлмаса-да, пушаймонлик билан.

Тушлик кўнгилихушлик билан ўтди. Лайонел болаларча тентаклик қила бошлади, Эффи катъий оҳангда ундан ўзини тутиб ўтиришни сўрагачгина, у сал одоб сақлади. Аммо, барибир у этикетнинг барча қоидаларига тупуриб, мидияни очкўзлик билан ютишдан ўзини тия олмади.

Шона кулгули бу ҳолатдан завқланиш учун маркизнинг ҳайрихоҳлик истаб унга боқиб турган нигоҳини туйди. Юрагини адоқсиз қувонч чулғаб олди.

Лайонел идишда фақат биттагина мидия қолдирди. Шона бу тансиқ таомни ҳеч қачон емагани, шу боис унинг таъмини тотиб кўрди, аммо мидия унинг учун эмас эканлигини ҳис қилди – таом қизга ёқмади.

Ланчдан сўнг Шона саёҳат давомида биринчи марта ўзини беҳол сезгани учун палубага сайрга чиқди. Эҳтимол, ўйлади у, денгиз касалига қарши иммунитетни пасайгандир.

Шўр денгиз хавоси ҳам ёрдам бермади. Шона каютасига қайтиб, ўринга ётса беҳоллиги ўтиб кетиши мумкинлиги ҳақида ўйлай бошлади. Шу дам бирдан пастдан шовқин эшитилди: Бу – эркакларнинг, маркизнинг дарғазаб бақирғи ва капитаннинг ташвишли овози эди.

Каловланганча, қанақадир тутуриқсиз тарзда тушунтириш бераётган учинчи одамни Шона танимади. Палубага Шонани излаганча Эффи югуриб чиқди.

- Эффи, нима бўлди?

- Лайонел қаттиқ бетоб бўлиб қолди! У ҳушини йўқотиб, йиқилиб тушди, уни кўлда кўтариб каютага олиб киришга тўғри келди.

- Бечора! Унинг ҳушдан кетиш сабабини кимдир билладими?

- Бу ҳаммаси мидиядан! – мотам қиёфасида хитоб қилди Эффи. – У намликда кўп туриб қолган. Зоти олийлари шундай ғазабда-ки! У ошпазни ҳозироқ ҳайдаб юборолмайди, чунки ҳозир очиқ денгиздамиз. Аммо, уни бортдан улоқтириш ҳақида пўписа қилди! Албатта, у бундай қилмасди, аммо ошпаз кўрқиб яшириниб олди.

Шу пайт уларнинг ёнига маркиз келди. Унинг юзи жаҳлдан бўзариб кетганди.

- Мен капитанга Марсел томон иложи борица тезроқ сузишни буюрдим, - деди у. – У ерда менинг дўстим яшайди. Лайонел тузалиб кетгунга қадар уникида тураммиз. Бориб тўхташимиз билан унга хат йўллаймам.

- Ҳа, оёқ остида яна ерни ҳис этиш жуда ёқимли бўлган бўларди. – деди секингина Шона.

Шу сўзларни айтаётиб, у дастакни маҳкам тутиб олди, чунки бу вақтда боши узра бутун борлиқ пирпирак бўлиб айлана бошлаганди. Жуда қаттиқ машаққат билан, ва албатта ўзини мажбурлаб маркизга жилмайиб қаради.

- Врач кўргандан сўнг, унинг аҳволи яхшиланиб қолади, деб умид қиламан, - деди Шона ўзининг оғирлашиб бораётган аҳволини сездирмасликка ҳаракат қилиб.

- Мен ҳам бу жиддий касаллик эмас, деб умид қиламан, аммо ҳозир бечорага жуда қийин, - деди ҳамон ғазаби босилмаган маркиз. – Худога шукр-ки, мидиядан фақат у еди.

- Умуман олганда... фақат у эмас, - қийналиб шивирлади Шона.

- Нима?

- Мен ҳам биттасини егандим, шунинг учун эҳтимол... эҳтимол...

Қиз чайқалиб кетди ва унинг қучоғига йиқилди.

- Эй Худойим! – деди маркиз ҳаяжон билан. – Эй Худо! Худойим!

Хушини йўқотишдан олдин қиз унинг юзи даҳшатдан қай даражада ўзгариб кетганини кўриб улгурди. У қизни қўлига оларкан, қизга унинг аччиқ фарёди элас-элас эшитилди:

- Шона! Шона!

Кейинги сонияда унинг кўз олдида ҳамма нарса айланиб кетди ва хушини йўқотди. У каютада ўзига келди. Ёнида Эффи ўтирарди.

- Айни пайтда Марселга етиб келдик, - хабар берди у.

Эшик тақиллади. Эффи туриб очди ва каютага маркиз кирди.

У шошиб Шонанинг ёнига келди ва бир тиззасига чўкиб ўтирди.

- Мен дўстим Шарль Ривальега хабар юбордим, - деди у. – Ишончим комил, у бизни хонадонига таклиф этади. Ва биз у ерга етиб боришимиз билан сизни врач кўради.

Маркиз юзига хавотир соя солганди.

- Аслида, кутиб қолишимиз мумкин эмас. Мен врачни пристанга ҳам чақиритим мумкин, аммо ишончим комил-ки, дўстимнинг врачлари анча малакали... Мен сизга энг юқори даражада тиббий ёрдам кўрсатишларини истайман.

У жуда хавотирга тушганди. Доимий совуққонлик ва сиполикдан асар ҳам қолмаганди.

- Майли, сизга қандай маъқул бўлса, - ожизона шивирлади Шона. – Лайонел қандай? Менимча, унинг аҳволи меникидан ҳам оғир бўлса керак.

- Лайонел яхши, - жавоб берди маркиз енгил безовталиқ аралаш. – Аммо, иккинги сизни ҳам зудлик билан врач кўриши лозим. Шошманг! Мен нималарни ўйлаб ўтирибман-а?! Йўлини топдим!

У каютадан югуриб чиқиб кетди ва бир неча дақиқадан сўнг қайтиб келиб, ҳозирок кирғоққа тушишларини маълум қилди.

- Сизлар тезроқ етиб боришларинг учун мен иккита экипаж ёлладим, - деди маркиз. – биз Ривальелар саройига асосий йўл бўйлаб борамиз, унинг хабарчисини йўлда учратамиз.

Маркиз Шонага қўлини узатди.

- Сизга қўмаклашишга рухсат беринг.

У қизни оҳиста оёққа қўйди.

- Юра оласизми? – сўради у меҳрибонлик билан.

- Ҳа... Ҳа, албатта...

Аммо бундай эмаслигини тушуниш учун унинг жонсиз даражада оқариб кетган юзига бир назар солишнинг ўзи кифоя эди.

Маркиз унинг белидан қучиб оҳиста кўтарди ва қўксига босди.

- Бўйнимдан қучоқлаб олинг, - деди у.

У Шонани извошгача кўтариб борди ва оҳиста ўтказди. Унинг ортидан Лайонелни қўлида кўтаришганча капитан ва яна бир экипаж аъзоси келишди. Йигитни иккинчи извошга ўтказишди.

Эффи маркиз ва Шона ўтирган биринчи извошга чиқди ва улар йўлга тушишди. Шона ҳолсизланганча, бошини ўриндиқ суянчиғига ташлади, аммо қулай жойлаша олмади, бу ноқулайлик уни баттар қийнаб қўйди.

Маркиз уни яна қучоғига олди ва қизнинг бошини елкасига қўйиб, секин шивирлади:

- Мана шундай, менга суяниб олинг. Сизга ўзим ғамхўрлик қиламан.

- Ҳолим бўлмаяпти, - шикоят қилди Шона.

- Биламан, азизам. Жуда афсусдаман. Ҳаммасига мен айбдорман.

- Йўқ, сиз айбдор эмассиз.

- Сизни шу аҳволга солган одамни мен ишга олганман. Ишонинг, у энди қўлимдан чиқиб кета олмайди!

- Бечора... Илтимос, унга марҳамат қилинг. Ахир фақат бир марта хато қилди.

- Мен бундай хатога йўл қўядиган одамни ишлатишни истамайман, - деди у аччиқланиб.

Маркиз қизнинг рангсиз юзини ва пешонасидаги тер томчиларини кўриб, жим бўлиб қолди.

Қиз бошини унинг елкасига ташлаб олган ва у бутун йўл бўйи Шонани бағрида ушлаб келди.

Йўлда уларга қарама-қарши йўналишда келаётган, Ривальелар насли тамғаси туширилган катта карета учради. Уни меҳмонларни олиб келиш учун саройдан юборишганди.

Отда ўтирган месъе Шарль Ривалье саёҳатчилар билан самимий кўришди.

- Энди эса мен билан юринг, - бошқарди у. – Фақат сизлар беморларни безовта қилмаслик учун ўз извошингизда қолишингизга тўғри келади.

Ҳаммалари уларни аллақачон врач кутиб турган сарой сари йўл олишди.

Врач беморларни кўргач, улар бир неча кун ором олишлари лозимлигини ва ҳаммаси ўз жойига тушишини маълум қилди.

У Шонани кўраётган пайтда маркиз унинг яқинида безовталанганича у ёқдан бу ёққа бориб келарди. Врач кетгач, беморга ғамхўрликнинг барча мажбуриятлари Эффининг зиммасига ўтди ва у беморни ҳоли қолдиришларини сўради.

Қанчалик беҳол бўлмасин, Шона Эффининг сўзига бўйсуниб, секингина хонадан чиқаётган маркизнинг хайрлашган нигоҳини илғай олди.

Эффи ўз онаси каби Шонани авайлаб ечинтирди, ўрнига ётқизди ва врач буюрган суюқ дорини ичирди. Дорининг таъми жуда бемаза эди, аммо унинг яхши таъсири туфайли Шона яна ухлаб қолди. Фақат шу холос. Бу шунчаки туш эдими? Ё бу ҳақиқатда рўй бердими?

Маркиз ҳақиқатан ҳам уни шундай маҳкам ва нафис кучдими?

У шу чокқача буткул кўрсатмай келган ва унинг юзида акс этган ошкора ожизлик ифодаси - ҳаёлотмиди? Шонанинг қўлини бўйнига ташлагани ва қизни кўксига босгани, ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган ҳимояланганлик, суюнч топганлик ҳиссини ҳада этганичи?

У буларнинг барини қайта ва қайта тасаввурида тиклади, у қандай табиий назокат билан маркизнинг йўғон бўйнидан кучганини эслади.

У маркизнинг бағрида бир умр қолишни истарди.

Қиз уйғонганда, Эффи ҳар галгидек унинг ёнида сабрсизлик билан ўтирганди. Шонанинг ҳаёли ўзига келди ва у биринчи марта шу вақтгача ётган хонасига назар солди.

Хона катта, қимматбаҳо мебель билан жиҳозланган, баланд деразаларига жимжимадор оқ парда илинган эди. Ташқаридан, чамаси боғ кўриниб турарди.

- Анча яхшисиз, мисс, - деди Эффи Шона кўз очганидан қувониб.

- Қаердаман?

- Ривальелар саройида, мисс.

- Ҳа-я... Энди эслаяпман...

- Бу меҳмонлар учун мўлжалланган энг яхши хона: Ривалье хоним уни атай сизга ҳозирлатди. Врач эса...

Эффи хуфёна шивирлашга ўтди:

- Зоти олийлари ундан Лайонелдан олдин сизни кўришни талаб қилдилар.

- Лайонел яхшими?

- Ҳадемай тузалиб кетади, - деди Эффи.

У ўрнидан турди ва эшик олдига борди.

- Мен зоти олийлари билан гаплашишим керак. Сиз уйғонишингиз билан унга хабар беришимни сўраган эди.

У шундай дея, Шонани ҳаёлот дунёсига ёлғиз ташлаб, чиқиб кетди.

Қизни аллақандай безовта, ташвишли, айнаи дамда ҳақиқий бахт шуъласи ҳам акс этиб турган ғалати ҳаёллар чулғаб олган эди.

Шона маркиз қизни қучоғида ушлаганча унинг хушдан кетаётганини кўрганда юзида акс этган даҳшат ифодасини эслади. Худди шу дамда унинг ёдига мудҳиш хотиралари тушган бўлиши мумкин эди.

“У кўз юмаётиб, бу дунёда ҳам, уни кутаётган нариги, яхшироқ дунёда ҳам севгимиз абадий бўлиши ҳақидаги қасамимизни такрорлади. У шу сўзларни айтди-ю, жон берди.”

У бу гапни қўлида жон таслим қилган бошқа аёл ҳақида айтган эди.

Маркиз шунинг учун ҳам кўрқиб кетган: ўшанда у бу мудҳиш хотирани ҳаёлидан кетказа олмаган. Сабаб мана шунда ҳам бўлиши мумкин. Балки у адашаётгандир?..

Шона мулоҳазакор бўлишга ҳаракат қилди, аммо унинг атрофини ўраб олган ҳаёлот гардиши йўқолмади. Ахир у айнан уни қучоғида ушлаб турди, уни – бошқа аёлни эмас!

Ўша ёрқин лаҳзалардаги маркизнинг ҳиссиётлари, кўрқуви ва умиди – ҳаммаси ёлғиз унга тегишли бўлганидан умид қилиши мумкинми?

Бемор яна мудрай бошлади...

У бир неча бор уйғонди ва бир марта ҳатто ўрни ёнида бегона аёлни ҳам кўрди. Ёши элликлар атрофида, мулойим юзида оналарча ғамхўрлик акс этиб турган бу аёл, Шона англадики, улар меҳмон бўлиб турган мазкур сарой соҳибаси эди.

- Мен... мен... жуда афсусдаман... – деди Шона эшитилар-эшитилмас.

- Ҳеч хижолат бўлманг, - жавоб берди мадам Ривалье. – Мухими сиз тезроқ соғайсангиз ва бечора Фредерик қопқонга тушган ҳайвондек безовталанишдан тинса бўлди.

- Фредерик?

Шона шу дамда кираверишда маркизни Фредерик деб аташганини эслади. Унинг паспортида шундай ёзилган, аммо қиз ҳали уни шундай аташганини ҳеч эшитмаган эди.

Сўнг Ривалье хонамнинг шарпаси туманга сингиб кетгандек бўлди. Аммо бу аёл ўрнида ўша захоти маркиз пайдо бўлди, ва унинг қизга термулиб турган нигоҳини Шона тушунадиган ҳолда эмас эди...

Қайсидир маънода у яна ухлаб қолди, уйғонганда эса, ёнида ҳеч ким йўқ эди.

Балки буларнинг бари рўёдир?

Кўп ўтмай Эффи нонушта келтирди. Шонанинг иштаҳаси бир оз қайтган, ва у вужудига куч кираётганини ҳис этди. Эффи ёрдамида ванна қабул қилгач, дераза ёнидаги креслода ўтириб, ўзи овқалана олди.

Унга ўрнидан туришга рухсат берилган биринчи куниеқ тўр тикилган шафтоли ранг шойи кўйлагини кийди. У кийимидан кўнгли тўлди, аммо кўзгудаги аксини кўриб, йиғлаб юборди. Касаллик уни тамоман махв этган, териси касалманд ва рангсиз эди. Юзида илгариги қизилликдан асар ҳам қолмаган, чуқур ботиб кетган, у ўз аксини аранг таниди.

“Алвастига ўхшаб қолибман, - даҳшат ичра ўйлади у. – Бу дунёда биронта ҳам эркак боқишни истамайдиган қари ва тасқара алвасти.”

Шу пайт унинг кўзи токчадаги гулдонда турган оқ атиргуллардан иборат катта гулдастага тушди.

- Бу ажойиб гуллар қаердан келди?

- Зоти олийларидан, - кучли ҳаяжон билан жавоб берди Эффи. – У сизга ҳар куни гул жўнатиб турди.

- Ҳар куни? Мен қачондан бери бу ердаман?

- Уч кундан бери.

- Ҳеч нарсани эслолмайман, - деди секин ва ҳаяжон билан Шона. – Вақт қандайдир туман ортида ёнимдан ўтиб кетгандай.

- Кечаги атиргуллар сариқ эди, - деди Эффи. – Ўтган кунгиси эса – пушти.

“Лекин қизил эмас”, - ўйлади Шона.

- Маркиз сизни кўрмоқчи, доктор унга бир неча минутга рухсат берибди.

- О, Эффи, мен у билан учрашолмайман! Менга бир қарагин.

- Сизнинг бироз рангингиз қочган, холос.

- Ундан ҳам баттарроқ! Йўқ-йўқ, мен у билан кўришолмайман...

- Унга шундай деб айтайми, мисс?

- Ҳа, - жавоб берди Шона қатъий ва ишонч билан гапиришга ҳаракат қилиб. – Зоти олийларига айт, ундан жуда ҳам миннатдорман, аммо уни қабул қила олиш даражасида соғайганим йўқ.

- Яхши, мисс.

Эффи эшик сари йўналди.

- Уни излаш шарт эмас, - деди Шона. – Янаги гал келганида айтасан.

- Лекин у шу ерда, мисс. Сизнинг рухсатингизни кутяпти. У бу ерга ҳар куни эрталаб келади.

Шона уни тўхтатиб улгургунга қадар Эффи эшикни очиб, ташқарига чиқди. Шонанинг қулоғига суҳбат паст овозда эшитилди. Эффи қайтиб кирди.

- У сизни тушунишини ва безовта қилмаслигини айтди, - маълум қилди Эффи. – У сизнинг қабул қилишга тайёр бўлишингизни кутаркан.

- О Эффи, бу мен томондан жуда ҳурматсизлик бўлармикан! Майли, уни ичкарига таклиф қил.

Эффи яшин тезлигида чиқиб кетди ва маркиз билан қайтиб кирди. Маркиз тортинчоқликни енгишга ҳаракат қилаётган одам каби секин ва тараддуд билан кирди.

- Сизни безор қилмоқчи эмас эдим.

- Марҳамат, ўтиринг, - Шона унга катта дераза ёнида ва ўзининг рўпарасидаги креслони кўрсатди.

- Мен фақат сизнинг тузалиб қолганингизга ишонч ҳосил қилмоқчи эдим. – деди маркиз секингина.

Шона ўзини кўриш учун уни бу қадар яқин масофага таклиф этгани учун энди афсус қила бошлади. Чунки бу ерда қуёш юзга тўғридан тўғри тушар, шу боис унинг жуда ҳам сўлғинлиги ва аввалги жозибасининг йўқолганлигини яшириб бўлмасди.

Ўзининг ғоят иложсиз ва мушкул аҳволда қолганлигини ҳис этган Шона юзини яшириш учун қўлларини кўтарди, аммо маркиз шошқич ҳаракат билан унинг қўлини кафтлари орасига олди.

- Мендан юз ўгирма, - деди у.

Қиз гапни ҳазилга буришга ҳаракат қилди:

- Илгари мен сипо ва соқуққон кўринишга ҳаракат қилардим. Энди ҳаракат қилишга ҳам ҳожат қолмади! Ҳатто пенсенесиз ҳам менга камида қирқ ёш берса бўлади...

- Бемаъни гапларни гапирма? – жаҳли чиқди маркизнинг. – Мен умримда бундан ҳам ахлоқона гап эшитмаганман!

Касаллик ҳолдан тойдирган Шонанинг монелик қилишга ҳам мадори йўқ эди. У ўзининг аҳволидан уялиб, йиғлаб юборди.

- Азизам, ўтинаман, йиғлама, - деди секин маркиз ва уни қучиб, бошини елкасига қўйди.

- Мени кечиринг, - ҳикиллади қиз. – Ўзимни тутолмаяпман...

- Албатта. Ахир сен ҳали ҳам касалсан. Сен тезроқ ўзингга келишинг учун нима зарур бўлса, ҳаммасини қилишинг керак.

Қиз кўз ёшларини артди ва кулишга ҳаракат қилди.

- Аминман-ки, Лайонел йиғламаган бўларди.

- Лайонел вақтини чоғ ўтказяпти. Мен биламан, мидиянинг асосий қисмини у еган. Аммо сен еганинг энг ёмони бўлса керак. Сенга жудаям оғир бўлди, нозиккинам менинг.

У шундай мулойим сўзладики, қиз яна йиғлашдан ўзини аранг тийиб қолди. Афтидан, маркиз уни тушунди ва уни нафис қучганча анча вақт ёнида ўтирди.

Шу тобда Шона унинг ёнидан ўтирганидан ва унга суяниш мумкин бўлганидан ўзини беадоғ бахтли ҳис этди. Бу дамлар бир умрга чўзилганда эди...

- Сиз менга жуда ҳам меҳрибонсиз, - шивирлади у. – Мен учун шу қадар қайғуряпсиз. Мен миждов одам бўлиб қолдим шекилли...

- Асло, - деди назокат билан у.

- Эффи менга сиз ҳар куни гул юбориб турганингизни айтди. Мен эса бу ерда шунчалик узоқ ётганимни ҳам билмабман...

- Биз ҳаммамиз ҳам сендан хавотир олдик.

Шонанинг боши айланди. “ Қизиқ, - ўйлади у. – бу фақат менинг беморлигим билан боғлиқмикан ёки бошқа нарса билан ҳамми...”

Эҳтимол бошининг бундай айланаётгани – севган инсонининг ёнида ўтиргани ва уни оғушида тутиб турганидандир?..

- Лайонелнинг ишлари қандай? – сўради Шона юрагининг гупуриб ураётганини сездирмасликка ҳаракат қилиб. – Унинг аҳволи жуда ҳам ёмон эди.

- У дарддан аъло даражада халос бўлиб боряпти, – жавоб берди маркиз. – Менинг жияним ўзининг мустаҳкам соғломлиги билан ҳар доим ажраб турган. Бугун эрталаб у ҳатто кўчага чиқди. Аммо сенинг аҳволинг бизни жиддий хавотирга солди. Сен мен ўйлаганимдан кўра анча нозик экансан...

- Мен ҳар доим ўзимни кули одам деб ҳисоблаганман, - қаршилиқ билдирди Шона.

- Демак, адашибсан. Шундай он бўлди-ки, мен... ҳалиги, биз сенинг ҳолатингдан жудаям қўқиб кетдик.

- Раҳмат, мен...

Кутилмаганда, ҳар иккиси ҳам тушуниб қолишди-ки, маркиз ҳали ҳам қизни кучоғида ушлаб турарди. Шона ўзини йўқотиб қўйди ва унинг назарида маркиз ҳам уятдан юзи қизариб кетганини сезган эди.

Маркиз ҳам, афтидан, хижолат бўлди ва қизни қўйиб юборди.

- Менимча, сизни толиқтириб қўйдим, - деди у ўрнидан тураркан. – Мен яна олдингизга келаман, сал кечроқ... Рухсат этсангиз.

- Илтимос, қайтинг, - сўради Шона.

- Сизга юк бўлмаслигимга ишончингиз комилми? – сўради у безовталиқ оҳангида.

- О, йўк, - уни ишонтиришга шошилди Шона.

Қиз кўзларини кўтариб маркизга бокди ва эшитилар-эшитилмас шивирлади:

- Ўйлайман-ки, бу мени... жуда хушнуд этган бўларди.

Саккизинчи боб.

Шу куни, тушдан сўнг Шонани месье ва мадам Ривальелар келиб йўқлашди.

Улар ўзига ишонч ва хотиржамликни намоён қилиб турган ўрта ёшли одамлар эди. Табассумлари аримаган ҳолда улар Шонанинг барча миннатдорчилигига “арзимади”, дея жавоб бердилар ва бу уй унинг ҳам уйи эканлигини таъкидлашдан чарчамадилар. Қиз бу уйда тўлиқ тузалиб кетгунга қадар қанча хохласа, шунча қолиши мумкин эди.

- Фредерик бизга сизнинг тўлиқ тузалганингиз ҳақида хабар қилади, - деди мадам Ривалье.

Аёлнинг бу гапи кўп маънони ифодалаши мумкин эди, Шона яна қизараётганини ҳис этди. Бу уйдагилар қиз ва маркиз орасида нимадир пайдо бўлишини кутишаётган ва хонадон соҳиблари ўзларининг қардон дўстларини тезроқ бахтли кўришни истар эдилар.

Эр-хотин Ривальелар кўп ўтирмадилар, Шонани ўз хотиралари билан ёлғиз қолдирдилар.

Шонанинг иштаҳаси қайтди ва кечки овқатни тўйиб тановул қилди. Қиз энди маркиз билан учрашишга тайёр эди, аммо у кечикаётган, қизнинг юраги безовта тепаётган эди.

“Шубҳасиз, у фикридан қайтган, - ўйлади у. – Буларнинг бари қуруқ хаёл эди”. Эҳтимол уни Ривалье хонимнинг шаъмаси хижолат қилгандир ва у энди ҳар қандай йўл билан бўлса-да, у билан кўришишдан ўзини олиб қочяпти.

Ниҳоят эшик секин тақиллади. Эффи ўқдай отилиб бориб, эшикни очди ва меҳмонни ичкарига киритиш учун йўл берди. Ўзи эса уларни ёлғиз қолдириб, секин чиқиб кетди.

Чамаси, маркиз ўзида эмас эди. Қизнинг ҳол-аҳволи тўғрисидаги одатий саволлардан сўнг у ботинмайгина кулиб қўйди:

- Улар бизнинг имкон қадар бу ерда кўпроқ қолишимизни ишташяпти. Менимча бу оқилона қарор... агар сен қарши бўлмасанг, албатта.

- Менинг айбим билан вақтингиз бекор кетаётганидан жуда хижолатдаман, - деди афсус билан Шона.

- Мен эса умуман вақтимни бекор кетказяпман, деб ўйламайман.

- Аммо сизнинг режаларингиз бор эди... Сизнинг китобингиз...

Маркиз гўё китобни ҳалокатга маҳкум қилган каби елка қисиб қўя қолди.

- Бу шунчаки бекорчи ҳаёл эди. Бу ҳақда унут.

- Ҳеч қандай китоб йўқмиди? – ҳайрон бўлди Шона.

- Йўқ. Кечир, сенга ёлғон гапирганим учун. Бу керак эди, аммо сабабини сенга ҳали тушунтиролмайман. Пайти келганда... умид қиламан-ки, сен мени тушунасан ва кечирасан.

- Нималар деяпсиз, кечиримни мен сўрашим керак...

- Буни айтганимнинг сабаби, сенинг ростгўй ва самимий қиз эканлигингни биламан. Ҳар қандай ёлғон сени ларзага солган бўларди.

Шона кулди.

- Лекин сиз бир вақтлар менинг биронта сўзимга ҳам ишонмаслигингни айтгандингиз.

Маркиз қизаринқиради.

- Ҳа, мен шундай дегандим, тўғрими?.. Ва мен ҳалигача ҳам мендан кўп нарсани яширяпсан, деб ўйлайман. Аммо, менинг назаримда, сен буни беғараз мақсадда қияпсан.

Шона бош силтади.

- Гоҳида биз ихтиёримизга қарши ўлароқ алдашга мажбур бўламиз, милорд.

- Биламан, - жавоб берди у. – Ва бу менга сендан нима учун ҳақиқатни беркитганимни тушунишингга умид беради.

- Сиз менга эндиам тушунтириб беролмайсизми?

Оний лаҳзаларда унга маркиз ҳозироқ бор ҳақиқатни очиб берадигандай туюлди. Аммо, афтидан унинг фикри бир зумда ўзгарди ва бир оз саросималангандай, ўрнидан турди.

- Эртага мен сени сайрга таклиф этишим мумкин. Ўшанда гаплашамиз.

У қизнинг қўлларини олиб, лабига босди ва чиқиб кетди.

Шона қаттиқ ва тинч ухлади. Уйғонгач эса, тушундики, у беморликдан кейин илк бор кўчага чиқишга тайёр эди.

Эффи Шонга унинг замонавий русумдаги гардеробидан дабдабали ҳаворанг кўйлагини кийдирди. Ҳозир Шонанинг қатъиятли котиба ролига мос келадиган тасқара кийимларни кийишга зарра ҳам хоҳиши йўқ эди.

У маркизга чиройли кўринмоқчи эди – аниқроғи, унинг касалманд ҳолати қанча имкон берса, шунча чиройли.

Қиз маркизни кўриб, англади-ки, мақсадига эришганди. Унинг кўзларида қиз аллақачон пайқашни ўрганиб олган ўша, ўзгача ифода бор эди. Унинг юраги қувончдан хапrikaиб кетди.

Улар фақат икки кишилик енгил извошда кетишди. Маркиз қизнинг ичкарига ўрнашиб олишига кўмаклашгач, ўзи извошчи ўрнига ўтирди-да, тизгинни қўлига олди.

Сарой эгалари уларни кузатишга чиқишди ва бир-бирларини тирсақлари билан туртиб, маънодор кўз уриштириб олишди. Бу ишоранинг мазмуни бу ердагиларнинг ҳаммасига тушунарди эди.

Шонага бу одамлар жуда ёқишди, аммо унингча, сал ўзларини тутиб туришса бўларди, чунки маркиз бу ишораларни сезиб қолиши ва хижолат тортиши мумкин эди. Агар шундай бўлса, у ҳеч қачон маркизнинг кўзига қаролмаган бўларди.

Аммо қиз тушунди-ки, маркиз соҳибларнинг имо-ишораларига тушунди, аммо хижолат чекиш ёки жаҳли чиқиш ўрнига кулиб қўя қолди.

Ташқарида ёз ҳукмрон бўлиб, дарахтлар қийғос гулга кирганди. Улар Ривальеларнинг тепалиқда жойлашган мулки бўйлаб узоқда ялтираб кўринаётган денгизга маҳдиё бўлганча, шошилмай боришарди.

Улар отни бир маромда йўрттириб, айқириб оқаётган кичикроқ сойга етиб боришди. Маркиз сув ичишга яқинроқ бутага отни боғлади ва дарахт соясига тўшама солди.

- Мен ўзим билан енгил газаклар олган эдим, - деди у қизга тушишга кўмаклашаркан. – Ўтир, сенга ўзим тайёрлаб бераман.

Қиз дарахт танасига суянди ва бутун вужуди бўйлаб ором югургандай бўлди.

Маркиз қизга тўла бокал тутқазди ва ичиб бўлгунга қадар кузатиб турди.

- Вино сенга фойдали, - деди у. – Қуёш нури ҳам. Бир соатдан сўнг сени қайтариб олиб бораман ва сен куннинг қолган ярмини тўшакда ўтказишинг мумкин. Эртага эса, эҳтимол узоқроқ сайр қилишимиз мумкин.

- Сиз, сўзингизга қараганда, менинг бутун келгусимни режалаштирганга ўхшайсиз, - кулди қиз.

- Сенга нима кераклигини мен биламан. Бундан ташқари сен билан рўй берган ҳодисада ҳалиям ўзимни гуноҳкор деб биламан.

- Бу асло сизнинг айбингиз эмас.

- Ошпазни мен ёллаганман, демак мен айбдорман.

- Сиз уни хайдаб юбормаган бўлсангиз керак, тўғрими? – сўради Шона.

- Менга бунинг учун ҳожат ҳам қолмади. Капитан биз Марсель қирғоғига тушишимиз билан у ғойиб бўлганини хабар қилди. Ишончим комил, уни аллақачон бошқа кемага ишга қабул қилишган ва у ҳозир янги йўловчиларни захарлаш билан банд.

- Бечора.

- Сен ҳалок бўлишинг мумкин эди.

- Лайонел ҳам, - эслатди қиз.

- Бу йигитча учун қайғурмасанг ҳам бўлади. У кучли ва бу каби ҳаётий кулфатларни шай туриб кутиб олишга лаёқатли. Аммо сен... сен – бу, бутунлай бошқа масала. Сен шунчалар нозиксан-ки, ҳатто енгилгина шабода ҳам оёғингдан олиши мумкин.

- Ҳеч ҳам ундай эмас, - жавоб берди Шона ўзи ҳақдаги бу фикр унга ёқмай. – Сиз шундай гапиряпсиз-ки, гўё мен журъат ва тоқатни умуман билмайдиган танноз оийимтиллалардан бириман.

- Сен ҳар доим эътибор лозим бўлган нозик аёллардан бирисан, - деди маркиз топқирлик билан.

- Ёки эҳтиросли романларнинг қаҳрамон хонимларидан бири – ҳамиша оҳ-воҳ чекиб асосий қаҳрамондан ёрдам сўрайдиган. – тинчланмади Шона.

Унинг гап оҳангидан бу хил қаҳрамонларга муносабати қандайлигини сезса бўларди.

- Демак сен мустақил ҳимояланишни истайсан? – сўради маркиз мийиғида кулиб.

- Умуман олганда, ҳа. Аммо, модомики, барибир мен касалланиб қолган эканман... Демак мен ўйлаганимдан кўра нимжонроқ эканман.

- Кулфат билан бундай мардонаворлик билан олишган аёлни кучсиз деб бўлмайди. Сен яшаш учун ўзинг ишлаб топасан. Сен ақллисан. Сен бева қолсанг-да, таслим бўлганинг йўк...

Шонанинг юзи тундлашганини кўрган маркиз жим бўлиб қолди.

- Кечир. Сенга умр йўлдошинг ҳақидаги хотираларни эслаш ҳали ҳам оғирми?

Шона унга беҳаловатлик билан қаради, сўнг нигоҳини ундан олиб, номсиз бармоғига таққан никоҳ узугига қадади.

Узук унга кенгроқ, унинг бармоқлари онасиникига нисбатан нозикроқ эди. Ҳозир, шунча укубатлардан сўнг узук бармоғидан осонгина сирғалиб тушиши мумкин эди.

Маркиз унинг нигоҳини сизди. У қизнинг қўлини олиб, узукни оҳишта ечиб олди ва ичкари қисмидаги ёзувни ўқий бошлади:

“Муҳаббатимиз абадий бўлсин!”

- Абадий муҳаббат нафақат бахт, балки кулфат ҳам бўлиши мумкин экан, - деди изтироб билан маркиз. – Бу ҳолат сенга таниш, шундайми?

- Нимани... назарда тутяпсиз?

- Сен ҳали ҳам вафот этган умр йўлдошингни аввалгидай севасанми?

Узоқ сукунат чўкди. Маркиз Шонанинг фикрини ўқишга ҳаракат қилди, аммо унинг кўзларида фақат кўрқув бор эди ва маркиз саросимага тушди.

- Шона...

- Милорд, мен иқроф бўлишим керак, - деди у секин. – Мен ҳеч қачон эрга тегмаганман.

- Нима?

- Мен аслида ўзимни намоён қиладигандақа одам эмасман. Сиз ҳақ эдингиз. Мен мисс Шона Уинтертонман. Отам уч йил илгари вафот этди ва онам яна турмушга чиқди. Энди ўгай отам мени мажбурлаб ўзининг дўстларидан бирига бермоқчи. Бу мен учун ўлим билан баробар! Шунинг учун қочиб кетдим. Сиз кўп тилларни биладиган котиб излаётганингизни эшитганимда бу менга Худонинг инояти бўлиб кўринди. Мен сизнинг уйингизга келиб, мени ишга олишга сизни кўндириш учун кўлимдан келган ҳамма нарсани қилдим. Сиз ўзингизга ёш ва эрга тегмаган қизни ишга олмайсиз, деб ҳисоблаб, ёшимни бир неча йилга ошириб, ўзимни бева қилиб кўрсатдим.

- Сен умуман ҳақ бўлгансан.

- Кейин эса сиз менга ҳамроҳсиз йўлга чиқиш мумкин эмслигини айтганингизда, охири имкониятим ҳам қил учуда қолди... Аммо, бахтимга Эффи келиб қолди!

- Эффининг ҳам бирор сири бордир?

Шона бош силтади.

- У менинг оқсочим. Мен сизни алдамоқчи эмасдим, аммо сиз ҳамроҳ чўри бўлмаслиги кераклигини айтдингиз. Илтимос, Эффини айбламанг! Бунинг ҳаммасини мен ўйлаб топдим. Энди тушунгандирсиз, унинг Лайонелнинг тўрига дарров тушиб қолишидан қанчалик кўркаётганимни...

- Қанақа дарров... Кўркма. Менимча, иккимиз ҳам гувоҳи бўлдик, у ҳар доим Лайонелни жойига ўтказиб қўйиши мумкин. Буни унут. Мен кўпроқ сен ҳақингда билишни истайман. Сен ўзининг йўқ “эринг” ҳақида шу қадар ишонч билан гапирдинг-ки...

- У ҳақида гапираётиб, отам тўғрисида ўйлаган эдим. У тириклигида биз ота-онам билан тез-тез саёҳатга чиқиб турардик. Менга чет тилларни у ўргатган. У дунёдаги энг ажойиб инсон эди. Бу узук эса онамники. Иккинчи марта турмушга чиққанда уни менга берганди. Бу нарса қандай унинг ҳаёлига келдийкин...

Шона енгил нафас олди.

- Ўгай отангининг исми нима?

- Полковник Локвуд.

- У ҳақда эшитганман. Айтишларига қараганда, унчалик яхши одам эмас... Демак у мажбуран эрга бериб, сендан кутулмоқчи? Сен қочиб кетиб, тўғри қилгансан.

- Раҳмат. Мен эса сиз менинг ҳаракатимни жуда аблаҳона деб ҳисоблайсиз, деб ўйлагандим.

- Аслида бу жасоратли қизнинг иши. Дарвоқе, аслида ёшинг нечада? Сен билан танишганимиздан бери ўз ёшингни бир неча бор ўзгартирдинг.

- Йигирмадан, - тан олди Шона.

- Ва сен ҳалигача турмушга чиқмаганмисан? Йигитлар қаёққа қарашяпти ўзи?

- Балки уларнинг ҳеч бири менга ёқмас... – жавоб берди қиз.

- Мумкин. Унда тушунса бўлади. Аммо сени келажакда нима кутяпти? Сен менга қочишингга нима сабаб бўлганини айтдинг, аммо қаёққа қочаётганингни айтмадинг.

- Буни ўзим ҳам билмайман, - тан олди Шона. – Менинг бутун фикру-зикрим эрга тегишдан қочишда бўлгани боис, бўлажак турмуш ўртоғимнинг қанақа бўлишини исташим ҳаёлимга ҳам келмабди.

Қиз ўзининг хижолат бўлишини яширишга ҳаракат қилди, аммо бу қийин эди, зеро унинг тасаввуридаги шахзодасига фақат маркиз тўғри келарди.

Ўртадаги ноқулай жимликни бузиш учун Шона атайлаб енгиллик билан қўшиб кўйди.

- Агар шахсий тажрибамдан келиб чиқадиган бўлсак, никоҳ – инсониятнинг энг яхши кашфиёти эмас. Тўғри, менинг ота-онам бахтли яшашган, аммо отам фавқулудда зукко одам эди. Бунақа эркакни мен ҳали учратмаганман. Мен мактабдан сўнг танишган ҳамма эркакларни фақат отлар ва кўчмас мулк қизиқтиради. Аёллар эса улар учун кейинги ўринда туради.

- Бунга ишониш қийин, - деди маркиз. – Сен жуда чиройли ва ақлли қизсан. Менимча, сен билан танишган ҳар қандай эркак бошинг баробар тиллога буркагиси келади.

- Айрим эркаклар балиқ ва ҳайвон ови орасидаги бўш қолган пайтларида бу ҳақда ҳам ўйлаб кўришди, - деди Шона бир оз кўполлик билан.

Маркиз кулиб юборди.

- Мен эркакларнинг бу хилини жуда яхши тасаввур қиляпман, - деди у. – Аммо Лондондаги барча балларда ҳақиқий қироличага айланишинг мумкин эди!

- Қани эди, - надомат билан жавоб берди Шона. – Гарчи рақсга тушиш менга жуда ёқса ҳам, мен ўз тақдиримни боғлашим мумкин бўлган эркакни учратмадим.

- Бошқача айтганда, сен ҳеч қачон севмагансан, - талқин қилди маркиз унинг сўзларини.

- Айнан шундай. Аммо мен ҳеч қачон севиб қолишни ҳам истамаганман.

- Анча ғалати эшитиларкан...

- Қиз бола севиб қолса эркак кишига тобе бўлиб қолади. Кўпчилик эркаклар шу даражада ёқмайдиларки, уларга ўз инон-ихтиёрингни топширгандан кўра, имконият туғилган пайтда бундай қисматдан қочиш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслик керак.

- Жуда ўринли мулоҳаза, - кулиб қўйди маркиз. – Афсус-ки, кўпчилик аёллар бу фикрга риоя қилмайдилар. Аммо бу эркакларга ҳам тегишли. Севиб қолган эркак аёлининг қулига айланади. Ва жуда кам аёллар бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмайдилар. Аниқроғи, мен фақат битта шунақа аёлни билардим...

У жимиб қолди.

- Сиз Анжелани назарда тутяпсизми? – сўради Шона.

- Ҳа. У тенгсиз эди.

- Сиз унга тенг келадиган аёлни ҳеч қачон топа олмаслигингизга ишончингизга комилми?

Сукут давом этди, ва Шона чуқур кетиб қолмадиммикан, деб кўрқиб кетди. Аммо шунда...

- Йўқ! – кутилмаганда хитоб қилди маркиз. – Яқин кунлардан бери бунга ишончим комил эмас. Қолаверса... – у кутилмаганда жилмайди ва майин гапира бошлади:- Қалбимга умид қайтиб келиши учун менга ўн икки йил керак бўлди. Сен бунча кўп кутишинг керак эмас.

- Сизнингча кутишимга тўғри келадими? – сўради қиз. - Ўшанга қадар мен сева олмайманми? Унда нима қилишим керак? Мактабда ўқиб юрган кезларимда бошқа қизлар оналари уларга мос жуфт – бой ва таг-тугли куёв топиш илинжида эканликлари ҳақида сўзлаб беришарди.

Маркиз диққат билан тинглай бошлади. Шона давом этди:

- Ўгай отам ижтимоий юқори табақага чиқиш учун менинг шу жирканч одамга турмушга чиқишимга қарор қилгандан сўнг, айнан мана шунда тушундим-ки, мен ўзимга қаллиқни ўзим танлашим керак.

Маркиз чуқур нафас олди.

- Эҳ, бу ота-оналар... Ҳамиша ўз танловларини болаларига зўрлаб ўтказишга ҳаракат қиладилар.

- Ўйлайман-ки, ўзингиз ҳам бундан кам азият чекканингиз йўқ. – деди Шона.

- Ўша кундан бери унвон мерос бўлиб ўтди. Такдирнинг тоқазосини қаранг-ки, менинг Анжела билан никоҳимизга йўл қўймаслик учун шунча куч сарфлаган отам келаси йили отдан йиқилиб, оламдан ўтди. Менинг пулим истаганимдан ҳам кўра кўпайиб кетди. Боз устига, мамлакатдаги қадимий унвон. Аммо энди бунинг менга заррача аҳамияти йўқ эди. Менинг борлигимга мазмун бағишлайдиган аёл вафот этди. Мен қум ўрнига олтин сочилган сахродагидек яшадим. Кўп ўтмай кибор онахонларнинг бўйдоқ маркизга эътиборлари тушиб қолди чамаси, тулкига ташланган тозилар галасидай менга ёпирилишти. Аввалига уларга эътибор қилмадим, аммо менинг бу ҳолатим борган сари оғирлашиб борди.

- Менимча, ошириб юбордингиз, - эътироз билдирди Шона. – Турган гап-ки, кўпчилик ота-оналар фарзандлари учун жуфтликка семиз ҳамёндан ҳам кўра саҳоватли қалб соҳибини излайдилар.

Маркиз кулди.

- Сиз жуда чиройли таъриф этдингиз, - деди у. – аммо, афсуслар бўлсин-ки, бу дунёда тож ёки давлатга эришмоқ учун ҳамма нарсага тайёр бўлган одамлар кўпчиликни ташкил этади. Қолаверса, - кўзларини хиёл қисиб, қув нигоҳ ташлаганча, қўшиб қўйди маркиз. – Юқори табақа вакиллари орасида мен бундайларни жуда кўп учратдим. Улар фавқулодда зерикарли одамлар, аммо уй соҳибаси яхши билади-ки, у ташкил этган тантанали кечки таом ҳақида эртасигаёқ газеталарнинг киборлар ҳаёти ҳақидаги бўлимида ёзиб чиқишади, таклиф этилмай қолганлар эса ғазабдан тишларини ғижирлатиб қолаверишади.

Шона кулди.

- Сиз шунчалик муҳим шахсмисиз? – сўради у.

- Эҳтимол, мен сизга мақтанчоқ бўлиб кўринишим мумкин, - жавоб берди маркиз. – аммо бундай эмас. Бир марта балдан сўнг менинг ёнимга у ерга таклиф этилмаган одамлар келишти ва уларга нисбатан илтифотсизлик қилишганини айтиб, келгуси ҳафтада уларниқига боришимни илтимос қилишти.

- Демак, сиз бир кечки тантанадан иккинчисига қўлма-қўл бўлгансиз?

- Худди бирор кўргазманинг экспонати каби. – тасдиқлади маркиз. – Назаримда мен доим “маркиз” ҳақидаги четдагиларнинг тасаввурига мутаносиб равишда рол ўйнайман. Ҳаётим мана шундай ўтди... Аммо ҳақиқий моҳият жамиятда қабул қилинган қолипдан тубдан фарқ қилади. Мен ҳар сонияда фақат Анжеласиз ҳайтим бўм-бўш ва маънисиз эканлиги ҳақида ўйлардим. Шу боис зодагонлар даврасидан ўзимни тортдим. Сўнг шахсий эскизим асосида кема ясайдиган корхонага яхта яшашни буюрттирдим. У тайёр бўлгач эса саёҳатга жўнаб кетдим.

- Айнан ўша пайтлар сиз ҳақингизда ваҳимали гаплар тарқаган, - деди Шона топқирлик билан.

- Мен махлуқсифат одам, монстр эканлигим ҳақидами?

- Ҳа. Мен бизнинг биринчи учрашувимиздан нима кутиш мумкинлигини билмасдим.

Маркиз бош силтади.

- Гийбатчилар сафсата сотишда давом этдилар, мен эса уларга монелик қилмадим: менинг обрў-эътиборим одамларсиз яшашга ёрдам берди. Менда имконият туғилиши билан дунё бўйлаб Жорж Эктонни излаш учун саёхатга чиқдим.

- Аммо ҳалигача топа олмадингизми?

- Йўқ. Мен унинг изидан бир мамлакатдан иккинчисига кўчиб юрдим. Аммо у ҳамиша мендан бир қадам олдин кетиб қолди.

- Бу гал уни тута оламан, деб ўйлайсизми?

Шона маркиз юзидаги ҳайрат ифодасини кўриб, унинг фикрини англадим, деб ўйлади. Бир неча сонияда унга шундай туюлди-ки, гўё маркиз ҳозир ҳаммасини рад этади, аммо у маюсланиб бошини ҳам қилди.

- Сен каби ақлли аёл эртами, кечми, барибир мақсадимни англаб олишини назарда тутишим керак эди, - деди у. – Ҳа, мен илгаригидек уни излаяпман, аммо ўзимга ошиқча эътибор жалб қилмаслик учун жуда эҳтиёткорлик билан иш тутяпман.

- Аммо мен сизга нима учун керак эдим?

- Чунки сен грекча гапира оласан. Менга унинг Афина кўним топган бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумот келди. У ерга борганда менга грекчада равон сўзлай оладиган одам керак бўлади. Мен тарафда бўлган одам мени сотмайди. Тан оламан, мен ўзим билан бирга аёл кишини оламан, деб ўйламагандим, чунки бу саёхат жуда ҳам хавфли бўлиши кўзда тутилганди, аммо вақт жуда кам қолган, муносиб эркак киши эса топилмади. Сўнг чўкаётган одам хасга ёпишгандай, сенда тўхталдим. Эҳтимол бундай қилишим керак эмасмиди...

- Мен уйга қайтмайман! – деди Шона қатъият билан.

- Ҳа, бунинг имкони йўқ. Сен тўғри Локвуднинг чангалига бориб тушасан.

- Мен буни назарда тутганим йўқ. Мен сизга керакман.

Маркиз қизга узок термулиб қолди ва ниҳоят ундан садо чиқди:

- Ҳа, шунақага ўхшайди.

- Турган гап-ки, агар уни Франциядан топганимизда ҳаммаси бошқача бўлган бўларди.

- Бошқача?

- У мудҳиш жиноятни шу мамлакат ҳудудида содир этган, шундай эмасми? Сиз уни шу ернинг ўзида қонун кўлига топширишингиз мумкин эди. Грецияда буни амалга ошириш қийинроқ бўлади.

- Ҳа, бу тўғри, - қўшилди маркиз.

- Ёки уни Англияга қайтариб олиб бормоқчимисиз?

- Аммо у Анжелани Англияда ўлдиргани йўқ, - эътироз билдирди маркиз.

- Тўғри, Англияда эмас, аммо жабрланувчи англиялик бўлган, - Шонанинг фикри жўяли эди. – Ҳар ҳолда у ерда нимадир қилса бўлади...

- Бу нарсаларни муҳокама қилишга ҳали эрта: биз ҳали уни топганимиз ҳам йўқ, - сўзини бўлди маркиз. – Мен ҳали буларнинг бари Грецияда қандай амалга ошишини тасаввур ҳам қилолмайман.

У гоҳида қиз билан ана шундай - кескин, қўпол ва айблаш оҳангида гапиришга жазм қиларди. Аммо ундан ҳеч ҳам ранжимаган ҳолда, қиз унга бу ҳақда гапириш қанчалик азоб эканлиги ҳақида ўйларди...

- Сен жуда ҳорғин кўриняпсан, - эътибор берди у. – Менимча, қайтишимиз керак.

Шона унга эътироз билдирмоқчи бўлди, аммо маркиз бу кўнгилсиз суҳбатга чек қўйиш учун баҳона топганини тушунди. Шунинг учун у жилмайганча, тасдиқлаб, бошини силтаб қўйди.

Қуёш ботди, аммо кун ҳеч бир қувонч бермади.

Маркиз кутилмаганда унга улар ўртасида қандай мустаҳкам тўсиқ турганлиги ҳақида аниқ тушунча бергач, қизнинг назарида уларнинг бу яқинлашуви етарли даражага етган эди. Бу тўсиқлар ҳатто қиз улар ҳақида унутганда ҳам, ҳамиша улар ўртасида турганди...

Шона тушунди-ки, ҳақиқатан ҳам жуда чарчабди. Улар қасрга қайтишгач, у Эффига сўзсиз бўйсунди ва ўрнига ётди.

Кейинги кунларда Шона кўпроқ оёққа тура бошлади. Лайонел эса аллақачон тузалиб кетган, кўнглини ёзар, отда сайр қилар ва ҳатто Ривальеларнинг болалари билан ўйнар эди.

Маркиз Шонани ҳар куни сайрга олиб чиқишда давом этди. Ўзларининг суҳбатларида улар қалтис лаҳзалардан қочишга ҳаракат қилардилар, аммо уларнинг ҳали гаплашадиган мавзулари кўп эди. Маркиз қизга ўз мулки, беш юз йил олдин қурилган ва мерос бўлиб келаётган данғиллама уйи тўғрисида сўзлаб берди.

- Кўлда балиқлар ғужғон ўйнайди, қалин ўрмонларда эса кийиклар тўдаси кезади. Ундан сал нарироқда ҳосилдор ерларимга крестьян-деҳқонлар ишлов бериб ётган бир неча фермаларим бор.

Уйимнинг деворларидаги ҳамма нарса аждодларимни ёдга солади: эркаклар қироликнинг душманларига қарши курашган, аёллар эса уйда қолиб, уларни кутиш билан баробарида хўжаликни бошқаришган. Уларнинг суратлари картиналар галериясидан жой олган. Аждодларим орасида фуқаролар уруши вақтида Кромвел армияси устидан ғалаба қилган Елизавета хоним ҳам бўлган. Улар уйимизни ёқиб юборишмоқчи бўлишган, афтидан Чилвортлар ҳамиша монархиячи бўлишган. Аммо

Елизавета уларнинг командирини мафтун қилиб қўйган ва у уйимизни сақлаб қолишга рухсат берган.

- Мен пуританларни мафтун этиб бўлмайди, деб ўйлагандим.¹

- Елизавета хоним ҳар қандай кишини мафтун эта олган. Бу ҳарбий раҳбар нафақат уйимизни ёқмаган, балки уни талон-тарож қилишни ҳам ўз қўл остидагиларга маън этган.

Яна Елизаветанинг қизи Сара хоним бўлган. Чарльз II уни севиб қолган, аммо Сара жуда саховатли киз бўлиб, унинг барча изхору-уринишларини рад этган. Қирол жуда кўп вақт унга хушомад қилиб юрган, аммо Сара у эришолмаган ягона аёл бўлган.

Маркиз аждодлари ҳақида соатлаб худди жонлидай гапириб берар, ва воқеалар Шонанинг кўз олдидан ҳозир рўй бераётгандай ўтарди. Улар қизнинг кўз олдида реал одамлар бўлиб гавдаланди ва Шона тушунди-ки, маркиз айнан шунга эришмоқчи бўлганди.

Маркиз муҳаббат ҳақида ҳеч қачон гапирмасди, аммо улар дарахт соясида ўтиришар экан, Шона бутун қалби билан унда қизнинг эҳтиросларни чулғаб олувчи бир ўтни ҳис этарди. У маркизнинг кўзларидаги, сўзларига бирор марта ҳам чиқмаган иқрорни ўқирди ва унга нигоҳлари билан жавоб қайтарарди. Агар маркиз ана шу табаррук сўзларни тилга олишга журъат этса, қизнинг жавоби тайин эди...

Аммо Шона ҳали бунинг пайти келмаганини тушунарди.

Ўша вақтни “тезроқ кела қолса эди”, - дея интиқ бўлиб кутарди.

- Менимча кўп гапириб юбордим, - пайқаб қолгандай деди маркиз. – Умид қиламан-ки, сени зериктириб қўймадим.

- Йўқ, буни биласиз-ку, - жавоб берди Шона.

- Ҳа, мен уйимни кўришингни, мен ҳис қилган нарсаларни сен ҳам ҳис этишингни истаган эдим. Бу жуда ажойиб жой. Мен у ерга истаганимдек тез-тез боролмайман. Аммо қаерда бўлмай, уй менинг ҳаёлимда туради. Мен бу уйга бутунлай қайтиб борадиган ва бу мулкни ҳақиқий кўнимга айлантирадиган кун ҳақида орзу қиламан. Ўшанда...

У қизнинг кафтини майин сиқиб қўйганча, жим бўлиб қолди.

- Ўшанда? – қиз деярли нафас олмай гапнинг давомини кутди.

Маркиз эшитилар-эшитилмас нафас ростлади.

- Қайтишимиз керак.

Маркиз қизни извош ўриндиғигача кузатди ва ўтиришга қўмаклашди. Ва мана шу охири сонияларда у қизни маҳкам қучоғига олди. Бу онларда уларга ҳеч қандай сўз керак эмас эди.

¹ Пуритан – XVI-XVII-асрларда англиз, шотланд буржуазияси уюштирган диний-сиёсий ҳаракат катнашчиси.

Қиз бунинг бир умр давом этишини орзу қилган кўйи ҳузурбахш яқинлик туйғулари ила унинг бағрига сингиб кетди.

Аммо орзу орзулигича қолди ва Шона буни яхши тушунарди. Реалликдан қочиб бўлмасди. Муҳаббатнинг илоҳий қасамёдини қабул қилиш учун улар биргаликда ҳали кўп чўққиларни забт этишлари лозим эди.

Улар шунчаки бирга эканликларининг ўзидан бахтли ҳолда ғира-шира пайти қасрга қайтиб келишди.

Аммо уларни ўраб турган олам ўзи ҳақида уларга эслатиб қўйди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам йўлдан қаср томон бурилишар экан, боғ дарвозаси олдида бесабрлик билан уларни кутиб турган мадам Ривальени кўриб, бахт лаҳзалари якун топганини ҳис этишди.

Аёлнинг безовталиги узоқдан ҳам сезилиб турганди. Шонанинг юраги ниманидир сезгандай, орқага тортиб кетди.

Маркиз дарвоза ёнида извошни тўхтатиб сўради:

- Барча илоҳлар ҳаққи, Мари! Нима рўй берди?

- Бизда кутилмаган меҳмон, - деди мадам Ривалье йиғларворгудек аҳволда. – У уйимизга деярли бостириб кирди ва ҳаммамизда ўта беёқим таъсурот туғдирди. Унинг исми полковник Локвуд. У Шонанинг отаси эмиш ва қизнинг розилигисиз уни ўзи билан олиб кетмоқчи.

Тўққизинчи бўлим.

Шона кўрққан нарса амалга ошганди. Унинг қўллари беихтиёр юзи томон йўналди.

- О, йўқ! – даҳшат ичра бақириб юборди у. – У менинг бу ерда эканлигимни қандай билибди?

- Демак, у ростданам сизнинг отангиз экан-да? – сўради Ривалье хоним.

- Йўқ, ўгай отам бўлади. Унинг менга ҳукм ўтказишга ҳеч қандай ҳаққи йўқ. У мени мажбуран ўзининг бир гумаштасига эрга бермоқчи. О, хоним, умид қиламан-ки, сиз менинг бу ерда эканимни айтмагансиз?

- Албатта йўқ! – бу саволнинг ўзи уй соҳибасини ажаблантирди. – У биз ҳеч қачон эшитмаган мисс Шона Уэнтертонни сўради. Биз эса фақат Шона Уэнтерсни биламиз, аммо биз унга бу ҳақда гапиришни жоиз топмадик.

- Сиз ҳақиқий дўстсиз! – самимий миннатдорлик билан хитоб қилди Шона.

- Мен ҳақимда-чи, у нимадир биладими? – сўради маркиз.

- Ҳа, албатта. Кимдир унга Шона сизнинг яхтангизда саёҳатга чиққани ҳақида хабар берибди, аммо эрим унга анчадан бери сизни кўрмаганини айтди.

- Баракалла! – қувониб ҳайқириб юборди маркиз.

- Ҳа, лозим бўлган пайтда Шарль ўзини жинниликка сола олади, - қўшилди Ривалье хоним, аммо ҳар қанча ваҳима қуршовида бўлса ҳам француз хонимларига хос дўлворлик билан қўшиб қўйишдан ўзини тия олмади. – Лозим бўлмаган пайтда ҳам.

Бу кичик чекиниш унинг асосий мавзуга қайтишига ҳалақит қилмади:

- Унинг ваҳимали ва дағал сўзларини эшитиб, англадим-ки, у билан учрашиб қолмай, тезда қочишларинг лозим. Шунинг учун уйга кирмасингиздан сизларни огоҳлантиргани бу ерга чиқдим. Ҳамма нарсаларингизни йиғиштириб қўйишибди ва каретамиз хоҳлаган дақиқада сизларни олиб кетишга шай турибди.

- Лайонелчи? – сўради маркиз.

- Энг қийини уни ўзини мулоҳазакор тутишга мажбур этиш бўлди, - деди бир оз ғазаби қайнаган ҳолда Ривалье хоним. – Аммо охир-оқибат Эффи унга ўзини қандай айтишган бўлса, шундай тутиши лозимлигини уқтириб қўйди. Шундан сўнг муаммо ҳам бир зумда ҳал бўлди.

Маркиз кулиб юборди.

- У албатта Лайонелга тегиши керак! Мендан бундай ажойиб қизни мен билан қариндошлик ришталарини боғлашдан қочишга йўл қўймайман.

Худди шу вақтда боғдан Ривальелар каретаси чиқиб келди.

- Мана, улар ҳам чиқишди, - деди Мари. – Тезда причаль сари йўл олинглар. Биз эса полковник Локвудни имкон қадар узокроқ ушлаб туришга ҳаракат қиламиз.

Маркиз ерга сакраб тушди.

- Мари, бизнинг ҳаракатимиз қуюшқонидан чиқиб кетди. Бошингизга катта ташвиш солиб қўйдик. Энди эса, ҳатто дурустроқ хайрлашмасдан ҳам уйингизни қочоқлар каби тарк этипмиз.

Ривалье хоним жилмайганча, хайрлашиш учун кучоқ очди.

- Келинглар, энди хайрлашамиз!

Маркиз уни кучоқлаб, юзларидан чўлпиллатиб ўпди.

- Менимча бу қайта учрашгунимизга қадар етиб туради. Яқин кунларда кўришамиз, деб умид қиламан! – деди у.

- Шубҳасиз, - жавоб берди Мари. – Ахир мен нима содир бўлаётганини билишим керак! Мана карета. Шошилинглар!

Карета яқинашиб келди ва улар карета дарчасидан безовталиқ билан боқиб турган Эффи ва Лайонелни кўришди.

Шона меҳмондўст соҳибани кучди ва унинг қулоғига шивирлади:

- Мари, сиз контрразведкачилар сафида ишласангиз бўлар экан: саргузаштлар жонудилингиз.

Аёл жаранглатиб кулиб юборди.

Маркиз уни уйга етиб олиши учун ўзлари келган извошга ўтиришга кўмаклашди.

Шона билан каретага ўтиришаркан, хавотир ва безовталиқ уларни чулғаб олганди.

- О мисс, - деди Эффи ваҳима аралаш. – У қаердандир пайдо бўлиб, гердайган ва ғазабга тўлган бир алфозда шундай даҳшатли гапларни гапирди-ки...

- Нима деса деяверсин, деди маркиз тунд қиёфада. – Энди бизга эшитилмайди.

- Нега энди ундан қочяписизлар? – сўради норози оҳангда Лайонел. – Нега ўша ерда қолиб у билан гаплашиб попугини пасайтириб қўймадингиз?

- Чунки менинг вақтим йўқ! – дўқ урди маркиз. – Менинг ўзимга ҳам бу ёқмайди, аммо мен ундан ҳам муҳимроқ ишларимни жойига қўйгунига қадар полковник кутиб туришига тўғри келади.

- Аммо...

- Жим! – деди унга Эффи овозини баландлатиб. – Зоти олийлари сендан кўра яхшироқ биладилар.

Лайонел кўнишга мажбур бўлди.

Шона бир сўз демади, аммо у ҳаяжондан ўзида эмасди. У ўгай ота чангалига тушишига бир баҳя қолган, уни қўрқув яна исқанжага олиб, кўнглига ғулғула сола бошлаганди.

- Сал бўлмаса мени тутиб оларди, - деди у ичида титроқ билан.

- Қара-я! – ишонч оҳангида жавоб берди маркиз. – Гўё мен бунга қўйиб берадигандай!

Қиз бу эркак билан хавфдан ҳоли бўлишини ўзига ўзи уқтира бошлади, аммо очик денгизга чиқиб кетгунларига қадар тинчлана олмаслигини ҳам биларди.

- Капитан сузиб кетишга тайёрма? – сўради безовталиқ билан у.

- Ҳа, мен хоҳлаган пайтда катта тезлик билан чиқиб кетишим мумкин. Кеча мен унга менинг буйруғимдан бир дақиқа ўтиб, экипаж сузишга тайёр бўлиши лозимлиги ҳақида хабар жўнатган эдим. Агар капитан улгурмаса, ишини йўкотади.

Ниҳоят олдинда Марсель кўринди ва карета причаль ҳудудига кирди.

Капитан саломлашгани ва сузиш учун ҳамма нарса тайёр эканини айтгани унинг ҳузурига чиқди. Буларнинг фақат бортга кириши қолди холос.

Денгизчилар уларнинг юкларини кемага олишди. Маркиз извошчига дадил чойчақа берди ва бошқалар ортидан трапга чиқди.

- Афинага, - лўнда буйруқ берди у капитанга. Сўнг Шонанинг ёнига қайтди.

- Очик денгизга чиққунимизга қадар сенинг хавфсизлигинг учун пастда қолишингни маслаҳат бераман. Кейинроқ кўришамиз.

У жуда мулойим, аммо бир оз сувуққон гапирди, ва Шона кўнглида бир оз оғриқ ҳис этди. Албатта, одамлар олдида у ёлғиз қолган пайтларидагидек назокат билан гапира олмасди. Шундай бўлса-да, гўё уни қизга бир қисмигина маълум бўлган режалари ортига суриб кўйишини ҳис этиш барибир оғриқли эди.

Хатарли дамлар яқинлашган, гўё у қиз айрим масалаларда у билан дардлаша олмаслиги тўғрисида огоҳлантиргандай эди.

Улар кечки овқат маҳали учрашишганда кун уфққа ёта бошлаган эди.

Энди, ўзи фoш бўлгандан сўнг Эффи ҳамма билан бирга овқатланишдан бош тортди, аммо Лайонел унинг каютасига тушиб, уни кўндирмагунча қўймади. Унинг Эффини етаклаб чиқаётганини кўрган амакиси чапак чалиб кутиб олди ва қизни мафтункор табассум ила стулга таклиф этди.

- Биз сафарга тўртовлон бўлиб чиққанмиз ва бизнинг ўртамизда ҳеч қандай тенгсизлик бўлмаслиги керак, - қатъий эълон қилди у.

Лайонел уни ўта ҳаяжонга солган бугунги кун ҳодисаларини муҳокама қилиш истагида ёнарди. Маркиз унга бағрикенглик билан хоҳлаганча гап сотишга имкон берди, ўзи эса ҳар замонда орага илмоқли гап ташлаб турди. У стол атрофида соҳиб ролини бенуқсон адо этди, аммо Шона унинг ҳаёллари бутунлай бошқа ерда эканлигини ҳис қилиб турарди.

Кечки таом ниҳоясига етгач, Лайонел Эффи билан палубага кўтарилишди, маркиз Шонага юзлади:

- Илтимос, менга бирор нарса чалиб бер. Мен ҳозир сен яратишга қодир бўлган гўзалликка жуда ҳам мухтожман.

Ҳар иккаласи Шона унга бутун бир соат куй чалиб берган хонага ўтишди.

Қиз яхши мусиқа уни ҳозир кўкда чарақлаб турган юлдузлар сари олиб чиқишини ҳис этди.

Куйдан сўнг маркиз унга хайрли тун тилаб, каютасига қадар кузатиб қўйди.

Ичкарига киргач қиз иллюминатор орқали қоронғу тунга узоқ вақт боқиб турди. Юлдузлар ҳамон чарақлаб турар, ой эса сеҳрли қиёфага кирганди.

“Қутулиб қолишимда қўллаганинг учун раҳмат сенга, Худойим, - деди у. – Бизни яқинлаштирганинг учун ҳам раҳмат”.

Севгилиси ҳақида ўйларкан, кўзлари намланди.

“ Яна нима рўй беришини билмайман, аммо бизни машаққатли йўл кутиб турганини сезиб турибман. У мени севишига ишонаман, лекин жиноятчини жазо ёнига олиб бормагунча у бу муҳаббатда эркин бўлолмайди. У менга ана шуни тушунтиришга ҳаракат қилди.

Ким билади дейсиз, яна қандай довлар ошиб ўтишга тўғри келади. Аммо ҳали шундай пайт келади-ки, биз тинч ва ризолик билан бир-биримизни ошкора сева оламиз”.

Эртасига бутун кун давомида оғир изтироблар уни тарк этмади, Афинага яқинлашган сари эса у баттар кучайди. У маркизга жуда кўп саволлар беришни истарди, аммо уларнинг учрашиши учун ҳеч имкон бўлмади.

У мендан қочяпти, деб ўйлади қиз ва юраги пора бўлди.

Кечки овқатдан сўнг Шона борт олдида турган пайти кутилмаганда маркиз унинг ёнига келди.

- Биз эртага қирғоққа тушамиз. Сен мендан ҳеч нарса сўрамоқчи эмасмисан?

- Нега энди унинг Афинада эканлигига ишоняпсиз? – сўради у.

- Чунки бу ҳақда менинг бир дўстим хабар қилди. У менга тўлиқ тафсилотини келтирмади, аммо қолган нарсаларни билиб олиш мумкин бўлган одамнинг исмини айтди. Менга айнан мана шу мақсад учун грек тилини биладиган одам керак эди. Сен ўзингни бу мураккаб вазият ҳақида ҳеч нарсани билмайдигандай тутишинг керак. Биз кунни Афинанинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишга бағишлаймиз. Кечкурун эса, одатдагидай кечки овқат тановул қиламиз, ва ҳамма ётиб ухлаганидан сўнг яна қирғоққа тушамиз.

- Биз уни бирга тутамизми?!

- Йўқ. Биз фақат унинг ҳақиқатан Афинада эканлигини ва мен тўғри йўл бўйлаб бораётганлигимни аниқлаб олишимиз лозим. Сен бу ҳақда ҳеч кимга айтмаслик ҳақида менга сўз беришинг керак. Айниқса Лайонелга.

- Сўз бераман.

- Яхши. Сенинг билганларинг менга ана энди керак бўлади.

- Албатта, - қўшилди қиз.

- Илтимос, аввалгидек сипо кийин, худди авом сингари. Сочингни орқага йиғ. Одамлар сен ҳақингда ўта дидсиз ва консерватив деб ўйлашлари лозим.

- Нега энди?

Маркиз тутилиб қолди.

- Илтимос, баҳслашманг, - деди у кўполлик билан. – Сиз ишдасиз ва қанақа бўлмасин, менинг барча кўрсатмаларимни бажаришингиз лозим.

Қизнинг ҳайрат ила қотиб қолган нигоҳларини кўриб, у беихтиёр қизариб кетди.

- Кечир мени. Мен сен билан бу оҳангда гаплашишни умуман истамаган эдим. Гап шунда-ки, биз мен бошқа ҳолатларда ҳурматли хонимни ҳеч қачон олиб боришим мумкин бўлмаган бир жойга борамиз. Бу хавфли эмас, аммо одоб доирасидан бароз ташқарида. Шунинг учун сен имкон қадар эътиборни тортмасликка ҳаракат қилишинг лозим.

- Тушунаман, - деди секин Шона.

Аслида эса у ҳеч нимани тушунмади. Унинг бунчалик ундан узоқлашишига нима сабаб бўлди?

Нега энди у ўзини худди қиздан жаҳли чиққандай тутяпти?

- Энди эса бор-да, бир оз дам ол, - деди у. – Чунки олдимизда узун ва машаққатли кун турибди.

Эртаси куни тонгда улар Афинага етиб боришди. Шона бутун кунни худди уйқудагидай ўтказди, ва шаҳарнинг барча гўзалликлари шунчаки унда юзаки таъсурот қолдирди.

Бахтига, у Лайонелнинг саволларига тўғри бўлмади, аммо унинг бир неча бор ғалати қарашини сезиб қолди ва у қиздан жиддий шубҳаланаётгани ҳақида ўйлаб қолди.

Қоронғи тушиб, чор-атрофга сукунат чўккач, у имкон қадар сипо кийинди ва палубага, уни кутиб турган маркиз ёнига кўтарилди.

Причалда уларни ёпиқ извош кутиб турарди. Ҳеч сўз демай улар извош ичига ўтиришда ва маркиз извошчига манзилни айтди.

Йўл давомида ҳам у миқ этмади ва Шона унинг барча ҳаракатларида сир ва жумбок туйди.

Қиз дарпардани суриб ташқарига боқди: улар ҳар икки ёнида ғарибона дўкон ва қаҳвахоналар зич жойлашган кичик ва қоронғи кўча бўйлаб кетишаётганди. Атроф-муҳит унинг назарида ваҳимали эди ва у бир ўзи кетмаётганлигидан хурсанд бўлди.

Ниҳоят извош тўхтади. Маркиз унга тушишга кўмаклашди ва хира ёритилган қаҳвахонага тор зиналар билан тушиб боришмагунча унинг қўлини қўйиб юбормади.

Жулдур кийинган бир эркак худди уларнинг келишини кутиб тургандай диққат билан қаради ва бурчакдаги стулни кўрсатиб, грек тилида нимадир деди.

- У сиз мистер Дейтонмисиз, деб сўраяпти, - таржима қилди Шона.

- Ҳа, деб айт.

Шона маълумотни етказди. Грек бош силтади ва тор йўлакни ёпиб турган парда ортига ўтиб кетди.

Улар кичик столга ўтиришди. Шона атрофга безовталаниб аланглади.

- Ҳаммаси жойида, - тинчлантирди уни маркиз. – Биз бу ерда узок қолмаймиз. Уларнинг менга сен таржима қилиб беришинг керак бўлган маълумоти бор. Шундан сўнг кетамиз.

Охирги дақиқада кимдир пардани тортди ва бинога бир аёл кирди. У қирқ ёшларда эди. Узунчоқ юзли, чақнаб турган кўзлари зийрак нигоҳли, бир миждан иккинчисига ўтувчи...

Нихоят у нимадир деди ва Шона унга дарров жавоб қайтарди.

- У нима деди? – безовталанди маркиз.

- У сизнинг бир ўзингиз келишингиз лозимлигини айтди, - жавоб берди Шона. – Аммо мен унга таржимон эканлигимни айтдим.

Аёл хиринглаб кулди ва Шона яна ўша сўзларини қайтаргач, у хохолаб юборди.

- Бу рост, - довдираб қолди Шона.

- Бўпти, аммо сен бир нарсани унутма, - жеркиб гапирди аёл. – Эркакларга ишонмаслик керак. Буни сенга мен, Елена Фаррас айтяпти.

- Унинг исми Елена Фаррас, у менимча бутун эркак зотидан нафратланади. – таржима қилди Шона.

- Мени бутун эркак зоти эмас, унинг фақат битта вакили қизиқтиради. Унга шундай деб айт.

Шона таржима қилди ва Елена тушунгандай бош силтади.

Сўнг у бардан шиша ва учта стакан келтирди, уларни тўлдириб, стол устига қўйди. Шона ичимликни рад этиб бош чайқади (афтидан ўткир ичимлик эди), аммо маркиз шубҳали ичимликни бир кўтаришда ичиб юборди.

- Энди уни қаердан топишим мумкинлигини айтиб бер, - талаб қилди у.

- У шаҳар четида яшайди, - деди Елена. – ҳаёти – маишатдан иборат, аёлларни қўлқопдай алмаштиради.

- Менга унинг аниқ манзили керак, - бесабрлик билан эътирозли оҳангда деди маркиз Шона таржимани тугатгач.

Елена секин, ҳарфлаб айтиб турди ва Шона ёзиб олди.

- У Реджинальд Крентон номи билан яшаб юрибди, - қўшимча қилди Елена. – Ўзини инглиз зодағони қилиб кўрсатади, аслида эса...

У грекчасига сўкинди. Шона бу сўзларни билмасди, аммо маъносини англади.

- Сўра-чи, у бунинг олдида қандай гуноҳ қилган, - сўради маркиз.

Аммо Елена бош чайқади.

- Бу ҳақида айтмоқчи эмасман, - деди у мағрурлик билан. – У қилган ишига яраша жазосини олиши керак. Агар бунинг гувоҳи бўлганимда бахтли бўлган бўлардим.

- Унга бунинг имкони йўқлигини айт, - топшириқ берди маркиз. – Жазо бу ерда бўлмайди. Аммо мен унга тантанали қасамёд қиламан-ки, бу одам барча қилмишлари учун жавоб беради.

Шона таржима қилгач, ўша ондаёқ Еленанинг юзларида чуқур қониқиш аломатларини сездим. Афтидан маркиз ўзини тутиши ва унинг беҳад махзун кўзлари қасос учун у ичган қасамга ишониш мумкинлигини айтиб турарди.

Маркиз ўрнидан турди, Шона унинг ҳаракатини такрорлади. Кетаётиб, маркиз Еленага пул беришга уринди, аммо унинг қашшоқлиги кўриниб турган бўлса-да, бош чайқади.

- Ҳақиқат енгиб чиқса бўлди, - деди мағрур ва хайрлашмасдан ҳам ўгирилиб парда ортига ғойиб бўлди.

Кўчага чиқишгач, Шона извошчига манзилни берди. Арава силжигачгина у гап бошлади. Атрофни зулмат қоплаган, қиз маркизга қарамай сўради:

- У ерга етиб борганимиздан сўнг нима қилмоқчисиз?

- Мен сэр Реджинальд Крентон мен излаётган одам эканлигига амин бўлмагунимча ҳеч нарса деёлмайман.

Улар бу хилват кўчадан чиқиб олишгач, Шона ўзини янада енгил ҳис этди. Чиройли ва ҳашаматли уйлар тез-тез учрай бошлади. Ниҳоят улар шаҳарнинг қизга таниш бўлган жойига чиқишди.

- Мен бу ерда бўлганман. Тўрт йил олдин ота-онам билан келгандим. Манзил менга таниш туюлганди. Агар бу районда яшаётган бўлса, у жуда бадавлат экан.

- Ўша вақтларда унинг пули беҳисоб эди, - ўкинч билан гапирди маркиз. – Тахминимча ўшандан бери унинг давлати янада ошган, ва ишончим комил-ки, ҳалол йўл билан эмас. Аммо у қонун қўлига тушмаслик учун оз-мунча пора бермаган бўлиши керак.

- У сизнинг таъқиб қилаётганингизни билиши мумкинми? – сўради Шона.

Ҳатто қоронғуликда ҳам у маркизнинг табассумини кўрди. Аммо унинг бу кулгуси қиз унинг юзида шу пайтгача кўрганларига ўхшамасди – совуқ, қаҳрли, бўрининг тиш қайрашига ўхшарди.

- Ҳа, албатта, - деди у силлиқ оҳангда. – У бу ҳақда билади. У ўн икки йил давомида ҳам бу ҳақда билиб келган.

Қиз ундан бошқа ҳеч нарса сўрамади. Ниҳоят улар ёш дарахтлар билан ўралган кенг кўчага чиқиб олишди ва кўрсатилган манзилга етиб олишди.

Бир караганданок бу ерда ҳаммаси рисоладагидек эмаслиги кўриниб турарди. Уй бутунлай зимистон ичида эди. Пастда биттагина чироқ ёниб турар, деразадан ёши катта эркак ва аёллар шарпаси кўриниб турарди.

- Қушча учиб кетибди, - деди маркиз тунд қиёфада. – Кимдир уни огоҳлантирганга ўхшайди.

У ичкаридан овоз эшитилгунга қадар эшикни бир неча бор тақиллатишига тўғри келди. Улар ичкаридан секин юриб келаётган ёши катта одамнинг қадам шарпасини эшитишди. Эшик қиягина очилди ва ҳосил бўлган тирқишдан уларнинг кимнингдир кўзини илғадилар.

- Ким у? – сўради қария чийилдоқ овозда. – Сизга нима керак?

- Биз сэр Ренжинальд Крентонни излаётгандик, - деди Шона.

- У бу ерда йўқ, - гапни кесди қария эшикни ёпаётиб.

Аммо маркиз тирқишдан кўлини тикиб, унинг уринишларига қарамасдан қарияни ушлаб олишга улгурди.

“Унинг билаги кўкариб қолган бўлса керак”, - ўйлади Шона. Аммо маркиз бўш келмади.

Кампир унга бу ердан йўқолишини талаб қилиб бақирди. Маркиз эса у билан гаплашиб олиш учун туриб олди. Ўртада жанжалли баҳс бошланиб, Шона унинг марказига тушиб қолган эди.

У бу саёҳатда маркизга нақадар кераклигини энди тушунди. Маркизнинг ўзи уддалай олмаган бўларди.

Баҳс тинчимасди, Шона эса кампирнинг кучли акцентдаги сўзларини базўр тушуниб олиб, таржима қилишга улгурди.

- У қаерга кетди? – деди талаб оҳангида маркиз. – Мен билишим керак.

- У айтмасликка қасам ичибди, - деди Шона кампирнинг бидирлаб айтаётган сўзларини илғаб олишга ҳаракат қилиб. – Кампир ундан кўрқаркан.

- У ҳолда кампир ундан тезроқ халос бўлгани маъқул. Мана шу унга ёрдам беради.

Олтин тангалар ярқираб кетди. Кампирнинг кўзлари чакнаб, кўллари ўз-ўзидан пулга томон талпинди.

- Аввал менга ҳаммасини айтиб берсин, - кескин деди маркиз пулни муштида каттиқроқ қисиб.

Озми-кўпми, воқеа ойдинлашди. Сэр Реджинальд жуда безовта ҳолда бир эркак келгач, уч кун олдин бу ердан чиқиб кетибди. Улар сэр Реджинальд билан узок суҳбатлашишибди, борган сари овозлари баландлаб, бақирдиққа айланибди.

Сўнг сэр Реджинальд бор мулкани йиғиштириб, каретага ортишни буюрибди. Извошчи Крентонни хизматкорлари билан бирга портга олиб борибди ва яқин орадаги кемага чиқариб юборибди.

- У қаёққа кетибди? – жаҳл билан бақирди маркиз.

- Кипрга, - таржима қилди Шона. – Афтидан у султон билан танишга ўхшайди, чунки у Крентонни Лимасолда қабул қилишга тайёр экан.

- Ундан сўра-чи, нега Крентон бирдан ўрнидан кўзғалиб қолганини билармикан?

Шона маркизнинг саволини кампирга етказар экан, жавобига бирталай тумтарок сўзларни эшитди.

- Уни қандайдир эркак таъқиб қиляпти экан. У бу эркакдан жуда кўрқайди ва нима бўлса ҳам бу эркак билан юзма-юз келишдан қочади, - таржима қилди Шона.

- Кўрқиб, тўғри қилади, - минғирлади маркиз.

У кампирга тангани узатди ва шу он уни яна қўлида қисди.

- Унга айт, - деди у. – бу ердан тезда жўнаб кетсин. Унинг хўжайини энди қайтиб келмайди.

Пулни бергач, у Шонанинг қўлидан тортди ва улар аравага қайтишди.

Қайтишда маркиз махзун ҳаёллар исканжасида бир сўз демади. Кемага чиқишгач, у тўғри капитан ёнига кетди.

Шонанинг ёнига кимдир яқинлашди. Бу – Лайонел эди, у пижамада ва афтидан хозиргина уйғонган эди.

- Уни топдимми?

- Кимни? – талмовсиради Шона ваъдасини эслаб.

- Эҳ, Шона, мени телба деб ўйламанг. Мен нима учун у шунча йўл босиб келганини биламан. Бўлмаса, нега у билан бирга кетаман, деб туриб олдим? Мен бугун тунда сизлар билан бирга кетишим мумкин эди, аммо у ҳаммаси эртага режалаштирилганини айтиб мени алдади.

Қиз нима деярини билмай, Лайонелга қараб қолди.

- Шона, у ўша одамни топдимми?

- Йўқ, у Кипрга қочиб кетибди. – паришонхотирлик билан жавоб берди қиз.

- Унда, энди биз ўша ёққа йўл олсак керак. Кейин эса, эҳтимол яна қаергадир, сўнг яна, ва яна, ўшани тутмагунча қуваверамиз. Амаким ўша одамни тутмаганча, бутун умри кетса ҳам ортидан қуваверади. Сиз уни тўхтатишга ҳаракат қилишингиз керак.

- Мен уни қандай тўхтатишим мумкин?

- Буни фақат сиз уддалай оласиз, чунки сиз унинг шахсий ҳаётига умид бағишляпсиз. У сиз билан ўтмишда эмас, келгусида яшаши мумкин. Агар сиз уни бу кайсарликдан халос этмасангиз, у қасос ўтида ёнганча Анжеланинг руҳи билан азобланиб йигирма, ўттиз йил бўлса ҳам қидиришда давом этади. Борган сари қариб, азобланиб, телбаланиб бораверади... Нахотки тушунмасангиз?

Шона тушунади. Манзара дарҳақиқат даҳшатли чизилган, аммо у маркизнинг қатъиятлилиги нақадар кучли эканини ҳам биларди. Агар у ҳозир кутқариб қолинмаса, йиллар оша бу янада қийинлашиши мумкин эди.

Қиз кўз олдидаги мудҳиш манзарани ҳайдашга беҳуда уриниб, қўли билан юзини тўсди. Агар у аёл сифатида ўз севган одамига ёрдам беришга ожиз бўлса, у ҳолда бу бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмасди.

Маркизни кутқаришнинг ёлғиз йўли – Анжела учун қасос олишда ёрдам бериш эди. Тортиб олинган муҳаббати учун қасос олишдан шубҳасиз, уни тўхтатиб қола олмасди.

- Мен энди уни тўхтата олмайман, - деди у. – Фақат у билан бирга олға бориб, кўмаклаша оламан холос.

- У ҳолда мен сизлар билан бирга боришим керак. Акс ҳолда... Жим, у келяпти!

Маркиз уларга яқинлашди. У Лайонел билан қисқагина, бош силтаб саломлашди.

- Эффи бортдами?

- Ҳа, у ухляпти. – деди Лайонел.

- Яхши. Биз бир соатдан сўнг сузиб кетамиз.

- У ерга менсиз бориш керак эмас эди, - ўзини тутиб туролмади Лайонел. – Шонани айбламанг. Ўзим фаҳмладим.

- Сен пашшадан фил ясаяпсан, - совуқ оҳангда жавоб берди маркиз. – Ётиб ухла. Мен капитанга Лимасол томон сузишни буюрдим.

- Кейин-чи? – сўради Лайонел.

- Мен уни топаман ва у ҳаммаси учун жавоб беради.

У Шона тарафга бирровгина нигоҳ ташлаб олди. Нотаниш одамнинг совуқ, бефарк нигоҳи...

- Сен ҳам бир оз ухлаб олсанг бўларди, - деди у. – Ҳали қиладиган ишимиз кўп.

У хайрлашиш учун бош силтаб қўйди ва кетаркан, ортига ўгирилиб ҳам қарамади.

Ўнинчи боб.

Шона эсини танигандан бери сеҳрли Шаркни ўз кўзи билан кўришни орзу қиларди. Унинг учун Кипр Шаркнинг дарвозаси бўлди. Болалигидан Ўрта ер денгизи тўлқинларида дунёга келган севги илоҳаси – Афродита ҳақидаги афсона уни сеҳрлаб қўйган эди.

Эркаклар юрагининг кушандаси, Егепитнинг афсонавий қироличаси Клеопатра Кипрда ором олишни яхши кўрган экан. Эҳтимол у бутун орол бўйлаб сочилган Афродита ибодатхоналарига ҳам боргандир.

Аммо ҳаммасидан ҳам кўра қирол Ричард Шерюракнинг ўз қаллиғи – малика Беренгария Навварскийни қутқариш учун бутун оролни камал этгани ҳақидаги ажойиб афсонани ёқтирарди. Қирол маликани озод этгач Кипрнинг ўзида унга уйланади ва тез кунда Англиянинг қироличасига айлантиради.

Кипр бежизга Муҳаббат Ороли деб аталмаганди.

Аммо орол унинг учун нимага айланади: муҳаббат оролигами ё умидлари ҳалок бўладиган жойгами?

Шона ҳамиша Кипрда бўлишни орзу қиларди, аммо бутунлар бошқа шароитни кўзда тутганди.

Улар Лимасолга тонг шафағида сузиб келишди. Бу портда тонг сахарданок калит шарақларди. Шона палубада туриб трапни туширишгани ва капитаннинг қирғоққа тушиб, порт бошлиғи олдига кетганини кузатиб турди.

Узоқ ўйлаб, қиз кутилмаган бир қарорга келди. Бугундан бошлаб у маркизнинг босган изидан бориб, унинг топшириқларини сўзсиз бажаришдан воз кечди. Ҳар ҳолда у оддий котиба эмас, у – маркизни севадиган ва уни яқинлашаётган хатардан асраш учун ҳамма нарса қилишга қарор қилган аёл эди.

Шунинг учун у каютага қайтди ва шошилиб энг одми кийимини танлади. Бахтига, Эффи каттиқ ухларди, Шона уни безовта қилмасдан кийиниб олишга муваффақ бўлди.

Сўнг эса сочларини яшириш учун бошига тўқ ранг рўмол ўради. Кетиш олдидан Эффига ёзиб қолдирди: “Мен қисқа муддатга қирғоққа тушаман. Лорд Чилвортга айт, мендан хавотир олмасин”.

Шона йўлак бўйлаб чопиб кетди, палубага кўтарилиб, трапдан тушди. Бир неча сонияда у бу ерга келиб тушганлар оқимига қўшилиб кетди ва улар билан бирга шаҳар маркази томон юрди. Бир неча муддат бир четда бу ерлик лаҳжага кўникиш учун грекча сўзлашувларни эшитиб турди.

Тез орада рўпарада султон саройи кўзга ташланди. Унинг дарвозаси ланг очилиб, озиқ-овқат ортилган аравалар ичкарига киритилаётганди. Аравалар ортидан қўлларига сават осганча аёллар боришарди. Улардан бири – қорамағиз ва гавдали, қаҳрли юзлари офтобда қорайган аёл Шона билан тўкнашиб кетди ва деворга бориб урилди. Мевалар ерга сочилиб кетди.

- Қаёққа қараяпсан? – бақирди аёл. – Қара, нима қилиб қўйдинг!

Шона ундан ўтиниб кечирим сўради ва меваларни тера бошлади.

- Рухсат этинг, сизга ёрдам бервораман, - саватларингиздан бирини кўтаришиб юбораман.

Аёл бир оз юмшади ва ёрдамлашишга рухсат берди. Бир неча дақиқадан сўнг аёллар яқин дугоналардай дарвоза орқали сарой ичкарасига кирдилар.

Яхтага Шона қувончдан тўлиб-тошиб, уч соатдан сўнг қайтди.

Худди у кутгандай уч ҳамроҳи уни сабрсизлик билан кутиб туришарди ва унга ҳар тарафдан нигоҳ ташлашди. Маркизнинг юзи кўрқув ва ғазабдан қорайиб кетганди.

- Бу ерда ёлғиз сайр қилиш қаердан хаёлингга келиб қолди?! – портлади у Шона бортга кўтарилиши билан. – Сен ўзингни қандай хатар остига қўйганигни тасаввур қила оласами ўзи?!

- Аксинча, сизга нисбатан мен анча хавфсиз эдим, - унга қарши ўлароқ эътироз билдирди Шона. – Мен уларнинг тилида гаплаша оламан ва оқимга қўшилиб кетишим мумкин. Сиз эса кўпчилик ичида аниқ кўзга ташланиб қолардингиз.

- Аммо аввал мени огоҳлантиришинг керак эди, - деди у тишларини ғижирлатиб.

- У ҳолда сиз мени ё тўхтатишга, ё кузатиб қўйишга уринган бўлардингиз.

- Мен сен билан борган бўлардим.

- Ана, кўрдингизми? Мен ҳақ эдим. Сиз эса менга фақат халакит берган бўлардингиз. Сизсиз ишларим яхшироқ бўлди.

Маркизнинг гапиролмай қолганини кўрган Шона Эффига юзланди:

- Эффи, азизам, сенга айтмай кетганим учун кечир. Менда бир ғоя туғилиб қолди ва уни зудлик билан амалга оширишим керак эди. – Шона яна маркизга ўғирилди.

- Умид қиламан-ки, сиз Эффини сиқув остига олмагансиз. У мен йўқолиб қолганим тўғрисида ҳеч нарса билмас эди.

- Билиб қўйишингизни истардим, мадам, мен женльменман ва ҳеч қачон эси йўқ аёлнинг ишлари учун бошқаларни айбламанман. Чамаси бу аёл Худо унга ато этган ақлидан мосуво бўлганга ўхшайди... – У ўзининг баладпарвоз гапларини ҳайвоннинг бўкиришига ўхшаш овози билан бузди: - Бўпти, буни қўя турайлик. Қаерда эдинг?

- Бу сизнинг ишингиз билан боғлиқ. Мен анча қизиқарли нарсаларни аниқладим. Нонуштага кечикмадимми?

- Ўйлайман-ки, бирон нарса қолган бўлса керак, - деди аранг ўзини босиб маркиз.

- Унда кетдик, ошхонага борамиз.

Эффи ва Лайонел секин ғойиб бўлишди.

Ошхонага кириши билан маркиз ўз устидан бошқарувни йўқотиб қўйди ва Шонанинг елкасидан ушлаб куч билан силтади.

- Мен қанчалик хавотир олганимни ақалли тасаввур қила олсанми?! Эс-хушимни йўқотиб қўяй дедим ахир!

- Ҳеч ҳам ҳожати йўқ эди. Мен бу ерда сизга қараганда ўзимни анча эркин ҳис этаман.

- Гап унда э... Шона!

Маркиз баҳсни четга суриб қизни маҳкам қучоқлаб олди. У йўқотаёзганини қайта топиб олгандай, қизнинг юз-кўзларини бўсалар билан ёпиб ташлади. Шона эса бундан сархуш, боши айланар, у ниҳоят ўзи орзу қилган бағирда эканини ҳис қилаётган эди.

- Шона... Шона... – нафаси тикилди унинг. – Азизам менинг, севгилим...

- Севгим менинг, - шивирлади қиз эҳтирос билан унинг бўсаларига жавобан.

- Мен сени бошқа кўрмайманми, деб кўркиб кетдим. Агар сенга бир нарса бўлганда... Мен кейин қандай яшардим?

У қизни ўзидан сал нари суриб, унинг кўзларига тикилди.

- Мен сени севаман, - деди у. – Буни билмасмидинг? Буни сезмаганмидинг?

- Мени севиб қолишингни жуда ҳам истаган эдим, - нафас ростлади у бу назокатдан эс-ҳушини йўқотиб. – Чунки мен ҳам сени бутун қалбим билан севаман. Аммо мен бу лаҳзаларгача етиб келолмаймиз, деб кўрқкандим...

- Бизнинг вақтимиз келади... тез кунларда. Яна бир оз кутиш керак. Севгилим менинг, мени яна бир бора ўп, ўтинаман... Мени севишингни айт...

Улар бир-бирларининг қучоқларида қанча вақт ўтганини деярли сезишмади, ниҳоят Шона сўз очди:

- Ахир сен мендан нимани аниқлаганимни сўрамадинг-ку.

- Бу муҳим эмас. Буларнинг ҳеч қайси муҳим эмас, сенга ҳеч нарса қилмаган бўлса бўлди.

Маркиз бир оз нафас ростлаб, ўзини тартибга солди.

- Умуман олганда, йўқ. Бу ҳам муҳим. Мен ўз бурчимга нисбатан эътиборсиз бўлолмайман. Ҳатто сен туфайли ҳам, азизам.

- Биламан. Шунинг учун ҳам сенга ёрдам беришга қатъий қарор қилдим.

- Агар сенинг аниқлаганинг қандайдир...

- Мен султон саройига мева олиб кирадиган аёл билан суҳбатлашиш имконини топдим.

- Жорж Эктон ўша ерда эканми? – кескин сўради маркиз.

- Саройнинг ўзида эмас. Эктон тўлиқ хилватда бўлиши учун султон унга шаҳар четидан уй ажратган. Аммо ҳамма хизматкорлар бу ҳақда биларкан. Султон кунаро унга тансиқ таомлар жўнатиб туради ва унинг манзили ҳеч ким учун сир эмас.

- Уни қаердан топиш мумкинлигини айтсанг-чи.

- Буни сенга бугун кечқурун айтаман. Ва у ерга сен билан бирга бораман.

- Яхшиси, йўқ.

- Йўқ, мен рози эмасман. У ерга сен билан бирга боришим шарт. Акс ҳолда мен сенга унинг манзилени бермайман ва сен уни топа олмайсан.

- Шона!

- Мен ҳазиллашмаяпман.

Унинг юз ифодасига боқиб тушунди-ки, қиз ҳақиқатан ҳам ҳазиллашмаяпти, ва уни ғалати ҳиссиёт қамраб олди.

Гоҳида у қизни Анжела билан чалкаштирарди, гўё бу – ўша аёлдай. Аммо қалбининг туби билан англади-ки, ундай эмас эди.

Анжела жуда нозик ва ҳамиша унга суянар, барча қийинчиликларни бартараф этиш учун унга тўлиқ имконият берарди.

Шона эса кучли ва эркин эди. У маркизнинг қарори устида баҳслашиши ва ўзи учун ўзи қайғура билиши мумкин эди.

Энди маркиз улар бутунлай бошқа-бошқа одам эканликларини аниқ кўриб турар, ва қизиғи, бундан енгиллик туйди. Бу аёл ўтмишнинг шарпаси эмас эди, у катта куч соҳибаси ва уни келажакка томон етаклаб бора оларди.

У қизни мулойимлик билан ўпиб кўйди.

- Яхши, - рози бўлди у. – Биз у ерга бирга борамиз.

Шу куни окшомда қуруқликка тўрталаси тушишди: Эффи Шонани ёлғиз кўйиб юборишга кўнмади, Лайонел эса Эффини.

Улар агар иш ўнгидан келса, қайтишда асирни ҳам ўзлари билан олиш учун олти кишилиқ извош ёлладилар.

Охирги дақиқада уларга яна кимдир кўшилди, аммо буни ҳеч ким сезмади. Қандайдир шарпа қоронғулик қаъридан чиқиб, улар ёллаган извошнинг орқа қисмидаги юкжойига ўтириб олди.

Шона извошчига қаерга боришни тушунтирди ва улар Лимасол шаҳрининг четига йўл олишди.

Дарчадан боқиб, бу орол бошқа вақт бўлганда қандай мафтункор бўлиб кўриниши мумкинлиги ҳақида ўйлади. Ҳаво қуюқ ва гулларнинг ҳиди ва хуштаъмлик билан тўла эди. Пальмалар енгал шабадада чайқалиб туришар, узоқда сув юзасида ой акс этиб турарди.

Бунинг ўзи романтика эди. У Кипрни ҳамиша шундай тасаввур қилганди.

Аммо ўша оқшом унинг кўнглига романтика ҳам, севги ҳам сиғмасди. Бугун улар муҳим масалани ҳал этишлари лозим эди. Ҳаммаси нима билан тугадини ҳеч ким олдиндан айтолмасди...

Ниҳоят улар етиб келишди. Уларнинг қаршисида унча катта бўлмаган ва баланд деворлар билан ўралган вилла турарди. Олдинда маҳкам ёпилган темир дарвоза кўринди.

- Шу ерда биз хонимлар билан ажралишга мажбурмиз, - деди маркиз. – Биз девор ошиб киришимизга тўғри келади.

- Ҳеч ҳам бундай қилиш шарт эмас, - эътироз билдирди Шона. – Биз дарвоза орқали киришимиз мумкин.

- Бизни осонликча ичкарига киритишади, деб ўйлайсанми? – хайрон бўлди маркиз.

- Нега энди киритмас экан? – хотиржам жавоб берди Шона. – Каретада қолинглар. Эффи, сен дарчадан қараб тур. Бошқалар эса беркининглар.

Уни рад этиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмади. У нима қилаётганини яхши билиши аниқ эди.

Шона извошдан тушиб, дарвозани қокди. Дарвозабон эшикни очиб, унга шубҳали назар солди.

- Бизни султон юборди, - деди у грекчалаб. – Сэр Ричардга.

- Бизни?

- Мени дугонам билан, - деди Шона извош дарчасидан қараб турган Эффини кўрсатиб. – Биз сэр Ричард учун султондан тухфа ҳисобланамиз.

Эшик оғасининг кўзлари чакчайиб кетди:

- Иккинги хамми?

- Султон жуда сахий одам, - жиддий жавоб берди Шона.

- Аммо сэр Ричарднинг ёнида ҳозир иккита аёл бор.

- Аёллар кўплик қилиши мумкинми? - сўради Шона шаъмадор табассум билан. – Султон сэр Ричарднинг ўзини... ҳалиги... ёлғиз ҳис этишини истамайди. Шунинг учун бизларни бу ерга юборди. Меҳмонга тўлик қулайлик яратиш учун.

Оға “ менга нима”, дегандек мийиғида кулиб қўйди ва дарвозани очди. Шона тезгина извошга қайтди ва улар ҳовлига киришди.

- Сен унга айнан нима дединг? – сўради маркиз.

Шона кулди. Унинг бутун борлиғи – хурсанд эди: айёрлик иш берди!

- Мен унга Эффи иккаламиз султоннинг тортиғимиз, деб айтдим.

- Ё Худойим! – шивирлади у. – Қандай беъманилик...

- Агар шундай демаганизмда ичкарига умуман кира олмасдик, - деди у маркизнинг зиклигидан чарчагандай.

- Дарвоке, - кўшимча қилди у. – у ҳозир икки аёл оғушида ҳузурда, бизга кўли ҳам тегмайди.

- Наҳотки? – ишонқирамай сўради маркиз.

- Агар у ерда эркаклар бўлганда, улар унга ҳимояланиш учун ёрдам берган бўлардилар. Аммо ҳарам аёллари уни ҳимоя қиладилар, деб ўйламайман.

- Сен ҳақсан.

Извош тўхтади. Ҳаммалари секин ташқарига чиқишди ва катта дераза ёнига пушиб келишди.

Хона ипак ва парчалар билан безатилганди. Яқиндаги стол устида олтин кубоклар турганди. Атрофда санъат асарлари бетартиблигида ёстиқлар сочилиб ётарди.

Хонада фақат бир киши - узунчоқ юзли, узун бўйли, қимматбаҳо йўл-йўл халат кийиб олган эркак бор эди. У бу вақтда ўзига қимматбаҳо тошлар сепилган олтин кўзадан бир бокал вино қуйди.

Улар кузатиб туришган пайти эркак очиқ турган эшикдан келган овозга чоғи, елкаси оша бақириб нимадир деди.

- Бу ўшами? – шивирлади Шона.

Маркизнинг юзи ўликники сингари оқариб кетди.

- Ҳа, - деди у. – Бу ўша.

У энгил ҳаракат билан деразага чиқди ва хонага сакраб кирди.

Жорж Эктон кутилмаган меҳмонни кўриб қотиб қолди. Унинг эсанкираган ҳолатини кўриб, Шона тушунди-ки, у маркизни таниди ва қилмишига жавоб берадиган пайт келганини англади.

- Сен? – овози чиқди унинг.

- Ҳа, мен, - деди секин маркиз, аммо унинг овозида ўлим таҳдиди бор эди.

Шона, Эффи ва Лайонел унинг ортидан хонага эпчиллик билан кириб олишди.

- Сен мени ахир ўн икки йил давомида кутдинг, - эслатди ўз рақибига маркиз ҳар бир сўзни чертиб. – Сен ақллисан ва буни рад этиб бўлмайди. Сен ҳар доим мендан кочиб кета олдинг. Аммо эртами, кечми, барибир сени тутишим керак эди. Ўша кун етиб келди.

Эктон, чамаси, анча ўзини босиб олди.

- Бу ерда сен менга ҳеч нарса қилолмайсан, - деди у масхаромуз. – Жуда кеч бўлди.

Ўртага сукут чўкди. Шона даҳшат ичра англади-ки, у тўғри гапирганди. У бу ерда, Кипрда қонун олдига қандай масъулиятни кўя билган бўларди?

Шунда маркиз курткасини полга улоқтирди-да, белидан пистолет олди. Шона кўзларига ишонмади.

- Сен мен билан кетасан, - бақирди маркиз. – Чунки сен менинг хотинимни ўлдирганинг учун шундай ёки бошқача тарзда жавоб беришинг керак.

Эктон унга қўполлик билан кўз ташлади.

- Тур йўқол! - деди у. – Сен мени мажбурлай олмайсан. Сен менга ҳукмронлик қилолмайсан. Ўн икки йил олдин Францияда рўй берган воқеа билан Англияда ҳеч кимнинг иши йўқ.

- Эҳтимол, - секин жавоб берди маркиз. – Аммо мен айтганимдай, шундай ёки бошқача тарзда унинг ўлими учун жавоб берасан.

У пистолетни кўтариб, тўғри рақибининг юрагини мўлжалга олди.

Шу онда Шона Лайонелнинг жумбоғли гапини эслади: “ у мудҳиш нарсани амалга ошириш ниятида... Билмадим... Эҳтимол буни ўзи ҳам билмас. Энг охири сонияларгача ҳам буни билмайди”.

Мана, у нимадан шубҳаланганди. Маркиз қотилликни режалаштираётганини Лайонел ҳар доим билганди.

Шона кўрқув ичра кафтини лабларига олиб борди. У маркиз тепкини босмаслиги учун бақиргиси, ўтингиси келди, аммо ҳаракатсиз ва сўзсиз қотиб қолди.

Қиз маркиз бу дамда у ҳақда буткул унутганини тушунди. Ҳозир унинг дунёси унинг ўзидан, ёвуз рақибидан ва уларни боғлаб турган адолат лаҳзаларидан иборат эди.

Жимжитликда Шона Эктонни тутиш тадбирининг қолган икки иштирокчиси ҳолатини ҳис этди. Лайонел ҳам, Эффи ҳам ҳақиқий даҳшатдан донг қотиб қолгандилар. Улар ҳам Шона каби ҳозирги дамда қўлларидан ҳеч нарса келмаслигини билиб туришарди. Сал аралашса ҳалокат рўй бериши мумкин эди.

Маркиз Эктонга ўқталганча пистолетни узоқ ушлаб турди. Ҳар дақиқада ўқ отилиши ва бу ўқ уларни бутун умр ажратиб юборишини Шона ҳис этиб турарди. Ёки, уни ҳар қанча тушунса ҳам, агар у мана шундай совуққонлик билан одам ўлдирса, улар ўртасида муҳаббат бўлиши мумкин эмас эди...

“Бутун илоҳлар ҳаққи, тўхта, - кўнглида ўтина бошлади қиз. – Нима қилсанг қил, аммо муҳаббатимизни ўлдирма!”

Вақт музлаб қолгандай эди.

Шу пайт кутилмаган нимадир содир бўлди.

Маркизни кучли тироқ босди. Унинг тош қотган юзи бирдан юмшади, юзида беҳад хорғинлик зоҳир бўлди.

У пистолетни туширди.

- Сени ит каби отиб ташлашим керак эди. Сен шунга лойиксан, - деди у хиркирок овозда. – Аммо бу сен учун жудаям осон ўлим. Мен сени Англияга олиб бораман. Сен котиллик учун қонун олдида жавоб берасан.

Шона уйғонгандай бўлди, у асабий титроқдан бутун вужуди зириллаётганини ҳис этди, ўзи эса ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган бир енгилликни туйди.

Хавф ортда қолганди.

Аммо Эктон жирканч тарзда тиржайди:

- Сен билан ҳеч қаерга бормаيمان. Сен ютқиздинг. Қонуннинг бу ерда ҳам, Англияда ҳам менга кучи етмайди.

Ўзига бино қўйган, ўта сурбетлик билан у вино тўла бокални кўтарди ва шимириб юборди.

Кейинги дақиқада жинойтчи ғазабдан ўкириб юборди: худди сеҳр рўй бергандек унинг билагига кишан солинди. Кишаннинг иккинчи халқаси кўланкадан чиқиб келган бақувват йигитнинг кўлида турарди.

- Мана шу ерда хато қиляпсан, Эктон, - деди йигит. – Англия қонунининг посбонлари сен билан ҳатто жуда ҳам қизиқишади.

Эффи қичқириб юборди:

- Жимми!

- Салом, севгилим, - деди у қизга бош силтаб. – Сен билан кейин гаплашамиз. Жорж Эктон, сиз 1863 йилда Лондонда содир этилган қотиллик - Жонатан Эктоннинг ўлимида айбланиб, ҳибсга олиндингиз.

- Сиз ҳеч нарсани исботлаб беролмайсиз, - тўнғиллади Эктон секин қизариб бораркан.

- Ҳаракат қилиб кўрамиз, - уни рад этди ишонч руҳида Жимми. – Энди эса кетдик.

Эктон ёрдамга чақириш учун оғиз очишга тараддудланган ҳам эди-ки, Жимми темир панжалари билан унинг томоғини сиқди.

- Овоз чиқарма, - буюрди у. – Кетдик.

Улар ҳали чиқиб улгурмасдан эшикдан қандайдир овоз эшитилди ва хонага яна бир эркак кириб келди. Унинг эғнида енгил тунги кўйлак бўлиб, кўринишидан у бўкиб ичганди.

- Жин урсин, бу чигирткани жиловлаш осон эмас экан, - бўкирди у. – Бу қизга айт...

У қотиб қолди ва хонага ғазаб билан кўз югуртирди.

- Хайрли кеч, полковник, - деди Шона.

- Мана, сен қаерда экансан, кичик хоним, - деди у ғўлдираганча. – Ниҳоят! Энди сен мен билан кетасан...

У қиз томон қўл чўзган ҳам эдики, чайқалиб кетиб, йиқилмаслик учун жовонга суюниб қолди. Жимми муштани қисди.

- Истайсизми, унинг жағига тушираман? – хозирланиб Шонага таклиф билдирди у.

- Йўқ, энди бу менинг вазифам, - деди маркиз бир қадам олдинга чиқиб.

Аммо уни Шона тўхтатди.

- Йўқ, - деди у секин. – Менинг ишим.

Унга ўгай отасининг жағига туширишига ҳам ҳожат йўқ эди. У енгилгина туртиб юборди ва полковник полга қулаб тушди.

- Энди эса кетишимиз керак, - хулоса қилди Шона.

Улар ташқарига йўналишди. Эктон қаршилик қилишга ҳаракат қилди, аммо Лайонел унинг оғзига латта текиб қўйди ва Жиммига уни маҳкамроқ боғлашга кўмаклашди.

Шона ўрнидан туришга инқилаб ҳаракат қилаётган Локвудга жирканиб назар ташлади ва маркизнинг қўлини ушлади.

Санокли сонияларда улар каретага чиқишди ва дарвоза томон юришди.

- Улар бизни қўйиб юборишадими? - безовталанди Эффи.

- Буни менга қўйиб бер, - тинчлантирди уни Шона.

У маркизнинг кўзида ошкора ҳайратни ҳис этди. Гўё у “Энди мен ҳамма нарсада сенга ишонишим мумкинлигини биламан”, деяётгандай эди. Унинг қизга ишончи беҳад эди.

Улар дарвоза ёнига етиб келишганида уларнинг ёнига яна эшик оғаси келди. Шона дарчадан бош чиқариб, кулди:

- Бугун сэр Ричардга биз керак бўлмаймиз, - деди у. – Биз эртага қайтамыз. Шу вақтда...

У кафтини очиб олтин тангани кўз-кўз қилди.

- У биз дарвозадан чиққач мана буни сизга бериб қўйишимизни буюрди.

Эшик оғаси эпчиллик билан дарвозани очди ва улар шу онда ҳовлидан чиқиб кетди. Шона унга тангани ташлади, извошчи тезликни оширди ва улар йўлга чиқиб кетишди.

- Тўхтанг...

Узоқдан норози бақирик эшитилди. Дарчадан улар полковник Локвуднинг бесўнақай гавдасини кўришди, у оёқяланг ва тунги кўйлақда уларнинг ортидан чопиб келарди.

У эшик оғаси айни ёпган пайтда дарвоза олдига етиб келди. Уларнинг охири кўргани – полковникнинг уни чиқариб юбориши учун эшикоғаси билан гап талашаётгани бўлди.

- У қаердан пайдо бўлди? – сўради Эффи.

- Биз кемада Англиянинг ўзидаёқ изингизга тушгандик. – жавоб берди Жимми.

- Биз? – хайрон бўлди Шона.

- У сизлар уйдан қочиб кетаётганингизда деразадан кузатиб турган. Шунингдек, извош ёллаганингизни ҳам кўрган.

- Буни эслайман, - тасдиқлади Эффи.

- Сизнинг ортингиздан хизматкор югурган. У извошни кўздан қочирган, аммо унинг номерини ёзиб қолиб улгурган ва полковник йўналишингиз бўйлаб из олишга муваффақ бўлган. У лорд Чилвортнинг уйига борганида сизлар жўнаб кетиб улгургандингиз. Аммо Локвурд ортингиздан тушган. Кема ёллаб изингиздан сузган.

- Аммо сиз бу ерда қандай пайдо бўлдингиз? – тушунмади Шона.

- Мен полковникнинг уйига Эффини излаб келдим. Ўртамизда юзага келган кичик тушунмовчиликни бартараф этмоқчи эдим... Локвуд сизни қаердан топишни билишини айтди ва мен у билан йўлга чиқдим. Аммо мен сиз қуваётган одам ким эканлигини аниқлагач, - Жимми Жорж Эктон томон ўткир нигоҳ ташлаб олди. – ҳаммаси ўзгарди. Менинг полициядаги раҳбарларим уни тутиш билан жуда қизиқишаётган эди. Энди мен хизматда юқори мартабага эришишим мумкин ва уйланиш имкониятини қўлга киритаман.

У Эффига кўз қисиб қўйди ва қиз унга жавобан бахтли табассум ҳадя қилди.

- Жонатан Эктон ким ўзи? – сўради маркиз. У боядан бери энди оғиз очган эди.

- Унинг отаси. Жуда бой одам. Бу кимсанинг қўлидан фақат бир нарса – пул созуриш келган. Охир-оқибатда Жонатан ўғлининг қарзларини тўлашдан бош тортган ва тез кунда жуда ҳам сирли тарзда оламдан ўтган. Аммо ҳеч ким ҳеч нарсани исботлай олмади ва Жорж Эктон отасининг меросига эга бўлди. Кейинроқ айрим фактлар аниқланди. Гувоҳ пайдо бўлди. Лекин бу вақтда жинойтчи ғойиб бўлганди. Милорд, уни бизга топиб берганингиз учун сиздан қарздорман.

- Ҳаммаси уйдирма, - деди Эктон. – Сен ҳеч нарсани исбот қила олмайсан!

- Наҳотки, сэр? Буни энди Англия суди ҳал этади. Биз маргимуш топдик, ва сиз қариянинг чойига захар аралаштирганингизни кўрган гувоҳ бор. Афсуски, гув оҳ даставвал сиздан кўрқиб, кўрсатма бермаганди. Энди эса, сизни қафасда кўргач, у кўркмайди.

Эктон илоннинг вишиллашига ўхшаш овоз чиқарди.

- Аммо ўгай отам Марселядан сўнг қаерга йўл олишимизни қандай билди? – сўради Шона.

- Ҳаммаси жуда оддий. Унинг портда одами бўлган ва порт бошлиғи орқали йўналишимизни билиб олган. Ўша ондан бошлаб полковник сиз билан изма-из юра бошлади. Лимасолга етиб келганимизда у Эктон ҳақида эшитди. Улар эски ҳамтовоклар экан ва полковник уни излашга тушди. Полковникдан айро ҳолда мен ҳам. Мен сизнинг каретангиз ортига чиқиб олишга муваффақ бўлдим. Мен қотилни ғафлатда қолдирмоқчи эдим.

Жимми яна Эктонга эътиборни қаратди.

- Шундай ҳам бўлди. Тўғрими, ярамас? Энди эса тепинишни бас қил. Сен қутулиб чиқа олмайсан, биз портга етиб қолдик.

Сўнг Жимми маркиздан сўради:

- Сизнинг кемангизда қайтишимга қарши эмасмисиз, милорд?

- Нега энди, хурсанд бўлардим, - дарров жавоб қайтарди маркиз. – Биз зудлик билан Англияга йўл оламиз.

Бир неча дақиқадан сўнг улар пирачалга кириб келишди ва яхта қаршида тўхташди. Уларни кузатиб турган капитан дарҳол тўртта денгизчини кутиб олгани жўнатди.

Уларнинг ёрдамида жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатаётган Жорж Эктонни бортга олдилар, Жимми унинг қочиб кетмаслиги учун хушёр қараб турди. Сўнг эса жиноятчини қамаб кўйишди.

Лайонел Эффини излаб тўрт тарафга аланглади, аммо бу вақтда қиз Жиммининг ортидан бортга югуриб борарди.

Маркич извошчи билан ҳисоблашди. У гипнозга тушгандек ҳаракат қиларди, гўё ақли вужудини тарк этганди.

Шона қўлидан тутганда у қизга совуққина табассум ҳада этди.

Қиз эти жимирлаб кетди. Бу нима, тамом деганими? Унинг муҳаббат ҳақидаги шунча айтган гапларидан сўнг ҳам Шона ҳали ҳам “У мени севмайди. Мен вазифамни адо этдим, энди кетишим мумкин”, деган ҳаёлга борди.

- Юрақол, - секин гапирди у. – Кетдик.

Улар тезда бортга киришди ва матрослар трапни кўтаришди.

Охирги дақиқада қоронғилик ичра бир одамнинг югуриб келаётгани кўринди:

- Тўхтанглар! Тўхтанг, деяпман сизларга!

Полковник Локвуд узун тунги кўйлакка ўралашганча трапга чиқишга ҳаракат қилди, аммо бу пайтда у кўтарилиб бўлинганди.

- Тўхта! – буйруқ берди капитан.

Трапни туширмасдан, полковник ёввойига ўхшаб причалда сакраб ётган бир пайтда у маркизга савол назари билан қаради.

Кема ўзи ва қирғоқ орасида тоза сув чизиқларини қолдириб ўрнидан жилди. Бу чизиқ тобора кенгайиб борар, полковник энди уйига қайта олмасди.

- Нима қилишни буюрадилар, сэр? – сўради капитан.

- Нега энди уни шунчаки шу ерда ташлаб кетмаймиз? - таклиф билдирди Лайонел. – Биз Англияга етиб олгунимизча у шу ерда вайсаб турсин.

Ғазабдан ўкириб юборганига қараганда, полковник бу таклифни эшитди. У оёққа туриб олгунга қадар бир неча марта тепага сакради. У бутун вужудини бортга отди ва палубага шалоплаб тушди.

- Ё худо, энди шу бормиди... – деди Лайонел. – Хонимлар ҳузурида бунақа бесўнақай оёқларни кўрсатиб бўлмайди, ахир!

- Хонимлар? Яна қанақа хонимлар? – ғазабдан ақдан озаёзди полковник. – Уларнинг ҳеч бирини хоним деб аташ керак эмас...

Гапнинг охири атрофдагиларга ноаниқ бақирикқа ўхшаб эшитилди, чунки мана шу сонияларда бир жуфт шафқатсиз қўллар Локвудни ушлаб ҳавога кўтарди. Жимми унинг сўзларини эшитиш учун айна пайтда қайтиб келганди.

- Кемада адашдингиз, полковник, - бақирди у. – Сизники ҳув ана у ерда.

Битта енгил ҳаракат билан у полковникни бортдан улоқтириб юборди. Сувга унинг танаси ҳайвонники сингари шалоплаб тушгани баланд овозда эшитилди.

- Мен буни саёҳатимизнинг аввалидаёқ орзу қилгандим, - тушунтирди Жимми, унинг типирчилаётганини кузатиб турганча. – Ташвишланманг. У сузишни билади. Қаранглар, уни қандайдир қайиқ оляпти!

У дастакдан ортга ўгирилди.

- Мана шундай қилиб, - деди у. – Биз энди у ҳақда унутишимиз мумкин. Эктон қамаб қўйилган ва сиз зоти олийларининг экипажи аъзоларидан иккитаси кун-тун уни қўриқлашади. Рухсат берсангиз, милорд, мен навбатчилик жадвалини тузсам. Чунки эшик олдида доим икки йигит туриши керак.

- Марҳамат, - жавоб берди маркиз. – Мен капитанга бу борада бутунлай сизга бўйсунини айтаман.

- Раҳмат, милорд. Албатта, постда асосан ўзим тураман. Аммо ҳозир ундан ҳам муҳимроқ ишим бор.

У Эффига ишора қилди.

- Жимми, - эриб кетди қиз. – Сен бу ерга менинг ортимдан келдингми...

Йигит бутун қиёфаси билан хижолатда эди.

- Мен сенга жуда бўлмағур гапларни айтдим, аммо бу ёмон ниятда эмас эди. Азизам, мен биламан, сен ҳамиша менга садоқатли бўлгансан.

Эффи капалакдай унинг қучоғига учди. Лайонел бу ҳаяжонли бирлашувга хўмрайиб қараб турарди.

- Ҳалиги, - гап бошлади у имкон қадар самимий бўлишга ҳаракат қилиб. – ҳалиги...

- Жимми, бу киши – лорд Чилвортнинг жияни мухтарам Лайонел Хилтон бўлади.- таништирди Эффи бир сония йигитнинг қучоғидан чиқиб. – Мистер Хилтон, бу менинг қаллиғим.

Жимми Лайонелга ишонқирамай кўз ташлади, аммо барибир унга қўл узатди ва яна севгилисини қучоғига олди.

Лайонел оғир хўрсинди.

- Мистер Хилтон, - деди у. – Илгари у мени Лайонел деб атарди.

- У сенга жуда ҳам меҳрибон эди, - деди маркиз.

- Ҳа, - хомуш тарзда унга қўшилди Лайонел. – Аёл эмас, ҳақиқий хазина. Нима ҳам қилардим... – у маюс елка қисди ва секин юриб кетди.

Маркиз Шонага ўгирилди. Қиз унинг жуда ҳам чарчаганини кўрди. Шу билан бирга киз унинг юзида елкасидан тоғ ошгани каби нотаниш ифодани кўрди.

- Энди ҳаммаси жойидами? – сўради у.

- Ҳа, сен-чи, нима деб ўйлайсан?

- Сенга уни Англияга қайтариш ва унинг суд олдида жавоб бериши етарли бўладими?

- Ниҳоят Анжела учун ўч олинадиган ва мен хотиржам яшашим мумкин. Аммо бу ҳаммаси эмас. Менга яна айрим нарсалар керак.

- Нима? – сўради Шона нафасини ичга ютиб.

У қизнинг қўлидан тутди ва улар палубанинг уларга ҳеч ким халақит қилмайдиган жойига юриб боришди.

- Биринчи галда, - сўз бошлади маркиз. – Мен айрим нарсаларни сенга тушунтириб беришим керак.

У бир неча муддат жим қолди, Шона ҳам уни шошилтирмади. Шона унга ҳозир гапириш оғир эканлигини биларди ва керакли сўз топишда севиклисига ёрдам беришни истарди.

- Мен аниқ қарорга келган эдим, - ниҳоят сўз бошлади у. – Мана шу йиллар давомида мен Эктоннинг изидан бордим ва бошқа имкон қолмаган пайти уни ўлдиришим

мумкинлигини билардим. Мен бунга қодирман, деб ўзимни ишонтирдим, акс ҳолда Анжелага хиёнат қилган бўлардим. У менинг қаршимда ва мен унга пистолет ўқталиб турган пайтимда тушуниб бўлмайдиган нимадир рўй берди. Анжела ўша ерда эди! Мен уни худди ҳозир сени кўриб тургандай аниқ кўрдим. У Эктоннинг олдида мендан бундай қилмасликни ўтинганча қўлларини кўтариб турганди. Кейин у бир гап айтди.

Маркиз яна жим бўлиб қолди.

- У нима деди? – сўради Шона ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилиб.

- У: “Барча илоҳлар ҳаққи, ҳали имкони бор, тўхта. Нима қилсанг қил, аммо муҳаббатни ўлдирма”, деди.

Шона ҳаяжондан тинкаси қуриб, чуқур нафас олди: у ўтиниб нола қилган сўзларини таниди!

- Бу ҳақиқат эди, - деди маркиз. – Агар мен шу ўқни узганимда у бизни бир умр ажратиб юборарди. Мени қамокқа ташлашарди, ҳатто ташлашмаганда ҳам...

- Биз барибир бирга бўлолмаган бўлардик, - шивирлади Шона.

- Анжела шуни билган. Анжела сени қанчалар кучли севишимни билган, ва фақат шу мени тўхтатиб қолди. У қўлимда жон бераётди, мени абадий севиш ва у дунёдан ҳам кузатиб туриш ҳақида ваъда берганди. Энди тушундим, у ваъдасида турди: Менга яна севишга имкон берди.

- Сен узоқ кутилган эркинликни ҳақиқатан ҳам ҳис этяпсанми? – сўради Шона.

- Ҳа, узоқ кутилган эркинликни... севгилим, мен сенга кўп нарсани айтишни хоҳлагандим, аммо гапиролмасдим, чунки елкамда ўтмишнинг оғир юки бор эди. Энди эса мен аниқ кўряпман, сен мен севадиган, менга керак бўлган аёлсан, ва бу ҳамиша шундай бўлиб қолади. Агар сен ҳам менга шундай жавоб қайтаролсанг...

- Албатта қайтароламан, - нафаст ростлади қиз унинг бармоқларини лабига босиб. – Жавоб қайтароламан. Ва ҳамиша сени севиб қоламан, азизим.

- Мен бундай бахтга қандай сазовор бўлганимни билмайман ҳам, - деди жиддий маркиз. – Менга буларнинг бари тушдай кўриняпти.

- Менга ҳам, - деди Шона. - Аммо биз бир-биримиз учун яратилганимизни биламан. Шундай бўлган ва шундай бўлиб қолади.

У қизни ўзига тортди ва уларнинг бўсалари янги ҳаётдан дарак эди. Бу – келажакнинг, улар келажакнинг ваъдаси эди.

Сўнг маркиз бир тиззасига ўтирди; қизнинг бахтдан ял-ял ёнаётган юзига тикилди ва Шона бу дунёда ҳамма нарсадан ҳам ортиқ орзу қилган сўзни айтди:

- Азизам, менга турмушга чиқасанми?

Бахт оғушида қиз ўзини унинг кучоғига отди ва кулоғига шивирлади: “ Ҳа, ҳа, ҳа!”

- Биз Англия соҳилига тушишимиз билан никоҳдан ўтамиз, - хушбахтлик билан деди маркиз.

Уфқ денгиз юзига майин нуруни ташлаш билан банд, яхта эса сув юзасини иккига бўлиб, уй томон сузиб борарди.

Шаҳло Аҳророва таржимаси.